ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Мавлуда БЎРИЕВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Ўқув қўлланма

(I-қисм)

Тошкент – 2006

Мавлуда Бўриева

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. /Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. А.Қодиров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –160 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар: ф.ф.д., профессор А. Бегматов
ф.ф.д., доцент Г. Мансурова
ф.ф.н., доцент Р. Ғаффоров

Мазкур ўқув қўлланма, аввало талабаларга ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга оид масалаларни назарий жиҳатдан ўрганишга ёрдам беришни назарда тутади. Шунингдек, қўлланмада адолатли жамият тўғрисидаги илк қарашларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш йўлидаги машаққатлари аниқ фактлар асосида баён этилган. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос йўли Президент Ислом Каримов асарлари асосида таҳлил қилинган ва ёритиб берилган.

Ўйлаймизки ушбу ўқув қўлланма талабаларни ҳозирги кунда мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни мустақил таҳлил қилиш ва ўрганишга ёрдам беради.

© Мавлуда Бўриева
© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

КИРИШ

“Бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиб, юртимизда очиқ демократик жамият қуриш..., озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек саъй – ҳаракатларимизни халқимиз қўллаб – қувватламоқда... биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш учун бошланган ислоҳотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этади.”

Ислом Каримов

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий демократияга асосланган фуқаролик жамияти барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Демократик жамият қуриш мақсадлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина муаммоларни ўз ичига олади. Демократик жамият барпо этиш, демократиянинг қоидалари, принциплари, тамойилларига таяниш билан бир қаторда ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўзига хос миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш жараёнида ўқувчилар Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг назарий асослари, у тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан танишиш имкониятига эга бўлсалар, айни пайтда Ўзбекистон жамияти тўғрисида унинг ижтимоий–иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш, демократлаштириш, модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнлари билан боғлиқ хусусиятлар, йўналишлар ҳамда унга эришиш механизмлари тўғрисида яхлит тасаввурга ҳам эга бўладилар.

Мазкур қўлланмада юртимизда адолатли жамият тўғрисидаги илк қарашлар халқимизнинг мустақиллик учун кураш ғояси, мамлакатимизда яшаб ижод этган буюк мутафаккирларнинг қарашлари асосида баён этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос йўли, “ўзбек модели”, унинг жамият ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда намоён бўлиши демократик жамият барпо этишда “ўтиш даври”нинг

зарурлиги ва ўзига хос хусусиятлари, миллий, умуминсоний тамойиллар ҳамда уларнинг ўзаро муштараклиги, қонун устуворлиги, қонун устуворлигини таъминловчи асосий шартлар кўрсатиб берилган.

Қўлланмада ижтимоий – гуманитар фанлар: политология, социология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт назарияси, тарих, этика, эстетика, миллий истиқлол ғояси мавзулари ҳам ҳисобга олинади, имкони борича такрорланишга йўл қўймаслик мақсадида предметлараро алоқалар назарда тутилади.

Ўқув қўлланма республика Президенти Ислом Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Қонунлари ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда юзага келганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, республикамизнинг таниқли олимлари А. Азизхонов, С.Отамуратов, М.Рустамбоев, Ҳ.Бобоев, З.Исломов, Қ.Назаров, И.Эргашев, А.Қодиров, М.Шарифхўжаев, Э.Юсуповларнинг Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишнинг турли масалаларига бағишланган илмий ишларидан фойдаланилди.

Ўқув қўлланмада муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” деб номланган 2005 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган устувор вазифалар белгиланган тарихий нутқи методологик асос сифатида олинади.

Айниқса, Президентимизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган 2005 йил 7 декабрда сўзлаган нутқи унда ғарб демократиясининг ўзига хос жиҳатлари ва уларни шарққа, хусусан, Ўзбекистон шароитига куч билан “тиқиштириш”ни асоссиз эканлиги ҳақидаги чуқур фикрлари ушбу қўлланма учун дастурулламал вазифасини ўтайди.

Қўлланма 5380100 – юриспруденция мутахасислиги талабларини ҳисобга олиб тузилганлиги учун ушбу фанга оид мавжуд ўқув қўлланмалардан нисбатан фарқ қилади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил) талаблари тақозо этган малакали юрист кадрларни тайёрлаш жараёнида талабаларга мамлакатимиздаги бош стратегик вазифа – демократик жамият барпо этиш вазифасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жамиятни мадернизациялашга, янгилашга қаратилган давлат сиёсатини, хусусан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг сиёсий моҳияти ҳақида билим бермаслик мумкин эмас.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани сиёсий фандир. Бироқ, у асосий предмети ҳокимият масаласи бўлган политологиядан предмети ва мақсади жиҳатидан фарқ қилади. Ушбу фарқ қўлланмада ўрин топган мавзулар ва уларнинг мазмунида ҳам кўринади. Қўлланмада демократия ҳақидаги илк ғояларнинг Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлишидан тортиб, то халқимизнинг миллий мустақилликка эришиб демократик тараққиёт сари бўлган узоқ тарихий йўли маънавий – тарихий меросимиз асосида кенг ёритилган.

Албатта, ушбу ўқув қўлланма қатор нуқсонлардан холи эмас. Қўлланмада Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш муаммоси билан боғлиқ бўлган барча муаммолар ёритилмаган.

Бунга сабаб – ушбу қўлланманинг ишчи дастур талаблари доирасида тайёрланганлиги ва иккинчидан, ушбу фан юзасидан Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги тавсия этган ўқув қўлланманинг ва қатор бошқа олий ўқув юртлари томонидан чоп этилган қўлланмаларнинг мавжудлиги ҳамда ўқитиш амалиётидан кенг ўрин олганлигидир.

Шу боис мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг фақат айрим мавзуларини қамраб олади.

Қўлланма юзасидан билдирилиши мумкин бўлган услубий ва илмий таклиф, мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади.

“Давлатни бошқариш санъати - санъатларнинг энг улуғидир.”

Демокрит

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон ҳудудида адолатли жамият тўғрисидаги илк қарашлар.
2. IX-XII асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуришга доир ғоялар.
3. Амир Темур ва темурийлар даври миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларда демократик тамойиллар.
4. XVI-XIX асрлар Ўрта Осиёнинг ижтимоий ҳаётидаги мураккаб жараёнлар ва миллий давлатчилик негизларидан маҳрум бўлиш сабаблари.
5. Жадидларнинг миллий давлатчилик ва адолатли жамият қурилишига доир маърифатпарварлик ғоялари.
6. Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши.

1. Ўзбекистон ҳудудида адолатли жамият тўғрисидаги илк қарашлар

Мустақил Ўзбекистон янги жамият барпо этаётган бугунги кунда инсониятнинг адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қараш-лари ва бу қарашларни ўзида мужассам этган таълимотларга муро-жаат қилиш зарурий эҳтиёжга айланмоқда. Зеро, миллат қанчалик юксак тараққиётга кўтарилгани сари унинг ўз илдизларига талпининб яшаш руҳияти кучайиб боради. Чунки, ҳар қандай истиқбол ўтмиш тажрибаларига, ундан чиқарилган хулосаларга таянсагина пировард мақсад ва муддаога эриша олади.

Ўтмиш мерос, айниқса авлод – аждодларимизнинг миллий давлатчилик, адолатли жамият тўғрисидаги фикрлари ва уларнинг қандай йўналишда ривожланганлигини билиш ҳозирги авлод учун ниҳоятда муҳимдир.

Истиқлол туфайли халқимиз буюк аждодларнинг ибратли ишларидан сабоқ олишга интилмоқда. Чунки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ғоят муҳим вазифа бўлиб қолди.[1]

Ўзлигини англашга бел боғлаган ҳар бир халқ, миллат, аввало, буюк аждодлари меросини ўрганади. Зеро, халқ чинор бўлса, унинг илдизи, таянчи, уни ушлаб турадиган ва вояга етказадиган қудратли манба унинг мероси ва тарихий хотираси ҳисобланади.

“Бугун- деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, - бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак”.[2]

Қадимги аждодларимизнинг адолатли жамият тўғрисидаги қарашлари, таълимотлари, авваламбор, халқ оғзаки ижодида, кейинчалик ёзма манбаларда афсонавий қаҳрамонлар, халқ халоскорлари, худолар тўғрисидаги ёзма манбаларда ифодаланган. Кейинчалик, ана шу қарашлар афсонавий диний таълимотларда ўз ифодасини топди.

Бугунги кунда бутун ўзбек халқи мақтанса арзигулик, унга куч-қувват, илҳом, шодлик ва фидойилик бахш этувчи авлод-аждодларидан қолган “Авесто”дек ноёб меросга эгадирларки, у фақатгина халқимизнинг қадимийлигини тасдиқловчи тарихий ҳужжат бўлибгина қолмай, авлод -аждодларимизнинг ҳали дунёнинг бошқа бир

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари// Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 7-б.

заминларида, хусусан, ҳозир тараққий этган мамлакатларида давлат, уни шакллантириш, идора этиш, эзгуликни улуғлаш ғоялари ҳали бўлмаган вақтда ўзбек халқининг авлод-аждодлари шундай ғояларни, қарашларни шакллантира олганларини тасдиқловчи маънавий бойлик ҳамдир.

Маълумки, “Авесто”нинг бизгача етиб келган қисми тўрт китобни ўз ичига олади:

биринчи китоб-“Ясна” (дуолар ёки қурбонлик келтириш),

иккинчи китоб-“Виспарад” (ибодат қўшиқлари),

учинчи китоб-“Яштлар” (маъбудаларга мадҳиялар),

тўртинчи китоб-“Вендидот” (девларга қарши қонун).

“Авесто”даги ғоялар эзгуликни улуғлашни ифодалаш билан бир қаторда улар моҳиятан бир бири билан боғлиқдир.

“Авесто”дан маълум бўлишича, ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий тизим бир-бирига боғлиқ иерархик поғона-давлат, шоҳ (“кави”), жамоа бошлиғи (“вис”), ҳарбий бошлиқ (“дахъю састар”), олий судья (“Заратуштроэма”), оқсоқоллар кенгаши (“варзанапати”)дан иборат бўлган.[1] Кўриниб турибдики жамоа-аҳлининг асосий қисми давлат бошқарувида иштирок этган. Том маънодаги, бироқ ўша оддий шакл-даги фуқаролик жамияти белгиларини уруғ ва қабилага бирлашган жамоа ҳаётида умумий ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғуллани-шида, эркин жамоа аъзоларининг асосий мулки чорва ва ерлардан тенг фойдаланишганлигида, эркаклар билан хотин-қизлар тенг ҳуқуқ-қа эга бўлганлигида, қабиланинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган турли масалалар оқсоқоллар Кенгашида муҳокама этилганли-гини кўриш мумкин.

“Авестода”ги бош ғоя эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашдир. “О Мазда!- дейилади унда,-қачон жоҳиллар жазоланади?. Қачон сенинг подшоҳлигингдан ёлғон кетиб, ҳақиқат қарор топади. Ана шунда айёр руҳнинг куни битади. Барча фозил руҳ-Мазда ва

[1] Бобоев Ҳ, Ҳасанов С. «Авесто”- маънавиятимиз сарчашмаси. –Т.: Адолат, 2001. 51-б.

Ҳаққониятнинг гўзал масканига тўпланиб, дориломон яшашга муяссар бўлади”.[1]

Демак, Ахура Мазда олий куч- адолат, эзгулик ўрнатади. Аммо одам ушбу курашнинг оддийгина кузатувчиси эмас. Шунинг учун ҳам “Авесто”да: “Кимда- ким буғдой экса, у ўшани ўради” дейилади. Айнан ушбу ғоя ўрта асрда яратилган таълимотдаги ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳуқуқсизликка қарши курашиб, ҳаққоний, инсонпарвар ва эркин ҳаёт яратган яхши, одил подшолар ҳақидаги қарашларда ўзининг маънавий ривожини топади.

Зардуштийлик таълимотида ҳарбий тўқнашувлар, хунрезликлар, босқинчилик ҳаракатлари кескин қораланган. Зардуштнинг фикрича, юрт тинчлиги, жамоадаги осойишталик инсонларнинг яратувчанлик қудратига, уларнинг ҳар қандай ёвузликлардан халос бўлишига, бир-бирларининг ҳуқуқларини поймол қилмасликка ва жамиятда адолат бўлишига асос бўлади. Қабилалар ўртасида тез-тез содир бўладиган низолар, урушлар, адолатсизликлар мамлакатларни, халқларни парокандаликка олиб боради.

Кейинчалик, Марказий Осиёда бир қанча давлатлар ташкил топди. Кўпгина тарихий маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ”Авесто”даги давлатчилик тўғрисидаги қарашлар, кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Адолатли давлат тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар, қарашларнинг аста-секин ривожланиб, конкретлашиб таълимотлар даражасига етиши тарихий тараққиётда узоқ давом этган жараёндир. Бу жараён турли халқларда турлича кечган. Лекин, барча халқларга, мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятларни кузатиш мумкинки, улар қуйидагилардан иборат: адолатсизликка қарши адолат, зўрлик ва қонунсизликка қарши қонунийлик, раҳм-шафқат, урушга қарши тинчлик ва ҳ. к.. Характерли жойи шундаки, халқ оғзаки ижодида, ёзма манбаларда, диний ва дунёвий китобларда эзгуликка интилиш,

[1] Маҳмудов Т. Авесто ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000. 23-б.

инсон номини улуғлаш, социал адолатга эришиш учун кураш тарихи барча қадимги халқлар ҳаётига хосдир. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, энг қадимги адолатли жамият тўғрисидаги қарашлар, ғоялар тахминан бундан тўрт минг йил аввал халқ оғзаки ижодида, ёзма диний китобларда, диний мифологиялар тарзида шаклланган.

2. IX-XII асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуришга доир ғоялар

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун умумий бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишда давлатга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Мана шундай эҳтиёж умуминсоний қадриятларнинг назарий мезонларини шакллантирган. Айни пайтда, кишилик жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар халоскор ғоя сифатида ҳам вужудга келган. Айтиш мумкинки, IX-XII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Айнан шу даврда Шарқда ижтимоий-сиёсий қарашлар таълимотлар бевосита ислом дини таъсирида вужудга келган.

Қолаверса, IX-XII асрдаги Ўрта Осиё мутафаккирларининг фикрига хос хусусиятлардан бири шундан иборатки, унинг намоёндалари давлат, ҳокимият, адолат масалаларини ислом қоидаларига таянган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилганлар.

Таниқли ҳуқуқшунос олимлар А. Саидов ва А. Жузжонийларнинг фикрича, Шарқда давлат бошқаруви Қуръони Каримдаги қуйидаги учта оятга таянган:

1. «Оллоҳга, пайғамбарга ва амр эгаларига (сизларга ҳоким бўлган кишиларга) бўйсунинг»;

2. «Улар ўзаро Кенгаш асосида иш олиб борадилар» (пайғамбар ва унинг сафдошлари ҳақида);

3. «Эй Муҳаммад! барча ишларда улар билан (сафдошларинг билан) маслаҳат қилгин».[1]

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ислом дини тарқалган давлатларда инсон тафаккурига хос бўлган ҳурфикрлиликка интилиш, айниқса, илму маърифат аҳлларида сўнмади. Ҳатто ислом дини ичида ҳам давлат, ҳуқуқ, адолат, бурч ҳақида турли хил фикрлар, ёндашувлар ва талқинлар бўлган. Масалан, **ал-Ғаззолий (1058-1111) нинг айтишича, Оллоҳ-таоло пайғамбарларни одамларга тўғри йўл кўрсатиш учун танлаган бўлса, ҳукмдорларни одамлар ўртасидаги низоларни бартараф қилиш учун танлаган.** Ал-Ғаззолий подшоҳ, амиру-хонларга яқин турмаслик, улар билан ҳамсуҳбат бўлмасликка чақирса[2], унинг замондоши, вазир Низомулмулк эса барча давлат ишларини маслаҳат билан амалга оширишга, «ҳар бир ишнинг тадбирини донолару қариялар ва дунё кўрган кишилар билан ҳал қилиш керак»[3] деб ҳисоблайди.

Мусулмон дунёсида машҳур XI аср ҳуқуқшуноси Ал-Моварди-нинг айтишича, давлат динсиз сақланиши мумкин, аммо адолатсиз яшай олмайди.

Ўрта Осиё халқлари илғор мутафаккирларининг сиёсий-фалсафий қарашларида одил ҳукмдор ғояси марказий ўринни эгаллайди. Улар давлат тепасида турган ҳукмдор адолатли, хулқ атвори пок, фуқароларга раҳм-шафқатли, ғамхўр бўлса, давлат қудратли, жамият фаравон бўлади деб тушунадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда улар инсонни маънавий камолатга эришишга чақирадилар ва шу орқали адолатсизлик, хулқий бузуқликларни бартараф қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Бу даврнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашларини чуқур таҳлил қилиб, ўзининг адолатли жамият тўғрисидаги қарашларини тўла асослаб берган мутафаккирлардан бири Юсуф Хос Ҳожибдир. Унинг 1069 йилда ёзилган «Қутадғу билиг» (Саодатга бошловчи илм)

[1] Саидов А. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. –Т.: Адолат, 1998, 35-б.
[2] Ал-Ғаззолий Абу Ҳамид Муҳаммад Ибн Муҳаммад. Охиратнома. –Т.: Ёзувчи, 1994, 24-25 -бетлар.
[3] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. –Т.: Адолат, 1997. 97-б.

асари бутун дунёга машҳур. Мазкур асарда давлатчилик ва эзгулик жамияти яратишнинг ўзига хос ижтимоий- сиёсий, ахлоқий-фалсафий концепциялари асослаб берилган. Шоҳ (бег), вазир, саркардалар, сипоҳсолар (штаб бошлиғи), ҳожиблар (шоҳнинг давлат масалалари бўйича маслаҳатчиси), шахсни муҳофаза қилувчилар, элчилар, котиблар, хазиначилар ва бошқа сарой хизматчилари қандай сифатларга эга бўлмоғи, раият билан қандай муносабатларда бўлиши зарурлиги баён қилинган.[1]

«Умуман, шоҳлик ишини шоҳлик сифатига эга бўлган кишиларгина бажара оладилар». Шоҳ қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

- барча ишларда тажрибали;
- ёмонликни дарҳол сезувчи;
- оқиллик бобида ибратли;
- заковатли;
- маърифатга ташна;
- кичикларга (ёшларга) таянувчи;
- адолатпарвар;
- садоқатли;

Маърифатли шоҳ деб уқтиради – аллома-қудрат эгаси бўламан деса ушбу уч ишни амалга ошириши лозим:

Ўнг қўлида қилич (кучли армия) бўлсин.

Сўл қўлида бойлик.

Тилида шакардан ширин сўз.[2]

Қандай киши вазирликка муносиб бўлади? Давлатдаги бебошликларни, аввало, вазир тартибга солади. Бунинг учун ақл-идрокли, фаҳмли, зеҳни ўткир, билимли, юзи ёруғ, тадбиркор, тўғри сўзли, иймонли, эл ишончини қозонган, адолатли, бечораларга мурувватли, хушёр ва мулоҳазали бўлиши керак. У шоҳга садоқатли бўлиб, тадбиркор киши бўлсин. Унинг бойликка нисбатан кўзи тўқ бўлиши

[1] Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу Билиг. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971 . 330-331-бетлар.
[2] Ўша жойда. 347-б.

лозим. Вазирлик ҳисоб-китобдан иборат. Ҳисоб – бу умрни саодатга бошловчи тўғри йўллардан биридир. Мана шундай киши вазир бўлса, Шоҳ ҳам, эл ҳам ҳаловат топади.[1]

Умуман, сарой аҳли, хизматчиси, аввало, оддий фуқаро билан муносабатга кириша олиши ва фуқаролар билан муносабатда бўлганида жуда хушмуомала бўлиши шарт. Фуқаронинг моддий мафаати қондирилсагина, у интизомга бўйсунади.[2] Донишмандлар эса давлат ва ҳақиқат таянчларидирлар. Агар ҳақиқатни истасанг, улардан йўл-йўриқ, маслаҳат сўра, ёнингга торт. Улар давлат ва жамиятни саодатга элтадилар.[3] Ҳунармандлар давлат ва халқ ҳожатини чиқарадилар. Давлатнинг халқ билан муносабатига қараб, у тўғрида яхши ёки ёмон хулоса чиқарадилар.[4]

Юсуф Хос Ҳожиб маърифатли, эзгуликка асосланган саодатни кўзловчи давлат ва жамият қуриш ғоясини илгари сурган. Унинг негизида эса илм, маърифат, адолат, халқ билан бирга бўлиш, унинг саодати йўлида хизмат қилиш ғояси ётади.[5]

Маънавий тараққиёт жараёнида сўнмас из қолдирган, ўрта асрнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини чуқур таҳлил қилиб, ўзининг адолатли жамият тўғрисидаги қарашларини тўла асослаб берган, қомусий ақл эгаси, донишманд мутафаккирларидан яна бири Абу Наср Форобийдир.

Абу Наср Форобий 873 йилда Тошкент шаҳрининг шимолида, ундан 150-200 км узоқликда жойлашган Туркистон ўлкасида, Арис суви Сирдарёга қуйиладиган еридаги Фароб (Ўтрор) деган жойда туғилган.[6]

Форобийнинг мероси ниҳоятда бой, у энциклопедист олим сифатида 160 дан ортиқ илмий асарлар соҳиби. Унинг араб ва форс

---

[1] Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу Билиг”. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971 . 363-б.
[2] Ўша жойда. 647-649-бетлар
[3] Ўша жойда. 649-651 -бетлар.
[4] Ўша жойда. 664-665-бетлар.
[5] Ёқубов А. Қутадғу Билигда давлатчилик концепцияси. –Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Т. 1997. 11-б.
[6] Хайруллаев М. Фаробийнинг илмий меросида давлатчилик ва ҳуқуқ масаласи. Қонун ҳимоясида. 1997. №4. 40 -б.

тилларида шеърлар ёзганлиги, зўр мусиқачилиги, ўзи яратган мусиқа асбобида ажойиб куйлар ижро этганлиги манбалардан маълум. Форобий кўпгина юнон олимлари (Фалес, Гиппократ, Птолемей, Эвклид)нинг асарларини ўрганиб, уларга шарҳлар ёзди. Уни ўз даврида «Муаллими ас-Соний», иккинчи муаллим (Аристотелдан сўнг), «Шарқ Аристотели» деган буюк номга сазовор бўлишига асосий сабаб, Форобий Аристотелнинг барча асарларини таҳлил этиб уларга шарҳлар ёзади.

Форобийнинг инсон ва жамият, уларнинг ўзаро таъсири, давлат, сиёсат, уруш ва тинчлик, адолат каби масалаларга бағишланган асарлари сирасига «Фозил одамлар шаҳри», «Шаҳарни ўрганиш ҳақида», «Уруш ва тинч турмуш ҳақида», «Бахт-саодатга эришиш ҳақида рисола», «Давлат арбоблари ҳақида ҳикматлар» номли асарларида инсон, жамият, сиёсат, адолат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари баён этилган.

Форобий барча шаҳарларни, давлатларни фозил ва жоҳилга ажратади. «Фозил шаҳар шундай шаҳарки, - деб таъкидлайди у,- унда одамлар, уларни бахт-саодатга элтувчи ишларда бир-бирларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўядилар. Ҳақиқий бахтга эришиш ниятида бир-бирларига ёрдам бериш учун бирлашган жамоа фозил жамоа ҳисобланади. Барча шаҳарлари бахт-саодатга эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам берувчи халқ фозил халқдир. Шундай қилиб, барча халқлар ҳақиқий бахт саодатга эришиш йўлида бир-бирларига ёрдам берсалар, ер юзи фозилликка эришади, бахт-саодатга олиб боради. Бахт-саодат илмда, ҳунарда етук ва эркин бўлиш моддий ва маънавий бойликларга эга бўлиш орқали қўлга киритилади.

Фозил давлатларнинг акси жоҳил шаҳардир. Унда яшовчилар бир-бирлари билан доим низода бўлиб, яхши ахлоқий хислатлардан маҳрумдирлар.

Форобийнинг фикрича, фозил давлат ўз мақсадига эришмоқ учун қатор вазифаларни амалга оширмоғи жоиз:

Биринчидан, у ўз аҳолисини моддий жиҳатдан таъминлаши лозим.

Иккинчидан, аҳолига таълим-тарбия бериш маънавий жиҳатдан юксакликка етишиши учун тинмай иш олиб бориши зарур.

Учинчидан, давлатни идора этиб туриш, у ўз йўлидан адашиб кетмаслиги учун қонунчилик фаолиятини яхши йўлга қўйиш, зарур ҳолларда керакли қонунлар қабул қилиб тартибни сақлаб туриш керак.

Тўртинчидан, ўз аҳолисини ташқи душманлардан, жоҳил шаҳарлар хужум ва таъсиридан сақлай олиши, бунинг учун керакли чораларни амалга ошириши зарур.

Форобий давлат ва жамиятни бошқаришда шоҳ ўн икки хислатга (Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шунча хислатни кўрсатган) эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. ”[1]

Бундай бошлиқ соғ-саломат, фаросатли, тезда масалани аниқлаб олувчи, хотираси, зеҳни ўткир, нотиқ, илм олишга қизиққан ва ўз билимини доимо ошириб борадиган, турли ҳаёт лаззатларидан ўзини тия оладиган, адолатпарвар, ҳақгўй, ёлғон ва хушомадни ёмон кўрадиган, номусли, ориятли, бу дунё бойликларига қизиқмаган, қатъиятли, саботли, энг муҳими донишманд инсон бўлиши лозим.

Форобий давлат раҳбари учун зарур 12 хислат бир кишида мужассам бўлиши амри маҳол эканлигини билади.[2] Шу боис ана шу хислатларга эга бўлган икки ёки ундан ҳам кўп кишиларни шаҳар ҳокимлигига қўйишни таклиф этади.[3]

Бу аслида, ҳозирги маънодаги демократик бошқарув тизимига хос фикрлардир. Шунингдек, Форобий «Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган ва олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи

[1] Фаробий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолат ҳақида. -Т.: Ёзувчи, 2002. 26-27-бетлар.
[2] Фаробий Абу Наср Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 160-б.
[3] Ўша жойда 161-б.

душмандан муҳофаза қиладилар»[1], деб давлат бошқарувида демократик принципларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маънавий қадриятларни тизимлаштиради. Форобий қарашларидаги «ҳокими мутлақ бўлмаслиги», «сайловчилар иродаси», «озодлик» каби фикрлари нафақат ўша даврда, балки бугунда ҳам инсоният маданияти ноёб маҳсули ҳисобланган –демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.[2]

Шундай қилиб, Форобий орзу қилган идеал шаҳар-давлатларнинг асосий вазифаси – бу тинчликни таъминлаш, адолат принципларини ҳимоя қилиш, одил судловни ўрнатиш кабилардир.

Адолатли давлат бошқаруви тўғрисидаги қарашлари билан машҳур бўлган, ўрта асрда яшаб ўтган мутафаккир ва давлат арбобларидан бири Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида адолатли давлат, фаровон жамиятнинг барпо этилишини адолатпарвар, халқпарвар ва илмпарвар шоҳ билан боғлаб ифода қилади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан иш олиб бориш, фаолиятларини мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан мазкур асар аҳамиятлидир.

Низомулмулк халқнинг аҳволини яхшилаш, давлат ва жамиятни бошқариш, жиноят ва жазо, умуман, барча ижтимоий-сиёсий масалаларнинг ҳал этилишини идеал шоҳ билан боғлайди. Айни пайтда шоҳ билан раъият(халқ) ўртасидаги алоқаларни ҳам қандай тартибда бўлишини кўрсатади. «Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш подшоҳнинг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва кенг дунёқарашидан далолат беради, - деб ёзади Низомумулк. Ҳар бир киши маълум бир нарса тўғрисида кўпроқ ёки камроқ билади. Агар подшоҳ бирор ишни амалга оширмоқчи ёки қандайдир заруриятни ҳал этмоқчи бўлса, у албатта, доно қариялар ва улуғлар билан машварат

[1] Форобий Абу Наср Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 190-б.

[2] Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. –Т.: 2005. 49-б.

ҳамда кенгаш қилмоғи лозим. Ҳар бирлари ўз фикрларини билдириб, подшоҳ раъйи билан солиштириб, бир-бирларининг фикрларини эшитиб ва ҳар томонлама ўйлаб, кейин ўртада маъқуллаган фикрни танлайдилар. Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак».[1]

Ўрта асрларда яшаб ижод этган, фан ривожига улкан ҳисса қўшган қомусий олимлардан яна бири **Абу Райҳон Беруний** (973-1051) ҳам адолатли жамиятни жуда орзу қилган.

Беруний 160 дан ортиқ асарлар ёзганки, уларнинг барчаси турли илм-фан соҳаларига тегишлидир. Алломанинг қизиқмаган илм соҳаси бўлмаган. Асарларининг 70 таси астрономия, 20 таси математика, 12 таси география ва геодезия, 10 таси об-ҳавони билиш масалалари, 15 таси тарих ва этнография, қолганлари фалсафа, адабиёт ва бошқаларига оиддир. Афсуски, бу асарларнинг кўпчилиги асрлар давомида йўқолиб, бизгача фақат 30 таси етиб келган. Мазкур асарлар орасида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Геодезия», «Сайдана» каби асарларнинг қиймати жуда юқори. Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология» асарида энг оғир меҳнат турлари билан шуғулланувчи кишиларга жамият томонидан бериладиган ҳуқуқий имтиёзлар, меҳнатига яраша ҳақ тўланиши ва улар меҳнатининг рағбатлантирилиб турилиши уларнинг оғир меҳнатига яраша бўлиши лозимлилигини таъкидлайди. Алломанинг фикрича, «инсон меҳнатини қадрлаш ва моддий рағбатлантириб туриш натижасида давлат мустаҳкам ва барқарор, ўлка маъмур, халқнинг турмуши эса фаровон бўлади. Ана шунинг учун ҳам заковатли ҳукмдорларнинг вазифаси,юқори табақалар ўртасида адолатли, кучлилар билан заифлар ўртасида ижтимоий тинчлик ва инсонпарварлик принципларига асосланган қонунни ўрнатишдан иборатдир». Ҳоким қатъиятли ва фуқаролар ҳақида кўпроқ қайғуриши лозим – деб ҳисоблайди олим.

[1] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Т.: Адолат. 1997. 36-37-бетлар.

Абу Райҳон Беруний ҳам ўтмишдаги алломалар сингари жамият тараққиёти ва истиқболини фан равнақида кўради:

«Илмлар - кўпдир -дейди аллома, - улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларни илмларга рағбат қилиш, илм ва илм аҳлини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки, ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларни дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар (билан шуғулланиш) учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига нафрат билдириш учун яратилгандир».[1]

Умуман, Абу Райҳон Берунийнинг илм-фан, маданият, маънавият ҳақидаги таълимоти, биродарлик, тенглик, адолат, тўғрилик, инсонпарварлик каби умуминсоний ғоялари миллий тафаккур тарбияси шаклланишида маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

3. Амир Темур ва темурийлар даври миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларда демократик тамойиллар

Маълумки, IX-XII асрларда Ўрта Осиёда кечган буюк уйғониш даври (Шарқ Ренессанси) кашфиётлари, илм-фан, маданият соҳасидаги юксалиш кейинги асрлар, жумладан, Амир Темур замони ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрда ягона ва қудратли давлат барпо этилиши ҳамда бу ерда тинчлик, осойишталикнинг таъминланиши ҳам маданият равнақи учун зарур омиллардан эди. Лекин, булардан ташқари, Амир Темур давлатининг ривожига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд эдики, бу омиллардан бири Амир Темур даври

[1] Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 3 жилд. 1966. 21-б.

мафкурасининг асосини Баҳовуддин Нақшбанд тариқати ғоялари ташкил этган бўлса, иккинчиси, маданият ва маънавият тараққиётига бевосита Ҳазрат соҳибқироннинг ўзи раҳнамолик қилганлигидир.

Амир Темур давлати сиёсатини шакллантириш ва қарор топтиришда Нақшбандия тариқати асосида юзага келган мафкуранинг амалий аҳамияти беқиёсдир. Чунончи, давлат сиёсатини белгилашда ва уни амалда ҳаётга татбиқ этишда нақшбандия тариқати ғояларини ифодаловчи «рости-русти» қоидаси асос қилиб олинди. «Рости-русти» (ҳақгўй бўлсанг нажот- топарсан) ҳақиқат- тартиб, ҳақиқат - адолат маъносида бўлиб, барча ишда, одамлар орасидаги муносабатларда, умуман, ҳаётда ҳақиқат қарор топиши, бу эса адолатнинг, яъни одил жамиятнинг тасдиқ этилишини таъминлаши лозим, деган маънони билдиради.

Соҳибқирон бу ғояни янада такомиллаштириб ва унга аниқлик киритиб «Адолат кучда эмас, куч-адолатдадир» деган машҳур ҳамда ўша давргача давлатлар тажрибасида оммавий қўлланилмаган қоидани кашф этди. У ўзининг «Темур тузуклари» асарини ҳам ана шу қоида асосида яратди ва умрининг охиригача бутун фаолияти давомида мазкур қоидага амал қилди.

Давлат сиёсатининг адолат мезони асосида юритилиши бошқаришнинг барча соҳаларини ана шу мезонга мослаштиришни тақозо этар эди. Амир Темур давлатида ҳозирги кундаги парламентни эслатадиган катта ва кичик кенгашлар шу талаб асосида таъсис этилган эди.

Катта кенгаш тинчлик вақтида амир саройида Самарқандда чақирилган. Унда Амир Темурнинг қариндош-уруғлари, олий руҳонийлар вакиллари, вазирлар, бош амирлар, беглар беги, амирлар, улус, туманбошилар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодир унвонини олган аскарлар ва бошлиқлар қатнашган. Кенгашда мамлакат ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинган. Кичик кенгашда Соҳибқироннинг энг яқинлари иштирок этишган. Унда узоқ

мамлакатларга юришлар қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.[1]

Бу йиғинлар оралиғида юзага чиққан масалалар ҳам маслаҳат, мунозара ва кенгаш воситасида ўз ечимини топган. Бундай ҳолларда, Амир Темур давлат аёнлари, олимлар, муайян соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб аниқ хулосаларга келган. Шу боис, бежиз эмаски, Амир Темур «Тузуклар»ида: «Салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини» англаганлигини ёзади.[2]

Эл-юртнинг тақдири, раъиятнинг туриш-турмуши кўп жиҳатдан марказий давлат тузуми, унинг шаҳар, вилоят, туман ва катта кичик қишлоқлардаги идораларининг иш юритишига боғлиқдир ва яна ўша идора ва муассасаларда хизмат қилиб турган мансабдорларнинг насл-насабли, имон-инсофли, тадбиркор бўлишларига ҳам боғлиқ деб ҳисоблайди. - Амир Темур. Унинг фикрича, ҳукуматнинг ижроия муассасалари (девонлари)ни бошқариб турувчи вазирлар қуйидаги тўрт сифатга эга бўлишлари лозим:

Биринчиси – асллик ва тоза насллик;

Иккинчиси – ақл-фаросатлилик;

Учинчиси – сипоҳу раъият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан яхши муносабатда бўлишлик;

Тўртинчиси – сабр чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Амир Темур маҳаллий ҳокимиятларга ҳам, имон-инсофли, ишбилармон одамларни қўйдиради, улардан эл-юртни муҳофаза, раъиятнинг мол-жонини ва солиқ ундирувчиларнинг зулмидан ҳимоя қилиш, юртни обод қилиш, вилоятдан ўтадиган савдо карвонларини қўриқлашни қаттиқ талаб қилади. Ҳазрат Соҳибқироннинг мана бундай деб уқтиришлари ҳам жуда муҳимдир: «Амр қилдимки, раъиятдан мол-хирож йиғишда, уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш лозим.

[1] Тожихонов У. Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашри. 1998. 176-179 -бетлар.

[2] Темур тузуклари. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 25-б.

Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади».

Темурийлар давлатининг тизими икки қисмга: қонун чиқарувчи ва ижроия тизимларига бўлинган.

- Қонун чиқарувчи тизим “қурултой” деб аталган. Қурултой асосан йирик турк мўғул қабилаларининг йўлбошчилари иштирокида ўтган ва олий ҳукмдор истаган пайтда чақирилган. Қурултой уруш ва сулҳ ҳамда олий ҳукмдор (подшоҳ, хон) сайланиши каби масалаларни муҳокама қилган, қонунлаштирган.

Ижроия тизими девонлар ва бошқа олий давлат идораларидан иборат бўлган. Давлатларнинг ижроия тизими (девонлар) қурултой қабул қилган қарорларни, подшоҳ фармонларини ва давлатнинг кундалик юмушларини ҳаётга татбиқ этган.

Энг муҳими, Амир Темур давлатда қонун устуворлигини таъминлади. Маълумки, давлат ишларининг адолат мезони асосида олиб борилиши мустаҳкам тартиб-интизом жорий этилишини тақозо этади. Амир Темур ўз салтанатини бошқариши учун кучли давлат маҳкамасини ташкил этиб, унда иш олиб боришнинг аниқ тартиб, интизомини ўрнатди. Тартибни бузган шахс ҳеч жазосиз қолмаган, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари қатъий, аниқ белгилаб қўйилган эди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилувчилар, ўғрилар, қароқчилар шафқатсиз жазоланган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, маиший бузуқлик каби иллатлар, айниқса, оғир гуноҳ ҳисобланиб, бундай номақул ишлар билан шуғулланган шахслар қаттиқ жазога тортилган.

Соҳибқирон давлатида қонун барчага, жумладан, вазир, амир, ҳоким, шаҳзода учун ҳам баробар бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида айтилишича, Ғарбий Эрон ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ Мирзо маишат, кайфу сафога муккасидан кетиб, давлат ишларига эътибор қилмай қўйганлиги учун лавозимидан олиб ташланган, атрофидагиларнинг баъзилари эса олий жазога маҳкум

этилган. Форс ҳокими Пирмуҳаммад Султон етти йиллик уруш пайтида (1399-1404) сусткашликка йўл қўйганлиги учун мансабидан озод қилинган.

Давлат сиёсатида бундай тартибларнинг жорий этилиши натижасида мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва осойишталик қарор топдики, бу ҳам ўз навбатида Нақшбандий ғоялари асосидаги адолатнинг халқ турмуши барокатига, жамиятда тараққиётга йўл очувчи буюк бир фазилат эди.

Айтиш жоизки, Амир Темур даврига қадар ўзбек давлатчилиги 100 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган. Демак, Амир Темур даври давлатчилик тизими муайян бир анъана, тажрибалар, сабоқлар, қонуниятлар асосида ташкил қилинган деган, хулосага келиш мумкин.

Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур даврига қадар шаклланиб, замонлар синовидан ўтган асосларини қуйидагилар деб ҳисоблаш мумкин:

Биринчи, давлат ўз вазифасини бажармоғи учун энг аввало сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши керак.

Иккинчи, давлат ва жамият яхлитлиги сиёсий жиҳатдан бузилмаслиги лозим.

Учинчи, давлат ва жамият муайян бир қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилмоғи керак.

Тўртинчи, бошқарувнинг турли табақалари, йўналишлари, соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланган бўлмоғи лозим.

Бешинчи, жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи (тараққиёти) давлат диққат марказида турмоғи лозим.

Олтинчи, фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш давлат аҳамиятига молик қатъий сиёсат сифатида қаралмоғи лозим.

Еттинчи, ҳар бир давр шарт-шароити, тартиботларига кўра давлат, жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёда мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда ҳал этиб бориши даркор.

Саккизинчи, давлат тепасида турган кучлар ўтмиш, замона ҳамда келажакни теран тафаккур, қатъий иймон, ғояда юксак маънавият-парварлик ва миллатпарварлик ила англамоғи шарт.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бутун фаолияти давомида Амир Темур юқорида кўрсатилган саккизта асосга таянди ва уни рўёбга чиқарди.

Яъни:

-давлатимиз 150 йиллик қарамликдан кейин сиёсий мустақиллигини тиклади;

-жамият ҳаётини шариат ва тўра-тузуклар орқали бошқаришни йўлга қўйди;

-марказлашган давлат тизимини яратди;

-деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ яъни иқтисодий муносабатлар ривожи учун барча ички ва ташқи шароитларни барпо этишга қаттиқ киришди;

-ижтимоий муносабатларни (солиқ тизими, мулкчилик, турли табақалар манфаатини назарга олиш)муҳим деб билди;

-ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охирига-ча фан ва маданият равнақига алоҳида диққат билан қаради;

-ташқи сиёсатда қатъий ва фаол ҳаракат қилиб, давлатни салтанат мавқеига олиб чиқди;

-ўлкани дунёнинг энг буюк сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантирди;

-асосида яккаҳукмронлик мазмуни ётган жамият бошқарувида биринчи раҳбар қанақа бўлиши кераклигини кўрсатди.

Давлат ва уни бошқаришга ақлу идрок ва илму тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш Амир Темурнинг суюкли набираси Мирзо Улуғбекка (1394-1449) ҳам хос хусусиятдир. Соҳибқирон набираси Улуғбекда, энг аввало, инсонпарварлик, адолат каби фазилатларининг бўлишини истаган. Зеро, инсонпарвар шахс сахий ва адолатли бўлади.

Тақдир Улуғбекнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифани юклади. Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган салтанат вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди. Улуғбек 40

йилдан ортиқроқ Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори сифатида мамлакатда тинчлик-тотувлик ва ҳар томонлама тараққиётнинг қарор топтириш йўлида мислсиз жасорат кўрсатди. У мамлакатни ҳазрат Амир Темур «Тузуклар»ида белгилаб берилган қонун қоидалар асосида бошқарди.

Мирзо Улуғбек халқни, салтанат соҳибларини очиқ юзлилик, самимият, меҳр-шафқат билан ўзига ром этди. У адолат билан иш юритди. Раъият аҳлидан доимо огоҳ бўлиб турди, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари, аҳли донишларига ҳурмат билан муносабатда бўлди. Ҳокимлар сипоҳлардан қайси бирининг халққа жабр қилганини эшитса, инсоф-адолат билан чора кўрди.

Мирзо Улуғбек жамият тараққиётини илм-фансиз тасаввур қила олмаган. Жаҳон аҳли Улуғбекни нафақат улкан давлат арбоби, балки буюк ва беназир аллома сифатида танийди. Мирзо Улуғбек ўрта асрлар шароитида фаннинг жуда кўп соҳаларига таллуқли, хусусан, математика, фалакиёт, мусиқа, тарих илмлари бўйича қимматли асарлар яратди. Бу асарлар орасида «Зижи жадиди Кўрагоний» катта ўрин тутади. Бу улуғ зот минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал харита ва астрономик жадвал яратган. Айниқса, унинг «Тўрт улус тарихи» номли асари тарих илмига оид мислсиз маънавий манба бўлиб ҳисобланади.

Хуллас, Амир Темур сулоласига мансуб улуғ зот Мирзо Улуғбекнинг ҳам давлат арбоби сифатида, ҳам буюк олим сифатида тарихдаги ўрни беқиёсдир.

Темурийлар даврининг йирик классик адабий намоёндаларидан яна бири, ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси, мутафаккири, давлат арбоби **Алишер Навоий** (1441-1501)дир. У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва маънавий мезонларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган алломадир.

Алишер ёшлигидан ўзининг фавқулодда ўткир фалсафий фикрлари, кучли қобилияти, дунёқарашининг ниҳоятда кенглиги билан нафақат ўз замондошларини, балки устозларини ҳам ҳайратга солган. Умрининг катта қисмини давлат ишлари билан ўтказган бўлишига қарамай, ўзидан катта ва бой илмий-маданий мерос қолдирди.

Алишер Навоий меросида Шарқнинг буюк алломалари Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний илми таъсирининг изларини учратамиз. Навоийнинг адолатли шоҳлар, султонлар ҳақидаги фалсафий фикрларида Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларининг ҳамда Амир Темур «Тузуклар»ининг илмий ғоявий ва ижодий таъсири шундоққина сезилиб туради.[1]

Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни қўлга олгандан кейин унинг таклифига биноан давлат аппаратида хизмат қила бошлади. У «... давлат ишлари билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг ҳужуми булғади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арздодини сўрадим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим» деб ёзади.[2]

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарони адолатли султонга, унинг давлатини адолатли давлатга айлантириш учун узоқ йиллар ҳаракат қилди. Аммо бу ҳаракатларидан бирор бир натижа чиқмагач, 1476 йилда вазирликдан истеъфога чиқади. Эндиликда шоир кўп вақтини хаёлий образлар яратишга, шу жумладан, ўзининг машҳур достони «Садди Искандарий»ни ёзишга киришади.

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида ҳукмдорнинг вазифаси ҳақида тўхталар экан, унинг давлатни адолатли, қонун асосида бошқариши, ҳар бир табақанинг обрў-эътибори, қадр қимматини муносиб баҳолаши, улардан бирининг иккинчиси устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслиги учун биринчидан, подшоҳ зулму-ситамини олдининг олиши, иккинчидан, йўллар хавфсизлигини таъминлаб, қароқчилар гуруҳига барҳам бериши, учинчидан, ўғрилар ва улус мулкига кўз олайтирганларнинг дамини қонун-қоидалар орқали тўсиши, тўртинчидан, яратувчи буйруғига биноан, ҳар доим миллат томонида бўлиб уларни ҳимоя қилиши, бешинчидан,

[1] Бобоев Х, Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001 . 274-б.
[2] А.Навоий. Маҳбуб ул-Қулуб. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. 12-б.

золимлар илигин халқ ёқасидан узиб, уларнинг осойишталигини таъминлаши лозимлигини таъкидлайди.[1]

Алишер Навоийнинг улуғлиги шундаки, у ўз замонасида бўлаётган адолатсизликка, жаҳолатга нисбатан қўл қовуштириб турмай, халқнинг забардаст шоири, адолатли давлат арбоби сифатида ўз имконияти даражасида зулмга қарши курашди. Инсонларни ўзаро дўстликка, тинчликда яшашга чақирди. Энг муҳими, шоир келажакда адолатли жамиятга фақат курашиш орқали, эришиш мумкинлигини тушуниб етди.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида, айниқса, қозининг адолат асосида иш кўриши лозимлигини таъкидлайди. «Қози мусулмонлик дунёсининг таянчи ва мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчи. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий илмлардан хотири хабардор бўлиши керак. Ҳаётида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, кўнгли икки юзламачиликдан холи бўлиши, ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим. Билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шукуҳ, ишга диққат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишидан беҳаё виждонсизларнинг юрагида ғамандуҳ, кўнгли ҳақ каломлари билан кучли, ҳукмлари ҳадисларга асосланган, порахўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор, ҳийлакор вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур»[2]-деб таъкидлайди мутафаккир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг илмий-фалсафий мероси, адолатли жамият тўғрисидаги ғоялари эндиликда бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолди. Унинг ўлмас асарларида ўзининг чуқур илмий ифодасини топган халқ ва Ватан, инсон ва унинг бахт-саодати, тинчлиги ва осудалиги ҳақидаги қимматли ғоялари ва таълимоти умуминсониятни маънавият ва маърифатга, эзгулик ва ҳидояга даъват этади, зулм-зўравонликдан, нодонлик ва жаҳо-

[1] Дўстжанов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёти йўлида. –Т.: 2004, 41-42-бетлар.
[2] А.Навоий. Маҳбуб ул-Қулуб. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 23-б.

латдан халос бўлишга, ижтимоий адолат тантанаси учун курашишга чорлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1484-1530)-ўзбек классик адабиётида ўзига хос ўринни эгаллаган адиб, олим, саркарда ва йирик давлат арбобидир.

Бобур Мирзо тарих майдонига чиққан давр жуда мураккаб ва зиддиятли давр бўлиб, бу даврда темурийзодалар орасидаги тахт учун ўзаро қонли тўқнашувлар кучайиб, Соҳибқирон Амир Темур барпо этган марказлашган давлатнинг миллий бирлиги ва қудратига салбий таъсир кўрсатган эди. Ана шундай мураккаб бир даврда 12 ёшли Бобур Фарғона тахтига ўтирди. Унинг олдида темурийзодалар орасидаги келишилмовчиликларни бартараф этиб, мамлакатни ташқи душманлар ҳамласидан ҳимоя қилиш, хуллас, нима бўлса ҳам Амир Темур салтанатини сақлаб қолиш вазифаси турарди.

Аммо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қанчалик ҳаракат қилмасин, маълум сабаблар билан у Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлади. У аввал Афғонистонни, кейинчалик Ҳиндистонни қўлга киритиб, уч асрдан кўпроқ давом этган Буюк Бобурийлар салтанатига асос солди.

Шоҳ Бобурнинг Ҳиндистонга келиши билан бу ўлка ижтимоий иқтисодий ҳаётидагина эмас, балки давлатни идора этиш борасида ҳам кескин ўзгаришлар қилинди.

Албатта, замон тақозосига кўра, адолатли давлат бошқаруви қудратли ҳарбий тизим орқали маҳкам ушлаб турилди. Шоҳнинг асосий вазифаси мамлакат ҳудудида осойишталик ўрнатиш, тарқоқ, ўзаро рақобатда бўлган майда хонликлар ва улусларни бирлаштириб, марказлашган ягона давлат барпо этиш, уни адолат билан бошқариш, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, унинг маданий-маърифий савиясини кўтариш ва жамият тараққиётини кўзлаб иш олиб бориш эди. Бу тамойиллар Бобуршоҳдан кейинги бобурий шаҳзодалар учун ҳам муқаддас мақсад бўлиб қолган. Бобурийлар давлати сиёсатининг яна бир хусусияти шунда эдики, улар давлатни бошқаришда фуқаро эътиқод қиладиган динларга нисбатан холисона

сиёсат олиб борганлар. Муҳаммад Бобуршоҳ ўз фарзандларига ҳам бошқа динларга нисбатан холис бўлишликни уқтиради. Буни Бобуршоҳнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган хатида кўриш мумкин.

«Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташкил топган). Оллоҳ Таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқати (йўли)га адолат қилинг. Қўлингиз остидаги ҳар бир қавмнинг ибодатхоналарини, муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подшоҳ раъиятидан ва раъият подшоҳдан осуда бўлсин. Исломнинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тиғидан эмас. Сунний ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўз юмманг. Агар бундан кўз юмсангиз ислом заифлашиши мумкин. Раъиятдаги турли қабилаларни арбааи аносир билан маҳкам тутинг. Салтанатнинг жисми турли марказларда тинч бўлсин.

Подшоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг. «[1]

Тарихий маълумотлар Бобуршоҳ ва Ҳумоюншоҳ фаолиятида бирор бир диний жаҳолатпарастлик кўринишлари намоён бўлмаганлигини кўрсатади.

Акбаршоҳ эса, мавжуд барча динларни муросага келтирди, уларнинг ижобий томонларидан фойдаланди. Ўша даврда ҳиндулардаги баъзи аянчли ҳолатлар билан боғлиқ урф-одатларни таъқиқлади. Яъни ўша даврда ёшми-қарими агар эр вафот этса, унинг аёли эри билан бирга тириклайин ўтда куйдирилган (ёки аёл бир умр оила қуриш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилган). Акбаршоҳ ана шундай аянчли урф-одатни таъқиқлаш учун фармон чиқарган.

Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳ Жаҳон фаолиятида ҳам Акбаршоҳ бошлаган диний сиёсат давом эттирилганини кўрамиз. Фақат Аврангзеб ҳукмронлиги давридагина Акбаршоҳ тутган инсонпарварлик сиёсатининг аксини кўриш мумкин. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида номусулмон эътиқодидаги фуқаролар таъқиб остига олинган. Бу эса мам-

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1529 йил 15 январда Дҳалпурдаги «Боғи Нилуфар»да турганида ўғли Хумоюнга ёзган махфий васиятномаси.

лакатда зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бобурий подшоҳлар чекланмаган ҳуқуқга эга бўлсаларда мамлакатни узоқ йиллар мобайнида адолат тамойиллари асосида бошқаришга ҳаракат қилдилар. Машҳур Ҳинд тарихнависи Шри Рам Шарманинг ёзишича, «Мўғуллар (Бобурийлар) Ҳиндистонга босқинчи ва келгинди сифатида келган бўлсалар ҳам, улар қўл остидаги маҳаллий ҳиндларнинг ҳурматини қозона олган. Уларга маъқул бўлган анъана ва удумларни йўлга қўйдилар. Ҳар куни эрталаб подшоҳнинг «Жарохаи даршон» маросимида фуқаро олдида кўриниш бериши (саломга чиқиши), арздорларнинг подшоҳ қабулига имконият билан кира олиш имкониятига эга бўлиши, маъмурий идоралар раҳбарлари бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг аниқ ва равшан белгилаб берилиши, мансабдор шахснинг ўз вазифасини қай даражада ҳалол бажараётганининг оммавий тарзда назорат қилиб турилиши, ҳокими мутлақ бўлмиш подшоҳнинг мамлакатни бошқаришдаги адолатли ишларидир деб қараш керак».

Давлат ва уни бошқаришга ақлу-идрок ва илму тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш Темурийлар даври алломалари Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) ва Жалолиддин Давоний (1427-1502) ларга ҳам хосдир. Давлат бошқаруви ва унинг сиёсати билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ахлоқий масалалар Ҳусайин Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний»,[1] Жалолиддин Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий»[2] асарларида атрофлича баён этилган.

Давоний «Қонунсиз жамиятда тартиб ўрнатиб бўлмайди» деса, Кошифий «тарбия ва жазо ҳақида қонунларнинг бўлмаганлиги давлат фаолиятининг бузилишига олиб келади»- деб ҳисоблайди.

Кўриниб турибдики, Марказий Осиё мутафаккирлари давлатни бошқаришга оид ўз фикрларини баён этар эканлар, жамиятда адолат, тенглик, тинчлик, фаровонлик, илму-маърифат қарор топишига умид қилганлар.

---

[1] Ҳусайн Воиз Кошифий . Аҳлоқи Муҳисиний, Душанбе. Адиб нашриёти. 1991.

[2] Жалолиддин Давоний. Аҳлоқи Жалолий. Ўз. Р. ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.

4. XVI-XIX асрлар Ўрта Осиёнинг ижтимоий ҳаётидаги мураккаб жараёнлар ва миллий давлатчилик негизларидан маҳрум бўлиш сабаблари

Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараққиёти бир текисда кетмаганлиги, унинг силсиласида зафарли ва инқирозли даврлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. Соҳибқирон Амир Темур асос солган салтанат энг йирик ва қудратли давлат бўлганлиги жаҳонга маълум. Амир Темур ворисларига ана шундай қудратли салтанатни мерос қилиб қолдирар экан, «миллатнинг дардига дармон бўлиш», «заифларни қўриқлаш ва йўқсилларни бойлар зулмига ташламасликни уқтириб, «адолат ва яхшилик қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» - дея васият қилган эди. Аммо унинг дастури ва васиятига амал қилинмади. Тахт учун курашлар, ўзаро ихтилофлар, жангу-жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатнинг инқирозига пароканд-даликка олиб келди.

Умуман, XVII-XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётида мураккаб ва кескин бурилиш даври бўлди.

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Қипчоқ томонидан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Муҳаммад Шайбоний ҳужум бошлади.[1]

Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Ҳисор вилоятини, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балхни, шунингдек, Марв, Нишопур, Тошкент, Фарғона ва Сирдарё ерларини забт этди. Саркарда Шайбонийхон темурий шаҳзодалар орасида ўзига муносиб рақибни Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосида учратди. Бу иккала саркарда орасида давом этган уруш натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросон ягона давлат таркибидан ажралиб кетди. Мамлакатда парокандалик бошланди. Бобур Мирзо бобо юртидан ажралиб Ҳиндистон томон кетиб, Ҳиндистонни забт этди. Мовароуннаҳрда эса шайбонийлар сулоласи ҳокимият тепасига

[1] Ш. Содиқов ва бошқалар. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. 25-26-бетлар.

келди. Шайбонийлар ҳукмронлиги қарийб, бир асрга яқин давом этган бўлса ҳам, бу даврда тинчлик бўлмади, қирғинборот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди.

Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) тахтга ўтиргач, Бухоронинг мавқеи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан анча кучайди ва Бухоро Мовароуннаҳрнинг сиёсий-маъмурий марказига айланди. Абдуллахон даврида (1557-1598), яъни 1557 йилда пойтахт расман Самарқанддан Бухорога кўчирилди ва бу сана тарихда Бухоро хонлиги ташкил топган йил бўлиб кирди.

1601 йилдан эътиборон Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар (жонийлар) қўлига ўтиб, улар 150 йилга (1601-1753) ҳукмронлик қилди. Бироқ, аштархонийлар даврида ҳам, кейинги хонликлар даврида ҳам ўлкамизда барқарорлик бўлмади. Тож-тахт учун бўлган ўзаро урушлар, тўқнашувлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиётига кучли таъсир қилди. Ўтмишда маданият ва маърифат бобида эришилган ютуқлар бой берила бошланди. Айниқса, аниқ ва табиий фанлар қувғинга учради. Бунинг оқибатида илм-фан ривожи кескин пасайиб кетди. Таниқли олиму фузололар жамиятда қадр-қиммат топмаганлигидан сўнг илм-фан билан шуғулланиш ўрнига бошқа соҳалар билан банд бўла бошладилар.

Юртимизда рўй берган бундай кўнгилсиз ҳодиса ва жараёнлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бўҳронлар жамият ижтимоий ҳаётида таназзул вужудга келди деган маънони билдирмайди, албатта. Юқоридаги тўрт салбий ҳолатларга қарамай, Ўрта Осиёда ижтимоий фикр, фалсафа, адабиёт, тарих, мусиқа фанлари, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди, қатор мадраса ва масжидлар қурилди.

Бобораҳим Машраб, Аҳмад Дониш, Шермуҳаммад Мунис, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Мирзо Бедил ва бошқалар ўша мураккаб даврнинг эл-юрт назарига тушган фан арбоблари, атоқли шоир ва ёзувчи-олимларидир.

Бобораҳим Машраб (1657-1711) Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикрлари ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутади.

Машраб яшаган даврда тож-тахт учун ўзаро урушлар ниҳоятда авжга минган, оддий халқ оммасининг аҳволи ниҳоятда оғирлашиб кетган эди. Машраб бутун ҳаёти давомида халқ дарди билан яшади ва уларни ҳимоя қилиш йўлларини излади. Буни биз унинг «Девони Машраб» тўпламидаги дард алам билан тўлиб тошган шеърларида кўришимиз мумкин.[1]

Машраб жамиятда мавжуд бўлган, халқ бошига тушаётган жабр-ситамлар, ижтимоий адолатсизликлардан дод фарёд чекди, уларнинг негизи, манбаи нимадалигини чуқур очиб беришга ҳаракат қилди. Ижтимоий адолатсизлик, ҳақсизлик, тенгсизликнинг бош ва асосий сабаби зўравонликда, деб билган Машраб ўзининг ўткир қалам кучи билан ҳукмрон табақаларни, шахслар ва муллаларни танқид остига олди. Бобораҳим Машрабнинг оташин инсонпарварлик сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги ҳукмдорларга, шариат пешволарига умуман ёқмади. Машраб қаттиқ тазйиқ остига олиниб, ўч олинди.

Давлатни адолат билан бошқаришга ақлу идрок ва илму-тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш Аҳмад Дониш (1827-1897) нинг ҳам қарашларига хос хусусиятдир. Аҳмад Дониш «агар давлат ақл, онг принципларига мувофиқ тарзда ташкил этилмаса ва бошқарилмаса, ундай давлатдан яхшилик кутиш мумкин эмас»[2] деб ҳисоблайди. У Шарқ мутафаккирлари илгари сурган ва оқил ҳукмдорлар амал қилган давлатни илм-маърифат аҳлига таяниб бошқариш ғоясини давом эттирди.[3]

Унинг фикрича, давлат раҳбари, амир 10 та хислатга эга бўлиши, жумладан, халқнинг ҳолидан хабар олиб туриши, маслаҳатлашиб давлатни бошқариши, сарой аёнларини, айниқса, бошқариш ишига ноқобилларнинг давлат ишларидан четланиши, ҳамманинг меҳнат қилиб кун кўришини таъминлаши зарур.[4] У ҳатто амир билан бирга халқ ичидаги оқил одамлардан махсус кенгаш тузиб, давлатни идора

[1] Ҳ.Бобоев, З.Ғофуров. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. 399-б.
[2] Дониш А. Наводир-ул вақое. –Т.: Фан, 1964. 125 -б.
[3] Дониш. А. Путешествие из Бухары в Петербург. Избр. произ. Душанбе. Ирфон. 1976. 193-194-бетлар.
[4] Ризаев К. Туси. Ташкулов Д. Дониш. –М: Юрид. Лит-ра, 1990. 99-б

этиш принципини ёқлаб чиқади.[1] Халқ зўравонликка асосланган давлатга қарши чиқиши, уни тахтдан ағдариш ҳам мумкинлигини эътироф этди.[2]

Минтақамизда яшаб фаолият кўрсатган буюк сиймолар ўз даври талаб-эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда илм фанни ривожлантириш асосида халқ онги ва билимини ўстиришга катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, улар давлатни бошқаришга оид ўз фикрларини баён этар экан, жамиятда адолат, тенглик, тинчлик, фаровонлик, илму маърифат қарор топишига умид қилдилар. Шу умид асосида шарқона турмуш тарзига ва тафаккурига таяниб, адолатли ва одил подшоҳ, мурувватли ҳукмдор ва эзгулик жамияти ҳақида турли ғоялар, концепцияларни илгари сурдилар. Агар ушбу қарашларда теократик ёндашувлар устунлик қилган бўлса, XIX асрга келиб давлатни бошқариш ишларига дунёвий билим ва замонавий усуллар нуқтаи назаридан ёндашишлар кўзга ташланади. Жаҳон, айниқса, Европа тажрибаларига мурожат қилиш пайдо бўлди. Бу ўринда жадид маърифатпарварларининг фаолияти диққатга сазовордир. Айнан улар совет тоталитар тузуми юзага келаётган пайтда халқимизнинг мустақил давлат бўлиб яшаш истагини ифодалаб, миллий давлатчилик ғояларини илгари сурдилар ва ҳимоя қилиб чиқдилар.

5. Жадидларнинг миллий давлатчилик ва адолатли жамият қуришига доир маърифатпарварлик ғоялари

Мамлакатимиз тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олган жадидчилик, маърифатпарварлик ҳаракати тасодифий юзага келган эмас. Унинг пайдо бўлишини тақозо этган, объектив заруриятга айлантирган бир қанча сабаблар, эҳтиёжлар бўлган.

Маълумки, Европа XVIII-XIX асрларда техника тараққиётига йўл олиб, XX аср маданияти ва турмуш тарзи учун мустаҳкам пойдевор яратган эди. Осиё жумладан, Туркистон илм-фан ва техника

[1] Ўша жойда 101-б.
[2] Ўша жойда 116-117-бетлар.

тараққиётидан анча орқада қолиб кетган эди. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) ўртасидаги мунтазам давом этиб келган низолар охир-оқибатда уларнинг заифлашишига, Россиянинг бутун хонликларни босиб олишига, замин яратди ва маданиятнинг таназзулини янада чуқурлаштириб юборди.

Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши натижасида бундай оғир аянчли аҳволдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида зиёли қатламларида фикр-мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга айланган эди. Бошқача қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати ижтимоий ривожланишнинг, тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга келган улкан ижтимоий-сиёсий оқим, ҳаракат бўлди. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожиали оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлиғини, ақл-заковатини, онгли ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шаклланганди. Улар маърифатни юксалтирмай, миллий онгни ўстирмай, халқни ғафлат уйқусидан уйғотмай туриб мустақиллик учун курашиб озодликка эришиб бўлмаслигини тушуниб етдилар. Бу биринчи сабаб.

Иккинчидан, чор ҳукумати ўлкамизни босиб олганидан кейин маҳаллий аҳолининг маънавий камолотини чеклаб қўйиш учун зўр бериб ҳаракат қилди. Бутун Ўрта Осиё бўйлаб очилган янги усул мактабларига қарши Россия мустамлакачилари ўт очдилар, бу мактабларни «исломга қарши», «ғайридин мактаблари» деган ташвиқот юргиздилар, жосуслик идораларини ишга солдилар. Рус маъмурлари бу пайтга келиб ислом динига қарши курашни ҳам кучайтирдилар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, 1903 йилда подшо Туркистон аҳолиси учун муборак Ҳаж сафарини ҳам махсус фармон билан ман

этди.[1] Бу маҳаллий мусулмон аҳолиси орасида кучли норозилик уйғотди.

Туркистонда чоризм мустамлакачилари сиёсати туфайли рўй берган фожиали воқеа-ҳодисаларга қарама-қарши равишда маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракати дунёга келди.

Бу ҳаракат XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келган бўлиб, унинг тепасига Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Тавалло, Сўфизода каби халқимизнинг ўнлаб фидойи фарзандлари турган эдилар.

Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмаслигини маърифатпарварлар тушуниб етдилар ва «...жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир» деган хулосага келдилар. Улар Туркистоннинг мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий миллатларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёти йўлига олиб чиқиш учун биринчи навбатда халқнинг умумий маданий савиясини ривожлантириш лозим деб ҳисоблаганлар.

Жадидлар ижтимоий-сиёсий куч сифатида бойлик учун, шон-шуҳрат орттириш учун майдонга чиққан эмас. Улар истибдодга қарши курашдилар. Мустақиллик йўлида фидойилик кўрсатдилар. Туркистон халқларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар. Ўз ҳисобларидан мактаблар, кутубхоналар, театрлар очдилар. Газета, журналлар, дарсликлар, қўлланмалар нашр этиб халқни илм-маърифатга ва Шарқ оламидаги янгиликларга жалб этдилар.

Фаолиятларининг дастлабки даврларида жадид маърифатпарварлари халқни миллий зулм ва қолоқликдан қутқаришнинг бирдан бир йўли маърифатдир, деб билган бўлса, кейинчалик эса бу нажот – миллий истиқлолда деб тушундилар. Шунинг учун ҳам улар 1917 йил феврал буржуа-демократик инқилобини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдилар ва унга катта умид боғладилар.

[1] Ҳ. Содиқов ва бошқалар. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. 263-б.

Шу умид йўлида озодлик курашини янги босқичга кўтардилар. Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида янги жамият, ташкилотлар тузилди. Уларнинг мақсади битта эди, у ҳам бўлса, мустақилликка эришиш. Шу мақсад йўлида улар Россия демократик республикаси таркибида Туркистон мухториятини ташкил қилиш ҳаракатида бўлдилар.

1917 йил 26-28 ноябрь кунлари маҳаллий халқ вакиллари Қўқонда ўлка мусулмонларининг фавқулодда съездини ўтказиб, «Туркистон мухторияти» («Қўқон мухторияти»)нинг ташкил топганлигини эълон қилди. Унинг дастурида Туркистон мустақил бўлиши, ўзининг ваколат доирасида қонунлар чиқариши, давлат чегараларини ўзлари қўриқлаши, ўз қўшинига, пулига эга бўлиши ва бошқа ҳуқуқлар кўрсатилган эди.

Лекин, 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV ўлка қурултойи чақирилиб, «Туркистон мухторияти»нинг муваққат ҳукумати ва унинг аъзолари қонундан ташқари деб эълон қилинди ҳамда мухториятчиларнинг кўпчилиги отиб ташланди. Бундан мухториятга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли ҳам катта зарар кўрди.[1] Бу сиёсий воқеалардан хулоса чиқарган Туркистон халқи мустақиллигини қурол ёрдамида ўз қўлига олиш учун курашнинг бошқа воситаларига ўтдилар. Бу тарихга «босмачилик» номи билан кирган, аслида эса миллий озодлик ҳаракати эди.

Ўзбекистон халқи 30-йилларда миллий мустақиллик учун олиб борган курашларда жуда кўплаб асл фарзандларини йўқотди. Айбсиз ҳам айбдор ҳам таъқиб қилиниб, миллатнинг гули ҳисобланмиш зиёлилар турли сабаб ва баҳоналар билан йўқ қилинди. Аммо мустақиллик учун курашлар тўхтамади. Бу йўлда курашнинг турли воситаларидан фойдаланилди. Ўзбек халқининг асл фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовга ўхшаган давлат арбоблари юқори минбарлардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Аммо уларнинг тақдири фожиа билан тугади. Умуман, тарихнинг кейинги даврларида

[1] Н. Норқулов. «Мухториятнинг тугатилиши». /Фан ва турмуш. 8 сон. 1990. 8-9-бетлар.

мустақиллик учун кураш олиб борган миллатпарварларнинг тақдирлари ҳам худди шу тариқа ҳал этилди.

6. Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиш арафасида 1989 йил 21 октябрда давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу мустақилликка эришиш йўлидаги биринчи қадам ҳисобланади. Республиканинг келажаги томон яна бир қадам Собиқ иттифоқ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, 1990 йил 24 мартда (Олий Советнинг 12-чақириқ биринчи сессияси) Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарори бўлди. Сессияда якдиллик билан Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Маълумки, дунё давлатчилиги тараққиётида бошқарувнинг асосан икки шакли монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика бошқаруви ўз навбатида парламентар ва президентлик республика шаклларига эга.

Президентлик Республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. БМТ маълумотларига кўра 1995 йилгача унга аъзо бўлган 186 давлатдан 140 тасида Президент лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир.

Президентлик республикасининг парламентар республикасидан фарқи шуки, президент халқ томонидан сайланиб, давлатнинг ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади, ҳукумат Президент томонидан тузилади ва унга ҳисобот берилади. Парламентар республикада эса, парламент, яъни олий вакиллик, қонун чиқарувчи идора Президентни ва ҳукумат таркибини сайлайди ва уларни ўзига итоат эттиради.[1] Президентлик ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи

[1] Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент, 1998. 41-б.

ва суд органлари фаолиятини мамлакат олий мақсадлари йўлида мувофиқлаштиради.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1991 йил 29 декабрда Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди ва у Ўзбекистон миллий тарихига ўзбек мустақил давлатининг асосчиси сифатида кирди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кун тартибида жаҳон андозаларига мос келадиган давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш, уларни қонун билан мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий тизимни вужудга келтириш вазифаси турар эди. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, демократик адолатли жамият барпо этишнинг ҳамма мамлакатларбоп андозаси ҳеч қачон бўлмайди. Қолаверса, ҳар бир мамлакат ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида асрлар мобайнида шаклланган анъаналари, қадриятлари бўладики, буни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ «жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди».[1]

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда ўтмишдан Собиқ иттифоқ тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибалардан сабоқ чиқарилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар чуқур таҳлил қилинди. Шулар асосида сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир – деган хулосага келинди.

«Пировард мақсадимиз, -дейди Президент Ислом Каримов,- ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаро-

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 10-б.

лик жамиятини барпо этишдан иборатдир».[1] Демак, танлаган йўлимиз, аждодларимиз тарихий тажрибаси, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятини ва халқимизнинг ақл заковатини ҳисобга олиб, ўз йўлимиздан аниқ мақсад сари қатъият билан илгарилаб боришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга оширишда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов илгари сурган концепциялар, устувор вазифалар асос қилиб олинган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон ҳудудида адолатли жамият тўғрисидаги илк қарашлар қачон пайдо бўлган?

2. “Авесто”да эзгуликни улуғловчи қандай ғоялар мавжуд?

3. IX-XII асрларда яшаб ижод этган Ўрта Осиё мутаффаккирларининг давлат бошқарувига хос фикрларининг асосий моҳияти нимадан иборат?

4. “Қутадғу-билиг”да адолатли жамият концепциясининг асосий моҳияти?

5. Форобий давлат ва жамиятни бошқаришда адолатли шоҳ қандай хислатларга эга бўлиши лозим деб ҳисоблайди?

6. Амир Темурнинг “Адолат кучда эмас, куч - адолатдадир” ғоясининг мазмуни.

7. Темур ва темурийлар давлат бошқарувида қандай демократик тамойилларга амал қилишган?

8. XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёнинг ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлган ва бу ўзгаришларнинг миллий давлатчилик бошқарувига таъсири нималардан иборат?

9. Жадидларнинг миллий давлатчилик ва адолатли жамият қуришга доир маърифатпарварварлик ғояларининг моҳияти нимадан иборат?

10. Собиқ СССР давридаги давлат бошқаруви ва ундан кўзланган асосий мақсад?

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 9-б.

11. Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши ва давлат бошқарувидаги ўзгаришларнинг моҳияти.

Мавзуда фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: «Ўзбекис-тон», 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: «Ўзбекистон», 1993.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.

5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисо-дий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбе-кистон», 1997.

7. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 6. –Т.: «Ўзбекистон», 1999.

8. Каримов И.А. -Тарихий хотирасиз-келажак йўқ. Т. 7. 1999.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т, «Ўзбе-кистон», 1999.

10. Каримов И.А. Адолат- қонун устуворлигида. Т. 10. –Т.: «Ўзбекистон», 2002.

11. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шаклланти-ришнинг асосий йўналишлари: “Халқ сўзи”, 30 август 2002 й.

12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифат дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

13. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ «Халқ сўзи», 2004 й. 2 июнь.

14. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон»,2004.

15. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Президент Ислом Каримовнинг «Независамая газе-таси» мухбири саволларига берган жавоблари. 2004. декабрь.

16. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Қонун-чилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2005 й. 29 январь.

17. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлган учрашувдаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2005. 18 февраль.

18. БобоевҲ, ҲасановС. Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: «Адолат». 2001, 51-бет.

19. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. -Т.: «Шарқ», 2000. 23-бет.

20. Саидов А., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. -Т.: «Адолат» 1998. 35-бет.

21. Ал-Ғаззолий Абу Ҳомид Муҳаммад Ибн Муҳаммад. Охират-нома. -Т.: «Ёзувчи» 1994. 24-25-бетлар.

22. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. -Т.: «Адолат» 1997, 36,37 бетлар.

23. Юсуф Хос Ҳожиб . Қутадғу билиг. -Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1971. 330-331, 347, 363, 647-649, 649-651, 664-665-бетлар.

24. Ёқубов А. «Қутадғу билиг»да давлатчилик концепцияс И.А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. -Т.: 1997. 11-бет.

25. Хайруллаев М. Форобийнинг илмий меросида давлатчилик ва ҳуқуқ масаласи. Қонун ҳимоясида. 1997. 40-бет.

26. Абу Наср Форобий. Фазилат. бахт-саодат ва камолат ҳақида. -Т: «Ёзувчи» 2002. 26-27-бетлар.

27. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 160-161-190-6етлар.

28. Эргашев И. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. -Т.: 2005. 49-бетлар.

29. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 3-жилд. «Фан». 1966. 21-бет.

30. ТожихоновУ., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси 1-ж. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти. -Т: 1998. 176-170-бетлар.

31. Темур тузуклари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 25-бет.

32. Бобоев Х. Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тараққиёти. -Т.: «Янги аср авлоди». 2001. 274, 339-бетлар.

33. А. Навоий Маҳбубул-қулуб. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. 12-23-бетлар.

34. Дўстжанов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиё-ти йўлида. Т., 2004. 41-42-бетлар.

35. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний, Душанбе. Адиб Нашриёти, 1991.

36. Жалолиддин Давоний. Ахлоқи Жалолий. Ўзбекистонда Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.

37. Содиқов Ҳ. ва бошқалар. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Т.: «Шарқ» 2000. 25-26 бетлар, 263-бет.

38. Дониш А. Наводир-ул Вақое. -Т.: Фан. 1964. 125- бет.

39. Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. Душанбе. Ирфан. 1976. 193-194 бетлар.

40. Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши. Фан ва турмуш. 1990, №8, 8-9- бетлар.

41. Зияев Ҳ . Занжирбанд ҳукмдорлар. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 18 сентябрь.

42. Мустақиллик: изоҳли илмий оммабоп луғат. -Т.: 1998. 41 бет.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”

РЕЖА:

1. Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу интилиши.
2. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос йўли.
3. Демократик жамият барпо этишнинг “Ўзбек модели”, унинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида намоён бўлиши.

1. Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу интилиши

XX аср жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда ҳаёт турли йўналишларда кечди:

Биринчидан, дунёда фан-техника ривожланиб, тараққиёт юқори босқичга кўтарилди.

Иккинчидан, даҳшатли воқеалар рўй бериб 100 миллионлаб кишининг ёстиғи қуриди, мисли кўрилмаган вайронгарчилик ва талофатлар кўрилди. Авваламбор биринчи жаҳон уруши, совет давлатининг ўрнатилиши ва иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига жуда катта офат ва кулфатлар келтирди.

Учинчидан, ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб, ўзга давлатларга тобе бўлиб келган мамлакатлар бирин-кетин озодликка эришди.

Тўртинчидан, СССР деб аталган империя емирилиб, унинг ўрнида бир қатор ёш мустақил давлатлар ташкил топди.

Мустақилликка эришган халқлар ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, истиқболини ўзи белгилаш, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган жамият қуриш, ўз миллатининг буюк давлатчилик тарихи асослари билан мустаҳкамланган давлатга асос солиш ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсатини дахлсиз олиб бориш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Мустақилликка эришиш ғояси халқимиз учун азал-азалдан мерос. Шу мақсад халқимизга аждодлар орқали минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов, “Ўзбек миллати азалдан ўз фикр-зикри ўз истиқлоли учун курашиб яшаган, бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз” [1]- деганларида ана шу ҳолатни назарда тутади. Халқимизнинг узоқ тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганидан гувоҳлик беради.

Туркистон ўзининг 2 минг йиллик тарихи давомида 800 йилдан ортиқ вақтини мустамлакачилик зулми остида ўтказган. Хусусан, Аҳмонийлар-200 йил, Грек-Македонияликлар-180 йил, Араб халифалиги салкам-200 йил, Чингизхон босқинчилари-150 йил, Чор Россияси ва Совет давлати-130 йил ўлкамизни ўз панжаларида ушлаб турдилар. Бу ғоятда даҳшатли ва фожиали даврларда юз минглаб одамлар ўлдирилди ва йўқ қилинди. Кўп бойликлар таланди, шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Бироқ, ҳеч қандай қирғинлар ва вайронагарчиликлар қанчалик ваҳшийларча амалга оширилмасин, ўзбек халқини миллат сифатида йўқ қила олмади. Халқимиз босқинчиларга қарши курашни тинимсиз давом эттираверди.

Хўш, нима учун халқимизнинг озодлик учун курашлари мағлубиятга учраб, босқинчиларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган вақтлари кўп бўлган.

Бунга биринчи навбатда тахтнинг меросхўрлиги ва унинг учун олиб борилган ўзаро урушлар сабаб бўлган. Маълумки, ҳукмронлик қилаётган сулолада ҳамма вақт отаси ёки бобосига ўхшаган ақл идрокли ва истеъдодли фарзанд туғилавермаган. Шунга қарамай меросхўрлик қонуни бўйича ноқобил фарзанд ҳам тахтни эгаллай берган.

[1] Каримов И.А. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. 2-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 1996. 92-б.

Бу хилдаги ҳукмдорлар ўзларининг ожизлиги туфайли шахсий манфаат ва ҳузур-ҳаловатни умумдавлат манфаатидан устун қўйиб иш юритган. Натижада мамлакатда инқироз ва қолоқлик юзага келган. Ҳукмдорлардаги кўпхотинлик ва серфарзандлик ҳам катта зиён келтирган. Уларнинг орасида ўнта ёки ундан ортиқ хотинли ва 10-20 нафар фарзандли ҳукмдорларни учратиш мумкин. Бундай отаси бир ва онаси бошқа фарзандларнинг ҳар бири “тахт менга тегишли” деган фикр билан яшаб, уни эгаллаш учун ака-укаларини ўлдиришдан тойманганлар. Бундай тахт талашишлар жуда оғир оқибатларга олиб келган. Авваламбор, у мамлакатда парокандалик ва тарқоқликни, хавотирлик нотинчликни юзага келтириб, ҳокимият бошқарувига катта зарба берди. Қўшин орасида тарафкашлик ва ўзбошимчалик кучайиб, мамлакат мудофааси жуда заифлашган. Тахт учун курашлар қудратли темурийлар давлатини емирганлигига тарих гувоҳ.[1]

Мустамлака даврида Туркистон халқи чет эл босқинчиларига қарши доимий гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора равишда курашиб келган. Миллий мустақиллик учун кураш айниқса, Чор Россияси ўлкамизни босиб олгандан кейин авж олди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши, ўлкамиз тарихидаги энг қора, энг қонли саҳифалардан биридир. XIX асрнинг ўрталаридан ўлкамизга нисбатан Россия босқинчилик ҳаракатларини бошлади. Узоқ жангу жадаллардан сўнг 1852-1876 йилларда Қўқон хонлиги, 1865-1868 йилларда Бухоро амирлиги, 1873 йилда эса Хива хонлиги ишғол қилинди.

Халқимиз 130 йил мобайнида чексиз ёвузликларни бошидан кечирди. Бундай ёвузликларга нисбатан халқ оммасининг озодлик миллий мустақиллик учун кураши кучая борди. Чор Россияси босқинчилиги даврида Туркистон халқлари томонидан мустамлакачилик зулмига қарши исён, қуролли қўзғолон, қаршиликлар ва бошқа шакллардаги 4600 дан ортиқ халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди.[2]

[1] Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. –Т.: Шарқ, 2001. 7-б.
[2] Боймирза Ҳ. “Халқимга сўз”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 3 январь.

Чоризмнинг мустамлакачилик зулмига қарши курашда айниқса XX аср бошларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати катта ўрин тутади. Жадидчилик ҳаракати намоёндалари мустамлакачилик ва миллий зулмга қарши курашда молларини ҳам, жонларини ҳам аяшмади. Жадидлар ўлкамизни қолоқлик ва зулмдан қутқармоқ учун аввало маърифий маданий ишларни томир орттириб, кейинчалик халқни катта курашга етакламоқчи бўлдилар.

Мустамлакачилик ва миллий зулмнинг оқибатларини Фитрат "Темур сағанаси" пьесасида куюниб қўйидагича баён этади: "Ҳоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган Турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди. Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букик. Сенинг зиёратинга келдим султоним. Эзилган бошим, қисилган виждоним, кўйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даъво излаб келдим. Ҳоқоним! 100 йиллардан бери жафо кўриб ғам чекиб келган Туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга келдим. Қоронғулар ичра қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгани келдим. Туркнинг номуси эътибор, иймони, виждони золимларнинг оёғи остида қолди.

Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг белгиси онги ўйлови зийраклиги жаҳолат ўлжасига кетди. Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди".[1]

Ушбу сатрларда мустамлака даврининг ўзбек халқига келтирган фожиаси ҳаққоний равишда таъсвирланган. Умуман жадидларнинг фаолияти чор ҳукуматининг назорати ва таъқиби учига чиқиб, озодлик ғояси ва курашлари бўғиб ташланган шароитда кечди. Шунга қарамай улар ўзининг ватани озодлиги учун мардонавор курашдилар, бу йўлда жонларини ҳам аяшмади.

[1] Каримов Н. Фитратнинг шайтонга исёни. Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1993. 20 август.

Маҳаллий халқлар большевикларнинг берган ваъдаларига ишониб кўп маротаба алдандилар. Натижада уларнинг шўролар ҳукуматига у юргизаётган сиёсатга ишончлари қолмади. Маҳаллий мусулмон вакиллари ҳар қадамда большевиклар томонидан ўзига нисбатан ишончсизликни, душманликни кўрдилар. Улар фақатгина кураш йўли билан ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари мумкинлигига ишондилар ва бу йўлда қатъий ҳаракатлар бошланди. Миллатпарварларнинг бу ҳаракатига қарши 20-30 йилларда оммавий қатағонлар олиб борилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай қатағонларнинг илк қурбонлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев эдилар. Улар даставвал Улуғ Октябрь социалистик революциясини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Озгина вақт ўтмай алданганликларини сездилар ва ўз норозиликларини очиқ ойдин билдира бошладилар. Акмал Икромов Ўзбекистон Компартияси раҳбари лавозимида ишлаб юрган даврида 1929 йилда Умумиттифоқ партия конференциясида қатнашиб нутқ сўзлади. У ўз нутқида Ўзбекистон ҳамон мустамлака давлат сифатида яшаётганлигини рўй-рост гапирди. Бу ҳолдан ташвишланган Сталин Акмал Икромовни Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш ниятида деб айблаб, оттириб юборди. Миллатпарварларнинг тақдирлари ана шу зайлда ҳал бўлаверди.[1]

Умуман, 20-30 йилларда миллий мустақиллик учун курашган миллатпарварларнинг 80 мингдан ортиғи сиёсий қатағонга учраган. 1939-53 йиллар оралиғида эса 61799 кишига сиёсий айб қуйилиб, тергов ишлари олиб борилган, улардан 56112 киши жавобгарликка тортилган. Айбдор деб топилганларнинг 7100 таси ўлимга ҳукм қилинган.[2]

Хрушчев даврида, гарчи Сталинча оммавий қатағонга барҳам берилган бўлсада, барибир демократия ва ошкораликка йўл берилмади. Мустамлакачилик ва миллий зулм яна бир неча ўн йилларга чўзилди ва охир оқибат ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

---

[1] Зиёев Ҳ. Занжирбанд Ҳукмдорлар. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 й. 18 сентябрь.

[2] Каримов И.А. нутқи. “Ўзбекистон овози” газетаси. 1989. 17 сентябрь.

Умуман, большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати совет тузумининг барча босқичларида бир текисда кетгани йўқ. Бу сиёсатнинг отаси бўлган В.И. Ленин ишни эҳтиёткорлик билан, ишонтириш орқали амалга оширди. Унинг шогирди Сталин сиёсий қатағонларга зўр берди. Хрушчев Сталин сиёсатини очиқ танқид қилди, унинг ўзи миллий республикаларни маъмурий-ҳудудий бирликка айлантиришга ҳаракат қилиб, Сталин қилмаган ишларга қўл урди. Брежнев даврида тинимсиз руслаштириш сиёсати олиб борилди. Горбачев даврига келиб эса халқнинг эътиқодини йўқотиб бўлмаслиги равшан бўлиб қолди ва миллийлик аста-секин юзага чиқа бошлади. Шунингдек, бу даврга келиб ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида инқирозлар кучайиб кетган эди.

Шу тариқа “Социализм” тузуми ўзининг ғайри табиийлиги ва самарасизлигини намойиш этиб, мамлакатни ҳалокат ёқасига келтирди. Одатдагидек компартия қатағонлар ўтказиш йўли билан четдан “айбдорлар”ни топиб ва халқни чалғитиб инқирозни хаспўшлаш ва ниқоблашга ўтди. Қайта қуриш даврида ҳам 1920-30 ва 1939-53 йиллардаги террорчилик сиёсати қайтарилди, чунончи, Ўзбекистонда “пахта иши” ёки “ўзбек иши” номидан қатағон ўтказилди. Бу даврда шуни ҳисобга олиш керакки, “ўзбек иши” аслида ниқобланган сиёсий кураш бўлиб, мақсад мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини янада авжига миндириш, халқни оғир аҳволдан чалғитишдан иборат эди. Бу сиёсий найрангларнинг иқтисодий томони ҳам бор эди. Марказга Ўзбекистондан дарё каби оқиб бораётган турли туман бойликларни янада кўпайтириш ва уларнинг заррачасини туб аҳолига юқтирмаслик кўзланган. Бундан ташқари “ўзбек иши” воситасида мамлакатда Ўзбекистонни ишончни йўқотган хавфли зона сифатида гавдалантириб, Россиядан кадрларни- ўз одамларини келтиришни ва республика ҳокимият тармоқларини тамомила эгаллашни мақсад қилиб қўйди. Айни пайтда бир жомадон билан келадиган “устоз”ларнинг катта бойлик тўплашлари учун шароит яратиш назарда тутилади. Бу республика бойликларини навбатдаги ўзлаштиришнинг бир тури эди. Умр бўйи даҳшатли фожиаларга тўймаган марказ 1984 йил

6-июндан 1988 йил 6-июнга қадар Гдлян ва Ивановлар бошчилигида тергов ишларини ўтказди. “Ўзбек иши” бўйича 58 минг киши ҳар хил уйдирма, бўҳтонлар билан ишдан олиб ташланди. Улардан кўпчилиги раҳбар кадрлар эди. Шунингдек, 4,5 минг киши қамоққа ташланди, хўрланди, мол-мулки таланди. Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай иш олиб бордилар. Улар қонунга бўйсунмаганлар, аксинча қонун уларга бўйсундирилган. Руҳий таъсир ўтказиш мақсадида маҳбуслар узоқ муддат ва ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда сақланган, ҳатто ойлаб сўроқ қилинмаган. Баъзиларни ўлим жазосини берамиз, -деб қўрқитиб, зўравонлик билан тергов қилинаётган бошқа юртдошларига қалбаки гувоҳлик беришга кўндирганлар. [7]

Умуман, 80-йилларга келиб коммунистик мафкуранинг келажаги йўқлиги, узоққа бора олмаслиги аниқ бўлиб қолди. Коммунистик партия истаса-истамаса мавжуд мафкура ва ғояларнинг қисман ўзгартириши, шу услубнинг янги шаклларини излаб топиши керак эди. Ана шу ҳаракатларнинг маҳсули сифатида М. В. Горбачёвнинг “қайта қуриш” сиёсати дунёга келди. Аммо у ижобий натижалар бермади. Хуллас, 90 йилларнинг бошига келиб марказ ва иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб марказий ҳокимиятнинг обрўйи пасайиб кетди. Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти бошқарилмай қолди. Оқибатда турмушнинг барча соҳаларидаги салбий аҳволдан халқнинг кун сайин норозилиги ортиб турмуш даражаси ёмонлаша бошлади. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми издан чиқди. Бу ҳол табиий равишда халқларнинг кўзини очди, эндиликда улар эскича буйруқбозлик усулини қабул қила олмай қолди.

Қисқа қилиб айтганда, шу вақтга келиб республикалар суверенитетини ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган маъмурий буйруқбозлик бошқарувининг истиқболсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсата бошлади. Бу йўлда “қайта қуриш” сиёсати ҳам, Иттифоқ Шартномасини тузишга бўлган ҳаракатлар ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Ва ниҳоят марказий ҳокимиятни сақлаб қолиш ва республикаларга мустақиллик беришга жон жаҳди билан қаршилик қилувчи кишилар томонидан 1991 йил 18 август куни СССР Вице президенти

Г.И. Янаев бошчилигида фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП) тузилдики, бу вазиятни янада чигаллаштирди. Мазкур қўмита СССР президенти М. Горбачёвни ноқонуний йўл билан ҳокимиятдан четлаштирди, совет халқига мурожаатнома, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, БМТга мурожаат ва бошқа қарорларни эълон қилди. Фитначиларнинг давлат тўнтариши қилишга уриниши оқибатида 19-21 август кунлари Москвада фожиали воқеалар рўй берди. Фитна ўз вақтида бостирилган бўлсада, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият таранглашди. Марказ ҳокимияти фалаж бўлиб қолди. Шу тариқа КПСС ҳалокатга учради. Республикалар бирин-кетин СССР таркибидан чиқиб кетиб, ўз мустақилликларини эълон қилдилар. Ҳамма республикалар қатори Ўзбекистон ҳам 1991 йил 31 август куни ўз мустақиллигини эълон қилди. Мустақилликка эришган давлатлар ўз истиқлол ва тараққиёт йўлларини белгилаб олишга киришдилар.

2. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос йўли

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг унинг кун тартибида жаҳон андозаларига мос келадиган демократик давлат қуриш сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш, давлат қурилиши ва ўтказиладиган ислоҳотларни қонун билан мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий тизимни барпо этиш вазифаси турар эди. Чунки, маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган тоталитар тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар эндиликда республикада барпо этиладиган янги жамият манфаатларига мос келмас эди. Мулкчилик, мулкка эгалик қилиш ва уни бошқариш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини нормал изга солиш шундай жиддий ўзгаришларни ва янгиланишларни тақозо қилар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳонда ҳамма мамлакатларбоп ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тамойиллари, барча учун тавсия этиш лозим бўлган тайёр андозалар ҳеч қачон бўлмайди. Шу билан бир қаторда ҳар бир мамлакатнинг йиллар давомида

шаклланган анъаналари, қадриятлари мавжуд бўладики, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда бу ҳолатларни эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бироқ мустақилликнинг дастлабки кунларида вақтни бой бермай тезкорлик билан иш тутиш лозим эди. «Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди».[1]

Шунингдек, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтда мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Мамлакат ташқарисида Собиқ марказдаги айрим кишиларда «Ўзбекистон ўзини мустақил бошқаришга кучи етмайди» десалар, мамлакат ичкарисидаги айрим тоифадаги кишиларда «энди Ўзбекистон қандай йўлдан боради?», у «марказсиз яшай оладими?», « Ўзбекистон ўз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлай оладими?», қабиладаги саволлар вужудга келган эди. Унга ҳар ким ўзича жавоб излар эди. Табиийки, ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир шароитда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андозасини ишлаб чиқиш ғоят долзарб масала эди.

Ўз навбатида бундай вазифани уддалаш Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, руҳияти ва ҳулқ-атвори нормалари шуни тақозо этарди. Айни чоғда, Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали қисмини ўзлаштириш билан барча Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш лозим эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди.

[1] Каримов И. Ўзбекистон:Милий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 4-б.

Албатта, мамлакат учун ҳаёт-мамот босқичи бўлган бир пайтда унинг янги жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш давлат раҳбаридан янги шароитга мос бошқарув тизимини ишлаб чиқишни, жамиятнинг иқтисодий асосини вужудга келтиришни тақозо қилади. Шунингдек, аҳолини барча табақаларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи ғоялар тизимини яратиш лозим эди. Ана шундай мураккаб вазиятда муаммолар устига муаммолар қалашиб ётган бир даврда Президентимиз И. Каримов давлат тепасига келди. 1990-йил март ойида Собиқ Иттифоқ Республикалари ичида биринчи марта Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви ташкил этилди. Ҳокимият аста-секинлик билан ягона ҳукмрон партия идораларидан Президент, ҳукумат, маҳаллий идоралар қўлига ўтди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Миллий ва диний қадриятлар тиклана бошланди. Бу эса Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг шаклланаётганлигини кўрсатар эди.

И. Каримов 1991-йил 29-декабрда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб, умумхалқ овоз бериш йўли билан сайланди. У мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон раҳбари сифатида ўзининг қатъий, илмий асосли хулосаларини ўртага ташлади.

И. Каримов 1992-йил 2-июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ X сессиясида «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» мавзусида нутқ сўзлади ва у «Бизнинг ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор»- деб эълон қилди. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналарини кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз, деди ва туб ислоҳотларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилларни белгилаб берди.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олишда қуйидаги омилларга эътибор берилди:

Биринчидан, Собиқ иттифоқдан қолган мерос ва тажрибалардан унумли фойдаланиш.

Иккинчидан, Республиканинг ўзига хос маънавий-руҳий вазиятидан келиб чиқиб иш тутиш.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда Республиканинг қулай жуғрофий-сиёсий имкониятларини ҳисобга олиш.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ижтимоий, руҳий ва психологик масалаларига эътибор бериш.

Бешинчидан, Ўзбекистон сиёсатини белгилашда ислом динига муносабатни ўзгартириш.

Олтинчидан, Ўзбекистоннинг бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциалидан ва кадрлардан унумли фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш.

Ушбу кўрсатма ва хулосалар И. Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, янги қоида ва йўл йўриқлар билан бойитиб борилди. Хусусан, 1992-йил август ойида Мустақилликнинг 1 йиллик тантаналари арафасида Президент Ислом Каримовнинг « Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари эълон қилиндики, бу асарда Ўзбекистонда демократик давлат барпо этишнинг йўл йўриқлари кўрсатиб берилди. Жумладан, **сиёсий соҳада бу:**

халқ ҳам бевосита, ҳам билвосита яъни ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ иштирок этиши лозимлиги;

ҳокимият бўлинишининг жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчиликни барпо қилишни;

жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмаларини тубдан янгилаш;

барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини таъминлаш;

бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш;

демократиянинг қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни шакллантириш;

Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, эътиқоди ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар Республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга эришишини билдиради.

Иқтисодий соҳада эса бу:

миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишни;

ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;

мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни;

иқтисодиётни ўта марказлаштирмасдан корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни.

Ижтимоий - маънавий соҳада бу:

инсонпарварлик ғояларига содиқликни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқини сақлаб қолишини;

маънавиятни қайта тиклашни;

ўзбек тилини ривожлантиришни;

ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришни;

ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари - кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган кафолатлари ҳуқуқларини таъминлашни;

одамларнинг истеъдод қобилиятларини намойиш этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилишни билдиради, - деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов.

Мазкур асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Бугунги кунда шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, асарда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётни

қайта қуриш соҳасида илгари сурилган ғоялар ўтган даврда ўзининг тўлиқ ифодасини топди ва жамиятимизни тубдан янги босқичга кўтарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш босқичма-босқич амалга ошириладиган узлуксиз жараёндир. Шунинг учун ҳам маълум вақт ўтгач, босиб ўтилган йўлга холисона баҳо берилиши ва танланган стратегияга мос муайян ўзгартиришлар киритилиши – бу ҳаёт тажрибасидан ўтган йўлдир. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунга қадар мамлакатимиз демократик жамиятга ўтишнинг учта босқичини босиб ўтиб, тўртинчи босқичга қадам қўйди. Уларнинг ҳар бири Президент Ислом Каримов томонидан. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ VI сессиясида (1996 йил 29-август). Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари”, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ XIV сессиясида (1999йил 14-апрель), Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” ва ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида (2002 йил 29-август),Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари”, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2005-йил 28-январ), “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” мавзуидаги маърузаларида кўрсатиб берилди.

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар босқичма-босқич, юқорида белгилаб берилган вазифаларни қамраб олган ҳолда давом этмоқда.

3. Демократик жамият барпо этишнинг, “ўзбек модели”, унинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида намоён бўлиши

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсади – демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эди. Бу белгиланган вазифани амалга ошириш учун эса, қурилмоқчи бўлган давлатнинг модели унинг назарий асослари (андозаси) ҳам аниқ белгилаб берилиши зарур эди. Бу масалани Президентимиз ўзининг 1993йилда ёзган, “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида ишлаб чиқди. Бу асарда бозор муносабатларига ўтишнинг шундай йўли танландики, унда республикамизнинг тараққиёт даражалари, аҳолининг турмуш даражаси миллий урф-одатлар, анъаналар, демографик жараёнлар, аҳолининг меҳнат қилиш имкониятлари ва бошқа бир қатор омиллар ҳисобга олинди.

Ана шундан келиб чиқиб, Президентимиз Ўзбекистонда қурилмоқчи бўлган жамиятнинг тараққиёт моделини ишлаб чиқди. У тараққиётнинг, “ўзбек модели” шаклида вужудга келди ва Президентимиз томонидан белгиланган беш тамойилга асосланади. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги. Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсатдан ортда қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан холи бўлиши лозим. Маълумки, шўролар даврида барча соҳалар – иқтисодиёт ҳам, сиёсат ҳам коммунистик мафкурага бўйсундирилган эди.

Давлат мулкидан ташқари жамоат мулки ва шахсий мулк ҳам мавжуд деб таъкидлансада, улар тоталитар тузум сиёсати ва комунистик мафкура белгилаб берган доирадаги мулклар эди холос. Мустақиллик шароитида эса мулк шаклларини ранг-баранглаштириш зарур. Шунинг учун ҳам кўп укладли бозор иқтисодиётини шаклла-

тириш, одамларда мулкка эгалик туйғусини уйғотиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш орқали тенг ҳуқуқли, рақобатда ишлайдиган иқтисодиётни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шуни қайд этиш лозимки, иқтисодиётни хусусийлаштириш бутун жамият ва ҳар бир кишининг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган, кўп ҳолларда турли тўқнашувларни, давлат тўнтаришларини келтириб чиқарадиган ҳолдир. И. Каримовнинг улкан хизматлари шундаки, у мана шундай фалокат (катаклизм)ларнинг келиб чиқмаслиги учун, ислоҳотларни аҳолининг демографик, ижтимоий психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини юритди. Шу боис кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар) да қишлоқ хўжалиги, маҳаллий давлат саноат корхоналари, савдо-сотиқ масканлари, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, қурилиш ва транспортда турли мулк шаклларининг юзага келиши учун шароитлар яратилади. 1996-йилга келиб уй-жой фондининг 96 фоизи хусусий мулк қилиб берилди.

Иккинчи босқич (1996-1998 йиллар) да ўрта ва йирик давлат корхоналарининг саноатда 62 фоизи, қишлоқ хўжалиги ва савдо шохобчаларида – деярли 100 фоиз, қурилишда 79 фоиз, маиший хизмат кўрсатишдаги муассасаларнинг 57 фоизи хусусийлаштирилди.

Учинчи босқич (1999-йиллардан) Йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар хусусийлаштирила бошланди. Бу босқичда чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этишнинг янги дастури ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат мулкини шошма-шошарлик билан хусусийлаштиришга, ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўйиш мумкин эмас. Хусусийлаштириш жараёни махсус дастурлар асосида, давлатнинг қаттиқ назорати остида амалга оширилиши лозим. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар ўтиш даврининг ҳар бир босқич вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак. Уй-жой фондини, маи-

ший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ-хўжалиги, маҳаллий ва енгил саноат корхоналари ҳамда ташкилотларини хусусийлаштириш биринчи навбатдаги амалга ошириладиган чора-тадбирлар жумласига киради. Бошқа тармоқдаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишлари асосан ҳиссадорлик, корхоналарни мулкчиликнинг жамоат шаклига ўтказиш принциплари бўйича амалга оширилади.

Хуллас, бу ислоҳотларни амалга оширишда кўзланган мақсад одамларга « иқтисодий фаолият учун эркин шароит туғдириб бериш» орқали халқ фаровонлигини оширишдир. Биз шуни англаб етаяпмизки, одамлар иқтисодий муносабатларда эркин бўлмай туриб, давлат ва жамият ҳаётида фаол қатнаша олмайдилар. Камбағал, бир бурда нонга, ишга муҳтож одам ўз юрти, ўз давлати учун қайғурмайди. Бадавлат яшаш уят эмас, балки шахснинг ижодий кучларини тўлиқ рўёбга чиқариш шартидир.

Иккинчи тамойил. Давлат – бош ислоҳотчи. У ислоҳотларни устувор йўналишларини белгилаб бериши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим. Жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш зарурлигидан далолат бермоқда. Том маънода ўзини ўзи тартибга солиб турадиган бозор бўлмайди.

Давлат алоҳида мавқега кўра ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган. Мустабид тузум асоратларидан холос бўлиш жараёнида ўзини ўзи тартибга соладиган етук ривожланган иқтисодий механизм бирданига вужудга келиб қолмайди. Шу боисдан маъмурий буйруқбозликка марказлашган иқтисодиётга асосланган тузум зиддият ва қаршиликларни енгиб ўтиш, янги муносабатларни қарор топтириш учун ўтиш даври керак зиддиятларга бой бўлган ўтиш даври шароитида иқтисодиётни, ислоҳотларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди.

Ўтиш даврида халқ хўжалигининг, айниқса, унинг асосини, тизимини белгилайдиган, тармоқларнинг фаолиятини қўллаб қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва

қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармоқларга мадад бериши лозим.

Бозор муносабатлари йўлига ўтган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳамиша аҳолининг ҳам, ишбилармонларнинг ҳам ислоҳотларга тайёргарлик даражасини кўрсатади. Давлат уларни янгича яшашга йўллаган ва рағбатлантирган. Шу билан бозор иқтисодиётига тезроқ ва қийинчиликсиз ўтишга ёрдам берган. Давлатнинг ислоҳотчилик вазифаси - иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлишдан иборат. Давлат иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда ўз органлари орқали иштирок этади. Энг муҳими, уларни бевосита амалга ошириш керак. Шундай қилиб, давлат ислоҳот жараёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун жипслаштиришга қодир.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги

Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунларга итоат қилишда, унинг ижросини таъминлашга маъсул бўлган кишилар ҳар доим оддий фуқароларга “эталон” бўлишлари лозим. Улар томонидан қонунларнинг бузилишига қаратилган ҳар бир кичик хатти-ҳаракатлар нафақат умумий тараққиётга, шунингдек фуқаро-

ларнинг ҳокимиятга ишончининг барбод бўлишига олиб келади. Шу маънода ҳам қонун устуворлигини таъминлашда фуқароларга қараганда унинг ижроси учун маъсул бўлганлар кўпроқ, етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонунларнинг ҳар қандай шахс, гуруҳ, сиёсий кучлар ёхуд ижтимоий табақалар манфаатларидан устун бўлишини реал таъминлаш орқалигина демократияни ривожлантириш, унинг жамиятда амал қилишига эришиш мумкин бўлади. Унинг амал қилиши ҳар иккала ҳокимият ва фуқаро манфаатларига мос келади.

Мазкур тамойил жамият ҳаётида бирданига тўлиқ қарор топиб қолмайди. У нисбатан узоқ муддат талаб қиладиган, босқичма-босқич ва доимий ривожланиб борадиган жараён. Унинг тўлиқ қарор топиши учун ўзаро муштарак бўлган қуйидаги уч омил муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи омил. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган пухта ва заруратга қараб ўзгарувчи қонунлар мажмуасининг вужудга келиши, доимий такомиллашиб бориши;

Иккинчи омил. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси ва қонунга итоатгўйлигининг юқори даражада бўлиши;

Учинчи омил. Мавжуд қонунларни ҳаётга татбиқ этишнинг зарур иқтисодий шарт-шароити, сиёсий-маъмурий ва ижтимоий механизмини яратиш.

Тўртинчи тамойил. Республика аҳолисининг ўзига хос ижтимоий демографик, психологик маданий-тарихий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда **кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат.** Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ҳимоялаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмлари ва йўналишлари кўп. Улар ижтимоий таъминот яъни иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва ислоҳ қилишдан

тортиб, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашгача бўлган масалаларни қамраб олади.

Кучли ижтимоий сиёсат орқали давлат кам таъминланган, маълум бир сабабларга кўра, ижтимоий муносабатларда фаол қатнаша олмайдиган ёки қатнашиш имкониятлари чекланган фуқароларни ўз ҳимоясига олади. Айниқса, мулкий муносабатлар кескинлашган яъни мавжуд ижтимоий (давлат) мулкларни тақсимлашда ноҳақликлар, алдаш ва ғирромликларнинг авж олиши туфайли оддий кишилар зарар кўрадилар, адолатсизликка, ҳуқуқ-ҳақсизлик ва зўравонликка алмашади ва шундай ҳолатлар оддий ҳол бўлиб қолади. Давлат идораларида юзага келган таъмагирлик, коррупция оддий одамларни ислоҳотлардан, давлат сиёсатидан узоқлаштиради. Шунинг учун кучли ижтимоий сиёсат моддий ёрдамга муҳтож кишиларнигина эмас, балки ҳаммани давлат сиёсатига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш, барчанинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, энг аввало ёрдамга, ҳимояга муҳтож кишиларни давлат ҳимоясига олишдир.

Ўзбекистон оилаларига кўп болалилик хос. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқларда яшайди, қишлоқларда эса ишлаб чиқариш муносабатлари ва ижтимоий-маданий институтлар инфраструктураси кам ривожланган. Аҳоли сонининг ўсиши эса асосан қишлоқ аҳолисининг ҳисобига рўй бермоқда. Демак, кучли ижтимоий сиёсат ана шу жойларда яшаётган аҳолини бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитида ҳар томонлама яъни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлашдир.

Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш “ўзбек модели”нинг инсонпарварлик моҳиятини белгиловчи тамойилларидан биридир.

Бешинчи тамойил. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш. Ушбу сиёсатни амалга оширишда «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган қоидага амал қилинади.

Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубида бозор иқтисодиётига ўтиш – бу

мавжуд хўжалик усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик тизимини жорий этиш. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиш. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра, у бир вақтнинг ўзида бўладиган тадбир сифатида амалга оширилиш мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ даврни талаб этади.

Фақат фармонлар ва фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун қонунлар қабул қилиш, мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилигини эълон қилишнинг ўзи етарли эмас. Бу қонунларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган чинакам воситалар зарур. Бу воситалар бирданига амал қилиб кетмайди. Улар аста-секин такомиллашиб боради ва изга тушади. Бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш сохта инқилобий сакрашлар билан юз бериши мумкин эмас. Ҳар бир инқилобий қарорлар жуда катта ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаради.

Бунга Шарқий Европа мамлакатлари танлаган йўлни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бозор муносабатларига ўтишда «шок терапияси» (фалаж қилиб даволаш) усулидан фойдаланилди.

Мамлакатлар халқаро валюта фондининг маслаҳатларига амал қилиб, нарх-навога тезроқ эркин тус беришга, солиқ, кредит ва валюта сиёсатининг чекланган чоралари воситасида молия – пул барқарорлигига эришишга зўр берилди.

Фалаж қилиб даволаш усули – иқтисодиётни тоталитар тузумдан бирданига ажратиб олиш, пул-молиявий усулларни бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос тезлатгичига айлантиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Бироқ бундай ёндашувнинг оқибати жуда оғир бўлганлигини қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

Югославияда – бу иқтисодиётнинг кескин пасайишига, федерациянинг парчаланишига, миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. (А. Маркович режаси).

Чехословакияда – бу усул мамлакатнинг бўлиниб кетиши ва иқтисодиётнинг пасайишига олиб келди. (В. Клаус режаси).

Руминия ва Болгарияда – бу усул пулнинг қадрсизланишига, ишсизлик, қашшоқликнинг ва ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига олиб келди.

Президентимиз И. Каримов бозор иқтисодиётига «фалаж қилиб даволаш» усули орқали ўтиб бўлмаслигини очиқ эълон қилди ва «Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак» деган хулосага келди. Ҳар бир босқичнинг устувор вазифалари бўлиб, босқичнинг қанча вақт давом этиши унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга, ташқи омилларнинг нечоғли қулайлигига, аҳолининг фидокорлигига боғлиқ.

Бозор иқтисодиётига ўтишда кишиларнинг тафаккурини, одат тусига кирган қоидаларни ўзгартириш жуда муҳим ва бу иш узоқ муддатни талаб қилади. Шу билан бир вақтда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда сусткашлик қилиш, тегишли қарорларни вақтида қабул қилмаслик иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги шундай ҳам қийин аҳволни оғирлаштириб қўйиши мумкин.

Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб, одамлар шунга мувофиқ иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти, воқеликка айланади. Шу сабабли энг асосий вазифа – ижтимоий ларзаларсиз, одамларнинг қашшоқлашувига йўл қўймаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўта боришдан иборат.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳим бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда. Тараққиётнинг «ўзбек модели» халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянган, айни вақтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг

илғор ютуқларига асосланганлиги туфайли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. “Мустақиллик учун кураш-халқимизга азал-азалдан мерос” ғоясининг моҳияти нимадан иборат?

2. Мустақилликни қўлга киритган мамлакатимиз тараққиётининг қандай йўлини танлади?

3. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” нима ва у қандай тамойилларни ўз ичига олади?

4. Ижтимоий ҳаётда нима учун иқтисод бирламчи бўлиши керак?

5. Давлат бош ислоҳотчи деганда нимани тушунасиз?

6. Қонун устуворлиги нима?

7. Кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий моҳияти нимадан иборат?

8. Ўзбекистон нима сабабдан бозор муносабатларига ўтишнинг эволюцион йўлини танлади?

9. Президент Ислом Каримовнинг қайси асарларида демократик жамият барпо этишнинг асосий концепциялари белгилаб берилган?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». –Т.: «Ўзбекистон», 2002.

3. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. 12-чақириқ X сессиясида сўзлаган нутқи 1992. 2-июнь).

4. Каримов И.А. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон:Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

6. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: «Ўзбекистон», 1997.

7. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». –Т.: «Ўзбекистон», 1999.

8. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари». Каримов И.А. нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2002 й. 30 август.

9. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Президент Ислом Каримовнинг “Независимая” газетаси мухбири саволларига берган жавоблари. 2004. декабрь.

10. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2005. 29 январь.

11. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Президент Ислом Каримов нинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлган учрашувдаги сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2005. 18 февраль.

12. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якун-лари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2006. 10 февраль.

13. Н.Жўраев Мустақиллик – курашлар даври. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.

14. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.

15. Шарифхўжаев ва бошқа. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: 2004 й.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА “ЎТИШ ДАВРИ”НИНГ ЗАРУРЛИГИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва зарурлиги.
2. Ўтиш даврининг моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва зарурлиги

“Ўтиш даври” ижтимоий-сиёсий фанлар мавзулари тизимидаги энг долзарб масалалар қаторида туради. Чунки, демократик тараққиёт йўлидан бораёган ҳар бир мамлакатда демократиянинг реалликка айланиши учун маълум вақт зарур бўлади. Ана шу оралиқ вақт “ўтиш даври” деб аталади. Аммо у мустақил мавзу сифатида кам ўрганилган. Қолаверса, мазкур мавзунинг моҳиятини очиб беришда турли зиддиятли фикрлар ҳам мавжуд. Демократик тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ҳам ўтиш даври мавзусини ўрганиш бугунги кунда заруриятга айланмоқда. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб мавзуни ёритишда таниқли сиёсатшунос олим С. Отамуратов ва ёш олимларимиздан У. Идиров ва бошқа бир қатор чет эл сиёсатшунос олимларининг илмий тадқиқот ишларидан фойдаланишни лозим топдик.[1]

Ўтиш даври барча мустақилликка эришган давлатларнинг юксак тараққиётига эришиш жараёнидаги ўзига хос оралиқ муҳлат ҳисобланади. У ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки, давлатлар вужудга келиши биланоқ, бирданига юксак тараққиёт даража-

[1] С. Отамуратов. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Академия, 2005.; У. Идиров. Ўзбекистон: замонавий демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари; Пшеворский А. Демократия и рынок. –М.: РоссПЕН, 2000. Лукин А. В. Переходный период в России: демократизация и либералные реформы. //Полис. 1999. №2. 145-с.

сига кўтарила олмайди, балки ҳар бир давлат, энг аввало шаклланади ва маълум тарихий тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказади. Ана шу босқичма-босқич ўтиш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, бу босқичларни ҳар бир мамлакат ўзига хос тарзда босиб ўтади. Ҳозирги кунда 160 дан ортиқ мамлакат демократик тараққиёт йўлидан бормоқда. Аммо бу мамлакатларда демократик тараққиёт жараёнлари турлича бўлиб, бу жараёнлар ҳар бир мамлакат учун ўзига хос хусусиятга эга.

Аммо, ўтиш даври учун барча мамлакатларга хос умумий қонуниятлар ҳам мавжуд. Улар:

1. Сиёсий ҳокимиятни ўзгартириш;
2. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш;
3. Янги тафаккур ва турмуш тарзини шакллантириш.

Шунингдек, ўтиш даврининг бошланишига асосий туртки ёки манба бўлиб хизмат қиладиган омиллар ҳам мавжуд. Улар:

биринчидан, жамият миқёсида демократик ўзгаришлар учун таъсирли хоҳиш ва ироданинг мавжуд бўлиши;

иккинчидан, жамият аъзолари асосий кўпчилигининг ўзгаришлар жараёнига тайёргарлиги;

учинчидан, жамият аъзоларининг демократик ўзгаришлар зарурлиги масаласида якдиллиги, яъни демократик консолидация даражасининг кўтарилиб бориши ҳамда демократияга ўтиш даври вазифалари ва муаммоларини ҳал қилишга лаёқатлиликнинг кучайиб бориши.

Ўтиш даври тушунчасини моҳиятини очиб беришда бугунги кунда анчагина шу билан бирга зиддиятли қарашлар ҳам мавжуд.

Ўтиш даврига муносабат билдирган германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: “Одатда, “ўтиш даври” сўзларини айнан тушуниб, уни ўтмиш ва келажак орасидаги бугун деб ўйлайдилар. Ўтиш даврининг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш – сабаб, келажак эса – мақсад тарзида воқе бўлади.”[1]

[1] Левитин Леонид. Дональд С. Карлайл. Ислом Каримов – Янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 52-б.

Муаллиф фикрини давом эттириб шундай дейди: “Табиийки, ўтиш даврлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумликлар билан тўла. Кимдир бу даврларни: “дарё бўйлаб узала тушган кўприк” деб ўхшатиб таърифлаган эди”.[1]

С. Отамуратовнинг фикрича, ўтиш даври “мамлакатларнинг бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралиқ даври бўлиб ҳисобланади”.[2]

Ўтиш даври ҳақида турли-туман фикрлар бўлишига қарамасдан уни бир тизимга келтириш, умумлаштириш асосида шаклланган таърифлар бугунги кунда деярли учрамаётганлиги сабабли “ўтиш даври”га юқорида берилган таърифни бошқалари билан таққослаш имконияти чекланганлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Шунингдек, мамлакатлар тарихий тажрибаси орқали бугунги кунга келиб ўтиш даврининг кўпгина умумий қонуниятлари ҳам аниқланди ва бу жараён давом этмоқда. Ўтиш даври ҳодисасининг тадқиқ қилиш ишларининг чуқурлашуви шу билан бирга бу жараённи бошидан кечираётган мамлакатлар амалиётида янги услуб ва воситаларнинг қўлланиб бориши оқибатида умумий қонуниятлар кўламининг янги кашфиётлар орқали кенгайиб бориши табиий, албатта.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жамиятнинг демократик тараққиёти заминида ўтиш даврининг кенг қамровли мураккаб ва ўзига хос вазифаларини ҳал қилиш ётар экан, ушбу даврнинг энг дастлабки нуқтасидан бошлабоқ жамиятнинг демократик тараққиёт мўлжаллари ўта аниқлик билан белгилаб олиниши зарур. Бу ўринда демократияни бир зумда жорий этиш мумкин эмаслигини ва унинг ҳамма мамлакатларбоп модели мавжуд эмаслигини назарда тутиш лозим, яъни тайёргарликсиз демократик тартиботни ўрнатиш мумкин эмас.

Тайёргарликсиз демократик тартибни ўрнатишга уринишнинг энг оғир оқибатларидан бири, жахон тажрибаси буни исботлаганидек, жамиятда сиёсий-ижтимоий барқарорликнинг йўқотилишидан иборат

[1] Ўша жойда. 53-б.
[2] С. Отамуратов. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Академия,. 2005. 212-б.

бўлади. Маълумки, бундай барқарорлик йўқолганидан кейин, одатда, уни тиклаш учун жуда кўп йиллар керак бўлади, мамлакат тақдири таҳликали вазиятга тушиб қолади. Шунинг учун ҳам ўтиш даври ҳодисасига тўғри муносабат билдира олиш бир пайтнинг ўзида икки мураккаб вазифани ижобий ҳал қилишга хизмат қилади.

Биринчидан, жамиятнинг янги ҳолатга ўтиши учун сув билан ҳаводек зарур бўлган сиёсий барқарорлик ва социал тинчликни сақлаб қолиш;

Иккинчидан, жамиятда эволюцион равишда демократик тараққиёт жараёнларини амалга ошира бошлаш имкониятларини шакллантириш. Агар ўтиш жараёнининг бошида юқоридаги вазифалар тўғри ҳал қилинмаса, йўл қўйилган хато ва камчиликлар оқибатини тузатишга уриниш янада оғирроқ ва деярли самарасиз бўлиши тажрибалардан яхши маълумдир.

Масаланинг энг муҳим томони шундаки, аслида ўтиш даврида йўл қўйиладиган ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган нуқсонлар учун ўтиш даври ҳодисаси айбдор эмас. Балки бу аслида мутлақо субъектив омил фаолияти билан боғлиқ эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун ҳам демократик тараққиёт томон интилаётган жамиятда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни шунчаки ўтиш даври хусусиятлари билан изоҳлаб қўйиш, шу сабабли муаммонинг туб сабабларини кўра олмаслик ёки ўтиш даврида деган важ билан унга етарли даражада интилмаслик мазкур давр бериши мумкин бўлган ноёб имкониятларни рад этиш билан баробардир.

Тўғри, ўтиш даврида табиий равишда объектив қийинчиликлар мавжуд бўлади. Лекин юқорида таъкидланганидек, субъектив омил томонидан жиддий нуқсонларга йўл қўйилса мазкур объектив муаммоларнинг ечимлари топилиш ўрнига, аксинча мураккаблашиб кетади. Бундай ҳолатда жамият янгиланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қила олмасдан, субъектив омил айби билан чигаллашиб кетган масалаларни ечиш билан овора бўлиб қолиши мумкин. Шу боис кўрилаётган масаланинг яна бир жиҳатига эътибор бериш ўринлидир. Яъни, маълумки ўтиш даврида жамиятнинг қандай

тузумга ўтиши масаласи ҳал бўлади. Бу давр натижасида автоматик равишда тоталитаризм ва авторитаризмдан айнан демократияга ўтиш ҳолати рўй беради, унга бошқа алтернатива йўқ деб ҳисоблаш катта хатодир. Бу демократия назариётчилари томонидан аллақачон исботланган.

Шунинг учун ўтиш даври ҳақида фикр юритилганда унга дастлабки туртки бўлган босқичнинг моҳиятига биринчи даражада эътибор бериш лозимдир. Сабаби, юқорида таъкидланганидек, авторитаризмдан воз кечишнинг ўзи ҳали демократияга ўтишнинг бошланганлигидан далолат эмас. Мавжуд сиёсий тартибот ўз қобиғи доирасида айрим такомиллашув жараёнларини амалга ошираётган бўлиши ҳам мумкинки, бундан эҳтиёт бўлиш керак. Бу ўринда ўтиш даврининг фақат демократия томон юз тутиши учун қандай умумий қонуниятларга эътибор бериш лозимлиги ва бу борада қандай ўзига хосликлар мавжуд бўлишига эътиборни қаратиш ўтиш даврининг энг қийин ва нозик жиҳатлари бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ўтиш даврига нисбатан жамиятда тўғри тушунчаларни шакллантириш, ижобий натижаларга эришишнинг энг биринчи ва муҳим шартларидан биридир. Бунинг асосида эса ўтиш даври ҳақидаги тасаввурларни, сиёсий-ижтимоий маданий кўникмаларни демократия манфаатлари томойилларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ётади.

Демак, ўтиш даврида биринчи навбатда демократик тараққиёт учун пойдевор яратилади. И.А.Пшеварский таъкидлаганидек, “Ҳар қандай ўтиш даврининг марказида мустаҳкам демократияни вужудга келтириш масалалари туради. Мустаҳкам демократиянинг хусусияти шундан иборатки, унда сиёсий кучлар ўз қадриятлари ва манфаатларининг олдиндаги натижаси ноаниқ бўлган демократик институтларни биргаликдаги фаолиятларга бўйсундирадилар ва демократик жараёнлар оқибатларига итоат қиладилар. Кўпчилик зиддиятлар демократик институтлар ёрдамида ҳал қилинган тақдирдагина

демократия мустаҳкам бўла олади”.[1] Демак, демакратлашувга хизмат қилувчи янги-янги омилларни тинимсиз равишда топиб бериш ҳамда уларнинг амалда ишлашини таъминловчи чораларни кўриб бориш лозим бўлади.

Жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгариш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларнинг узвийлиги ҳолатида қаралгандагина, ўтиш даврининг моҳиятини тушуниш мумкин бўлади: ўтиш даври мамлакатлар тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан иккинчисига ўтиши умумий қонуният бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Барчасига хос бўлган асосий умумийлик эскисининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу маънода, ўтиш давридаги бош йўналиш “орқага қайтиш” эмас, балки “олдинга” юриш, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда юксалиш, ривожланиш демакдр.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожиаларга қарамасдан, уларнинг қайси даражада содир бўлишидан қатъи назар, барибир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу маънода, Леонид Левитиннинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин. “Посткоммунистик ўтиш даври-ўтиш даврининг кўринишларидан биридир, холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро қанчалик фарқ қилмасин, асосий маъноси битта-жамият асосларини, яъни иқтисодиётини, сиёсий тизимини, маданиятини замонавийлаштириш”[2],- деб ёзади у. Аммо ана шу замонавийлаштиришни қайси ўлчов меъзонидан келиб чиқиб амалга оширмоқ керак, деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Зеро, замон ўзгарувчан, шиддат билан олдинга интилувчи жараён холос. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ўтиш даврининг

[1] Пшеварский А. Демократия и рынок. –М.: РоссПЕН, 2001. 91-б.
[2] Вопросы философии 3-сон, 2001, 53-б.

тамом бўлиш мезонлари мавжудми ёки замон каби тўхтовсиз жараён ҳисобланадими, деган саволлар юзага келаверади.

Аслида юқорида биз тушунчага берган таърифимизда тарихий тараққиётнинг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиши учун зарур бўладиган алоҳида босқич эканлигини таъкидлагандик. Албатта, у маълум муҳлатдан кейин ўз поёнига етади ва жамият илгарига қараганда янги тараққиёт босқичида яшай бошлайди.

Биз ана шундай жараённи аниқ тасаввур қилишимиз ва тушунишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда, инсоният ўз бошидан ўтиш даврини ўтказиш билан яшайди ва бу охири йўқ бўлган жараён, деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг тоталитаризмдан аста-секин демократик жамият томон ўтишининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бундан истисно эмас, албатта. Жамият эришган ютуқлар асосида тараққий қилиш имкониятларининг тугаши, унинг ўсиб келаётган эҳтиёжларини қондиришга қурби етмай қолиши, жамиятни янги поғонага кўтариш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, **биринчидан**, ўтиш даврини жамият ўзи эришган имкониятлар асосида ривожланишнинг тугаши, ўсиб келаётган эҳтиёжларнинг қондиролмай қолишидан бошлаб, ундан юқори бўлган имкониятларнинг юзага келишигача бўлган муҳлат билан белгилаш мумкин.

Иккинчидан, бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш даври ёки, оралиқ босқичининг муҳлати ана шу юзага келган тараққий қилиш жараёни намоён бўлиши билан тугайди.

Учинчидан, инсоният фақат ўтиш даври билан яшамайди, балки унинг бошланиши бўлганидек поёни ҳам мавжуддир. Худди ана шу поёни тараққиёт даражаларини ёки тузумларнинг бирини иккинчиси билан фарқлаш имконини беради. Демак, демократик ривожланиш ана шу имкониятни инсон манфаатлари билан боғлайди. Бундай шароитда замоннинг эҳтиёжи ва ривожланиш даражаларида янги вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумнинг турли

соҳаларида мавжуд бўладиган механизмларнинг барқарор ишлаши амалга ошади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, давлат ҳаётида барқарор тараққий қилиш жараёни содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам Леонид Левитиннинг “посткоммунистик макондаги ўтиш даврини замонавийлаштириш” мезони сифатидаги фикрига қўшилиш мумкин. Унинг “…замонавийлаштириш муайян якун топгунча, яъни мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик даражаларига эришгунгача бўлган давр ўтиш даври деб аталади”[1], деган таърифига фақат замон нуқтаи назаридан қаралсагина тўғри бўлади. Зеро,инсонлар эҳтиёжлариннг тўла таъминланиши ва жамият тараққиётининг юксак даражага кўтарилиши фуқаролик жамияти қурилгандагина амалга ошади. Аммо фуқаролик жамиятини инсоният эҳтиёжларини қондира оладиган жамиятнинг энг юқори поғонага кўтарилган ва унинг бундан кейин ривожланишига эҳтиёжи бўлмайдиган “охирги манзил” сифатида қараш ҳам илмий нуқтаи-назардан тўғри бўлмайди. Чунки фақат эҳтиёжнинг юзага келишигина тараққиёт заруриятини келтириб чиқаради. У тўхтаган дақиқадан бошлаб, тараққиёт ҳам тўхтайди.

Шу маънода, дунёнинг бирон-бир давлатида мукаммал фуқаролик жамияти қарор топган деб айтиш қийин.

Шунинг учун ҳам бугун инсоният фуқаролик жамиятига ўзининг идеали сифатида қарамоқда ва уни қуриш учун фаоллик кўрсатмоқда.

Ўтиш даври ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис, уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжни юзага келтириб туради. Бу ўз навбатида, янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Аммо демократик тамойиллар асосига қурилган янги жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Улар қуйидагилардир:

[1] Вопросы философии. 3-сон, 2001. 53-б.

биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар янги тузумнинг ичида шаклланади ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён силлиқ амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишга тўғри танлашдаги, яъни жамият тараққиётининг халқ манфаатларига қаратилганлиги инсоннинг тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади;

иккинчидан, ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятлар юзага келиши билан тугамайди, балки уларнинг халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги ва инсонлар эркинлигининг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатларнинг жуғрофий омилига, балки ана шу давлатда яшаётган аҳолининг сиёсий маданияти ва менталитетига ҳамоҳанг бўлишига ҳам боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган тажрибалардир.

Айни пайтда, бугунги кунгача ўтиш даврининг фундаментал назарияси ишлаб чиқилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатларнинг маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, уни четлаб демократик жамиятга ўтишга бўлган хатти-ҳаракатлар содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, улар ҳаётида айрим ҳолатларда катта фожиаларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, бирор бир мамлакатга четдан демократияни “экспорт” қилиб бўлмайди. Бундай уринишлар мамлакатларда беқарорликка сабаб бўлади, унинг тараққиётдан орқага кетишига олиб келиши мумкин. Бундай мамлакатларга демократияни “экспорт” қилишдан кўра, унинг шаклланиши учун шарт-шароит юзага келишига имконият яратиш лозим бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ўтиш даври ижтимоий- иқтисодий, сиёсий тузум эмас, балки мамлакатларнинг уларга ўтиши учун зарур бўладиган замирларни шакллантиришга кетадиган тарихий оралиқ босқич ҳисобланади. Унинг бошланиши энг аввало, мамлакатларда бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва унинг заминида эса иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлгандагина янги жамиятнинг

шаклланиши учун имкониятлар тўла юзага чиқади. Бунинг ўзига хос хусусияти ва алоҳидаги ҳақида Президент Ислом Каримов таъкидлаганиек, “Ўтиш даври муаммоларининг йиғиндиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади”[1]. Ўтиш даври қанчалик турли-туман бўлмасин, барибир барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумлар учун зарурдир. Чунки у ҳар бир вужудга келадиган янги жамият учун замин тайёрлаш имконияти ҳисобланади. Бу замин нафақат иқтисодий, шунинг билан брга жамият аъзоларининг ўзларини ҳам янги жамиятга “мослаштириш” жиҳати ҳам зарур бўлади.

Бу ўтиш даврининг бир нечта моделлари тажрибасини таҳлил этиш заруриятини вужудга келтиради.

2. Ўтиш даврининг моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва зарурлигининг умумий назарий масалалари турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанлар томонидан инсоният тараққиётининг алоҳида босқичларида демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатадиган жамиятга ўтишдаги турли моделларининг ўзларига хос хусусиятларни ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, тоталитаризмга асосланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий босқичларнинг демократик жамиятга ўтиши ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги шундаки, унгача содир бўлган тараққиёт босқичлари объектив эҳтиёж сифатида бирининг ичида иккинчиси шаклланиб келган, давлат ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шаклан ўзгарган бўлса ҳам, мазмунан у барибир оммани итоатда ушлаб туришга, унинг устидан ҳукмронлик қилишга қаратилган. Улардаги яна бир хусусият - «омма давлат

[1] Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 74-б.

учун» деган тамойилнинг амал қилганлиги билан ҳам характерланади.

Демократик жамиятда эса, энг аввало, сиесий тузум тубдан ўзгариб, халқ ҳокимиятни бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади ва «омма давлат учун» эмас, аксинча, «давлат халқ учун» деган тамойилнинг устуворлиги асосида давлат бошқаруви амалга ошади.

Шу маънода ҳам, демократик жамиятга ўтиш жараёни давлатларнинг барча соҳаларида туб ўзгариш ишларининг амалга оширилиши натижаси сифатида намоён бўлади.

Демократик жамиятга ўтишда сиёсий соҳада давлатнинг амалдаги механизмлари тугатилади. Унинг ўрнига қурилаётган жамият манфаатларига жавоб бера оладиган механизмлар шакллантирилиб борилади. Иқтисодий соҳада эса, бозор муносабатлари қарор топади. Тараққиёт давомида омманинг ўз моддий манфаатдорлигини эркин қондира олиши асосида умумий иқтисодий ривожланиш содир бўлади. Маънавий-маърифий соҳада инсон омили, қадр-қиммати юксак қадрият даражасига кўтарилади. Шундай жараёнлар туфайли жамиятнинг юксак интеллектуал куч асосида ривожланиши реалликка айланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда дунё мамлакатлари демократик жамиятга ўз идеали сифатида қарамоқда. Уни вужудга келтириш учун фаоллик кўрсатмоқда. Аммо демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган аниқ андозалари, яна ҳам аниқроғи, моделлари йўқ ва у бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳар бир мамлакат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, моддий шу жумладан, интеллектуал имкониятларию халқнинг менталитети, турмуш тарзи, урф-одатлари ва қадриятлари билан бир-биридан ажралиб туради. Уларни ҳеч қачон бир қолипга солиб бўлмайди. Унга ҳаракат қилиш нафақат ҳеч қандай самара берибгина қолмасдан, балки оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлаган. Шунинг билан бирга демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуният-

лари ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини шакллантириш, инсоннинг ўз ички имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, жамият тараққиётида юксак интеллектуал салоҳият устуворлигини таъминлаш ва бошқа бир қатор қонуниятлар барча демократик жамият қуришга интилаётган мамлакатлар учун умумий ҳисобланади. Аммо умумий қонуниятлар барча мамлакатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда демократик жамиятга ўташни инкор этмайди. Аксинча, ўтиш даврида мавжуд бўладиган муаммоларнинг маъно-мазмунини теран англаган ҳолда, уларни собитқадамлик билан ҳал қилиш имконини беради.

Демократик жамиятга ўтиш деганда, мамлакатларнинг турли тузумлардан (тоталитаризм, капитализм, ҳарбий диктатура ва ҳ.к.) демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. Оралиқ вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги знг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки бутун бу масала илмий адабиётларда ўз ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса ўтиш даврининг боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди. Тўғри, ўтиш даври икки йўналишда иқтисодий ҳаётда ва сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб борувчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг асосида ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислоҳотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади.

Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, бу даврнинг 3 та асосий йўли ёки модели шаклланганлигини таъкидлаш мумкин.

Унинг биринчиси - классик анъанавий йўл ҳисобланади. Классик йўл деганда, инсониятнинг демократик тараққиёт йўлига ўгиш-

нинг дастлабки шакли ва унинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар тараққиётида самара берган андозаси тушунилади. Бу йўлнинг характерли хусусияти шундаки, унда ташқи кучларнинг аралашувисиз, мамлакатнинг ўз ички имкониятларига таянган ҳолда демократик жамиятга ўтиши амалга ошади. Бу йўлнинг яна бир асосий хусусияти шундаки, у узоқ тарихий босқичда содир бўлади. Ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бўхронлар содир бўлишига қарамасдан, иқтисодий соҳада ислоҳотлар амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларида, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий соҳаларда ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилишига имкон беради.

Классик ўтиш даврининг характерли томони - иқтисодий соҳада хусусий мулкчилик ривожланиши туфайли аҳолининг кўпчилик қисми иш билан таъминланиши мумкин. Аммо асосий моддий бойликнинг бир қисми одамларда тўпланиши, бошқаларнинг эса унга қарам бўлиб қолишлари мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, ҳатто фуқаролар урушини келтириб чиқариши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлагунича давом этади. Худди ана шу жараёнлар заминида аҳолининг сиёсий онги ҳам ўсиб боради. Уларнинг ўз ҳуқуқлари таъминланишига эришишга интилиши кучаяди. Бу ўз навбатида мамлакат сиёсий ҳаётида демократик жараёнларнинг юзага келиши ва унинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказади.

Классик ўтиш даврининг бошланиши капиталистик муносабатларнинг юқори босқичи, унинг иқтисодиётда ислоҳотлар ўтказмасдан тараққий қилишига имконият етмай қолиши оқибатида юзага келади.

Бу йўлнинг классик (анъанавий) йўл дейилишига сабаб шуки, мамлакатларнинг демократак жамиятга ўтиши дастлаб худди ана шу куринишда намоён бўлган эди. Бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг аксарияти ана шу йўлдан борганлар. Классик йўл муаммоларнинг кўплиги, уларни ҳал қилишнинг мураккаблиги,

аҳолининг бу жараёнга «кўникиб» бориши каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, Оврупо мамлакатларида бу жараён икки, икки ярим асргача давом этди. Ана шу муҳлат ичида мамлакатларда иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг заминида демократик қадриятлар ҳам шаклланди. Бу мамлакатларда фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси - инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб, дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни, амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ҳамда унинг ўрнига янги, демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфратузилмаси вужудга келади. Улар ўз навбатида иқтисодий ҳаётда кескин ислоҳотларга имконият яратади. Хусусан, амалдага миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Бу эса иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш шарт-шароитларининг имкониятларини излашни тақозо қилади. Бунинг оқибатида аҳолининг қўлидаги моддий маблағлар ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби, иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади. Бу йўл ўта хавфлидир.

Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

а) собиқ тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сакланиб қолганлиги;

б) демократик қадриятларнинг куртаклари мавжудлиги;

в) мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши;

г) аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократак жараёнга ҳеч бўлмаганда мойил бўлиши каби жиҳатлар ҳал қилувчи омилдир. Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, интеллектуалларнинг ролини олиб кўрайлик. Улар мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий қудрат ҳисобланади. Халқ ҳокимиятдан кўра, уларга кўпроқ ишонади

ва эргашади. Шу маънода ҳам, улар оммани уюштиради ва демократик жараёнларга йўналтиради. Шунинг билан бирга интеллектуалларнинг ўзи ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда бардош бера оладиган, уюшган куч даражасига кўтарилган бўлиши лозим.

Интеллектуалларнинг характерли хусусияти шундаки, улар бошқа ижтимоий табақалардан кўра, жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларни олдиндан билишга интилишади ва бу ўзгаришларнинг бошида тура олишади. Аҳолининг маълум бир қисми мамлакатнинг ўтиш давридаги мураккаб шароитларга мойил бўлиши зарурлиги омили ҳам демократик жамият учун алохида аҳамиятга эгадир. Бу жараёнда аҳоли мураккаб муаммоларни ҳал қилишда фақат кузатувчи бўлиб, уларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмас экан, инқилобий йўл ҳеч қандай самара бермайди. Аксинча, инқилобий йўл мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолиб кетишига олиб келади. Интеллектуалларнинг ана шу кескин ўзгаришлардаги якдиллиги уюшган ташкилотлари ва ҳаракатлантирувчи кучларига айланишини тақозо этади.

Инқилобий йўл жамиятнинг сиёсий ҳаётида кескин бурилиш содир этади. Мамлакатлар сиёсий тизимида бошқарувнинг моҳиятан бутунлай янги нодемократик шакли вужудга келади. Улар ўзаро ички курашларнинг авж олиши, баъзи мамлакатларда қон тўкилишига ҳам сабаб бўлади. Бу йўл анча мураккаб ва мамлакат ҳаётида жуда катта бўҳронларга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни демократия тамойиллари тақозо этмайди.

Демократик жамиятга ўтишнинг учинчиси - эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан, эскини кескин, «бир зарб» билан тугатмасдан, босқичма-босқич, вазминлик билан тугатиб борилади. Ҳатто, уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислоҳотлар олиб борилади ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантарилади. Бу йўлнинг ўзига

хослиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳанг равишда маънавий-маърифий соҳаларнинг ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилишида ифода бўлади.

Хўш, нима учун аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурияти туғилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлса, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада? Унда ҳам аста-секинлик билан демократик жамиятга ўтилганку?

Эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, классик йўлдан ривожланиб бориш истаги демократик қадриятлар мавжуд жамиятда юзага келади. Бунда фаолият кўрсатаётган тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгаларининг оддий халқ эҳтиёжларини қондиришига йўналтарилиб борилади. Унинг ўзига хос хусусияти, ҳар икки томоннинг ҳам манфаатдорлигидадир. Бундай шароитда демократик қадриятлар ижтимоий-сиёсий муносабатларни маърифатлаштириш туфайли халқ фаровонлигини таъминлаш омилига айланиб қолади. Ҳозирги даврда кўпчилик мамлакатлар эволюцион йўл тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигини барбод этишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини тасдиқламоқда. Айниқса, ўртача ривожланган мамлакатларнинг демократияга ўтиши учун хос бўлган бу йўл мамлакатлар ҳаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари бўлмаганлиги билан ҳам боғликдир.

Иккинчидан, классик ўтиш йўлида аҳолининг дунёқараши ўзгариб боришини тақозо қилган бўлса, тоталитаризм - омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўйсундирган жамият бўлганлиги учун ҳам уни бирданига демократияга мослаштириш ниҳоятда мураккаб кечади. Чунки онгни ўзгартириш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши кам тараққий қилган, аграр сектор етакчилик қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошиши ҳам қонуниятдир. Чунки бундай мамлакат-

ларда аҳолининг сиёсий маданияти кескин ўзгартиришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

Учинчидан, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум хавф туғдирмайди, балки у ўрнини тараққиёт қилаётган янги демократик муносабатларга бўшатиб бера бошлайди.

Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун хавф туғдиради. Чунки унинг ҳукмронлиги даврида шаклланган, кучга таянган муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланишига қаршилик кўрсатиб туради. Буни ҳисобга олмаслик мумкин змас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг демократик жамиятни барпо этишда Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қилиниши таъминланади».[1]

Шунинг билан бир қаторда мамлакатнинг тараққиёт даражаси, халқнинг менталитети, урф-одатлари ва қадриятларини ҳисобга олиш эволюцион йўлнинг катга имкониятларидан бўлиб, бу ўтиш даврида нисбатан кам талофатлар содир бўлишига сабаб бўлади.

Кўпгина олимлар бугунги кунда эволюцион йўлни ўтиш даври учун энг мақбул йўл сифатида тан олмоқдалар. Жумладан, Россия Фанлар академиясининг академиги А.Н. Яковлев шундай ёзади: «...инқилоб, бу - боши берк кўча, йўлини йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам қуйидан, ҳам юқоридан бошланадиган жиноятлар авж олади. Шу тариқа люпенлар жинояти ҳокимият жинояти билан бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоб даврида шафқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади. У олға ривожланиш ҳақидаги назарияларни яратади-ю, охир-оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлига тўғаноқ бўлади. Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қони-

[1] Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиишир. –Т.: Ўзбекистон, 2005, 34-б.

қиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил, пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради».[1]

Эволюцион йўлнинг яна бир афзаллиги шундаки, бугун инсоният жуда катта интеллектуал камолот даражасига кўтарилди. Шунинг билан бирга, унинг эҳтиёжлари ҳам унга мос равишда ривожланиб бормоқда. Ана шу икки жараённи уйғун ҳолатда ривожлантириш имкониятини фақат эволюцион йўлдан бориш билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бугун худди ана шу йўл фожиаларга олиб келувчи қарама-қаршиликларнинг оддини олишга ва тараққиётга муросаю мадора йўли билан эришиш имконини бермоқда. Бу йўл бугун ўз мустақиллигини қўлга киритиб энди тараққий зтган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳам самарали ҳисобланади. Улар ҳозир тараққиётнинг қайси босқичларида бўлишларига қарамасдан, демократик тараққиёт босқичига ҳам табиий-тадрижий йўлдан боришлари пировард мақсадга эришиш демакдир. Аммо уларнинг ички ҳаётига аралашув, демократияни ташқаридан «бир зарб» билан киритишга ҳар қандай уринишлар кутилган натижа бермайди. Бундай ҳолат фақат мамлакатда ички ва ташқи зиддиятларнинг кучайишига, демократиянинг бунёдкорлик кучига эмас, уни тараққиётдан орқага улоқтириб ташловчи вайронакор куч сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бундай шароитда мамлакатда фуқаролар уруши келиб чиқиши мумкин. Бу эса ўз навбатида мамлакатлараро, миллатлараро қарама-қаршиликларни кучайтириб, демократиянинг қарор топишига йўл қўймайди.

Эволюцион йўлнинг самарали ривожланиши учун ташқаридан бўладиган ҳар қандай «ёрдам» мамлакатда демократик жараёнлар ривожланиши учун зарур бўладиган шарт-шароитларни юзага келтиради. Чунки демократия ҳокимият бошқарувида халқнинг иштирок этиши билан белгиланар экан, уни мажбурлаб, бошқарув жараёнига жалб қилиб бўлмайди. Унинг учун эҳтиёж, зарурият, шарт-шароит-

[1] Яковлев А. Н. Қайтадан кашф этилган мамлакат. Сўз боши ўрнида. «Халқ сўзи», 2001 йил 9 февраль.

ларнинг юзага келиши ва халқнинг ундан фойдаланишига бўлган “табиий” интилиши шаклланмоғи керак бўлади.

Ана шу жараённинг юзага келиши эволюцион йўл билан демократик жамиятга ўтиш имконини беради. Бу йўлнинг самарадорлигини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин.

Хуллас, эволюцион йўл бугун дунё мамлакатларининг ривожланишига ва минтақаларда барқарорликнинг юзага келишига хизмат қилмоқда ҳамда умумий тараққиёт учун самара бера оладиган йўл сифатида эътироф этилмоқда. Бу жараёнларни ўрганиш зарурий эҳтиёждир.

3. Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин, у тараққиётнинг қайси йўлини танлайди, уни амалга ошириш учун қандай стратегик вазифаларни белгилайди ва уларни амалга оширишнинг қандай механизмларини ишлаб чиқариш зарур бўлади, деган масалалар кун тартибида турар эди.

Уларни аниқ белгилаб олмасдан туриб мустақилликни сақлаб қолиш ҳам мумкин эмас эди. Чунки мақсадлар ва уларни амалга оширишнинг илмий жиҳатдан асосланган аниқ концепциясининг бўлмаслиги, албатта, жамиятни парокандаликка олиб келади.

Буни олдиндан англаган Президентимиз Ислом Каримов ўзининг қатор асарларида қурилажак жамият тўғрисидаги аниқ концепцияларни ишлаб чиқди. 1992 йилда яратилган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида бош вазифа “халқчил адолатли жамиятни барпо этиш” – деб белгилаб берган бўлса, 1993 йилда яратилган “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида қурилмоқчи бўлган жамиятнинг модели, унинг назарий асослари (андозаси) аниқ белгилаб берилдики, у тараққиётнинг “ўзбек модели” деган ном олди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Сенатининг қўшма мажлисида “бошқариладиган иқтисодиёт” ёки “бошқариладиган демократия” деб аталган моделларнинг бизга мутлақо тўғри келмаслиги ва биз давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлилик тамойилига бундан буён ҳам амал қилишимизни яна бир бор таъкидлади.

Ҳақиқатдан ҳам орадан 15 йил ўтиб бу йўл ўзини оқлади. Мамлакатимизда демократик сифатларга эга бўлган тизим шаклланиб бормоқда. Ўзбек моделининг моҳиятини белгилаб берувчи 5 тамойил Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда. Ўзбек моделининг рационал мағзи жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион-тадрижий равишда ислоҳ этишни назарда тутади.

Шунингдек, демократик жамиятни барпо этиш – жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бирор-бир мамлакатда осонликча амалга ошмаган. Чунки, одамларнинг турмуш тарзига айланган эски тузумни тугатиш ва унинг ўрнига янгисини қуриш зарур бўлади. Янгисини қуриш эса осонликча амалга ошмайди.

Ўтиш даврининг у ёки бу йўлини танлашда умумий имкониятлар билан бирга ҳар бир мамлакат ва миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам катта амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, ўтиш даврида содир бўладиган қийинчиликларни енгиб ўтишда аҳолининг турмуш шароити ва ўзига хос менталитетини ҳисобга олиш лозим бўлади. Шу маънода, айтиш мумкинки, бирор бир мамлакатга бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини айнан татбиқ қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон бозор муносабатларини шакллантиришнинг ва демократик жамият қуришнинг эволюцион йўлини танлади. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди. Демо-

кратияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу мазкур жараённинг узлуксиз давом этишидир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, маълум вақт ўтгач, босиб ўтилган йўлга холисона баҳо берилади ва танланган стратегияга мос ўзгартиришлар киритилади.

Бугунги шиддаткор давр ва мураккаб ҳаёт бу йўлда халқимиз олдига ҳал қилиниши лозим бўлган янги-янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, Ўзбекистонда демократияни янада ривожлантириш, сиёсий жараёнда кенг аҳоли оммасининг фаол иштирокини таъминлаш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, мамлакатни модернизация қилиш бўйича давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор йўналиш ва вазифалар ҳам бугунги ҳаёт талаби сифатида ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, уларни амалга ошириш борасидаги ёндошувларни аниқлаб олишда бугунги давр талабларини инобатга олган ҳолда иш тутиш лозим.

Мустақиллик йилларида, биринчидан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш чора-тадбирлари изчил ва қонуний тус олди. Ўтган давр мобайнида жамият ҳаёти ва келажагини белгилаб берадиган қонунлар яратилди, ҳуқуқ-тартибот идоралари мустаҳкамланди, ижтимоий ҳимоянинг янгича мазмундаги тизими барпо этилди. Юртимизда демократлаштириш жараёни ва парламент фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга эришилди, кўппартиявийлик тизими шаклланди, ўзини ўзи бошқариш тузилмалари айниқса “маҳалла институти”га эътибор кучайди.

Жамиятимиз олдига қўйилган принципиал масалаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш учун изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилишни бугун замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Энг аввало, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг конституциявий асосда бўлиниши тамойилини оғишмай амалга ошириш, давлат бошқарувининг замонавий ва самарали усулларини шакллантириш, жойларда янгича бошқарув тизимини ташкил этиш, суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш шулар жумласидандир. Буларнинг

ҳаммаси адолатли ҳуқуқий давлат асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўтган даврда халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, давлатчилик борасидаги қадимий анъаналари ҳамда жаҳондаги энг илғор тажрибаларга асосланган тараққиётнинг йўли белгилаб олинди.

Бу, биринчидан, юртимизда ҳокимият ва бошқарув идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллашувига, улар фаолиятининг янгича маъно-мазмун касб этишига туртки берди, иккинчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни ягона мақсад йўлида амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги илк сабоқлар давлат қурилишининг тадрижий ривожланиш мақсадларини янада чуқурроқ англаш, ҳаётнинг ўзи долзарб қилиб қўяётган муаммоларни ҳал этишнинг стратегик йўналишларини аниқлаш имкониятини берди. Бу борада маъмурий-буйруқбозлик иллатларига барҳам бериш, миллий давлатчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш вазифаси ҳал этилди. Навбатдаги устувор вазифа – демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ҳуқуқий давлат тамойилларини амалда рўёбга чиқариш, давлат органлари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишдан иборат.

Маҳаллий ҳокимият органларининг иш самарадорлигини ошириш жараёнида вакиллик ҳокимиятининг тутган ўрни ва салоҳиятини кучайтириш, айниқса, уларнинг назорат функцияларини қонуний асосда мустаҳкамлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Давлат қурилиши жараёни билан боғлиқ муҳим масалалардан яна бири – бошқарув тизими учун кадрлар тайёрлаш ва уларни тақсимлаш масаласидир. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **“Ўтиш даврининг ва бозор муносабатлари қарор топишининг, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат шаклланишининг энг мураккаб вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори**

билимли, касб тайёргарлиги кучли кадрларни тайёрлаш бизнинг бутун фаолиятимизнинг муҳим устуворлиги ҳисобланади”.[1]

Бинобарин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш узлуксиз давом этадиган жараён бўлгани сабабли, маълум вақт ўтгач, босиб ўтилган йўлга холисона баҳо берилиши ва танланган стратегияга мос муайян ўзгартиришлар киритилиши – бу ҳаёт тажрибасидан ўтган табиий ҳол. Шу боис, Президентимиз ўз маърузасида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ бешта йўналишни белгилаб берди.

Биринчи йўналиш бўйича амалга ошириладиган устувор вазифа – мамлакат парламентининг бугунги тараққиётимизда тутган ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида мутаносиблик ва барқарор муносабатга эришишни назарда тутади. Ушбу йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга қуйидагилар киради:

- Президент ваколатларининг бир қисмини парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи – Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш; Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг роли ва масъулиятини кучайтириш;

- суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш; парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пишиқ-пухта қонун ва қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва назорат тизимини яратиш;

- аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш;

- ўзини ўзи бошқариш органлари: маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш;

[1] Қаранг: “Халқ сўзи”, 1999 йил 17 февраль.

- сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларини қабул қилишда тутган ўрни ва таъсирини кучайтириш.

Ушбу вазифаларни бажариш, ўз навбатида, тадрижий янгиланишлар, ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг такомиллашуви, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ.

Иккинчи йўналиш бўйича амалга ошириладиган устувор вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришни назарда тутади. Бу борада амалга ошириладиган ишлар жумласига қуйидагилар киради: судларнинг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш; суд органларининг ролини ошириш ва прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтқизиш; шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция ҳуқуқини судларга ўтказиш; суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш; тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш назарда тутилади.

Учинчи йўналишдаги муҳим масалалар оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, улар фаолиятида демократик андозаларни жорий этиш борасида аниқ ва изчил чораларни амалга оширишни назарда тутади. Бу йўналишда матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш; уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини, айниқса, иқтисодий эркинлигини таъминлаш; оммавий ахборот воситалари фаолиятининг такомиллашувига хизмат қиладиган мустақил жамоатчилик жамғармасини ташкил этиш; давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналларини босқичма-босқич шакллантириш муҳим вазифалар сирасидандир. Шу билан бирга, телерадио индустрияси бозорини янада ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш; ғоялар ва дастурлар ижодий рақобат

муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш вазифаларини амалга ошириш талаб этилади.

Тўртинчи йўналиш бўйича амалга ошириладиган устувор вазифалар ташқи сиёсатимиз билан боғлиқ. Бунда Ўзбекистон ташқи сиёсатида мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилиш; миллий манфаатларимизни эътиборга олган ҳолда чет мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик олиб бориш; халқаро муносабатларни мафкуралаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларга курашиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш; интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, минтақада умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият зарур. Бу борада минтақага хос иқтисодий, сув энергетикавий, транспорт коммуникациявий, экологик хусусиятга эга бўлган минтақавий масалаларни ҳал этиш учун ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш ва амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро фойдали алоқаларни янада ривожлантириш лозим.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, осиё тараққиёти банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро институтлар ҳамда ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Бешинчи йўналиш бўйича амалга ошириладиган муҳим устувор вазифалар иқтисодий соҳага алоқадор. Бу ўринда асосий эътибор бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш; хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш; давлат тузил-

маларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада камайтириш масалаларига эътибор қаратилади.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар сирасидандир. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзларни жорий этиш, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартибини соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини соддалаштирилган тарзда рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳам шундай вазифалар қаторига киради.

Ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда ва уларнинг фақат танлов (тендер) асосида ўтказилишини таъминлаш ҳамда бу соҳада шартномавий мажбуриятларни бажариш юзасидан қатъий интизом ўрнатилишига алоҳида эътибор бериш даркор. Мамлакатнинг банк ва молия тизимида бошлаб юборилган ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳукуматнинг қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, инфляция даражасининг барқарорлигини, миллий валюта ҳамда унинг алмашув курси мустаҳкамлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган вазифалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Умуман, Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтишнинг қуйидаги босқичларини босиб ўтди. Уларнинг ҳар бири президент Ислом Каримов маърузаларида кўрсатиб берилди.

Биринчи босқич. 1996 йил 29 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ олтинчи сессиясида. “Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари” деб номланган маърузасида демократик жамият қуриш борасидаги вазифаларни “чуқурлаштириш” вазифалари;

Иккинчи босқич. 1999 йил 14 апрель. Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” деб номланган маърузасида давлат ва жамият қурилиши соҳасини “эркинлаштириш” борасидаги вазифалар;

Учинчи босқич. 2002 йил 29 август. Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” деб номланган маърузасида демократик ўзгаришлар орқали фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш;

Тўртинчи босқич. 2005 йил 28 январь. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” деб номланган маърузасида мамлакатни модернизациялаш орқали жамиятни демократлаштириш вазифаларини белгилаб берилган эди.

Албатта, бу босқичлардаги белгиланган вазифалар бири иккинчисидан кескин фарқ қилмаса-да, уларнинг негизидаги асосий ғоя демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Аввало, ана шу жараёнлар изчиллик билан таҳлил этилиши ундаги муаммолар аниқланиши ва истиқболдаги вазифалар белгилаб олиниши лозим. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, демократияга асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш узлуксиз давом этадиган жараёндир. Шунинг учун ҳам маълум вақт ўтгач, босиб ўтилган йўлга холисона баҳо берилиши ва келажакдаги стратегик вазифалар белгилаб олиниши лозим. Аммо бу – ўтиш даври мустақил равишда бир неча босқичлардан иборат экан, деган нотўғри хулосага олиб келинмаслиги керак. Чунки, ўтиш даврининг ўзи мамлакатларнинг турли тузумларида демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақтни ифодалайди. Юқорида кўрсатилган босқичлар ўтиш даврининг узлуксизлигини ифодалайдиган кўрсаткичдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. “Ўтиш даври” нима?

2. “Ўтиш даври”нинг моҳияти ва зарурияти нимадан иборат?

3. “Ўтиш даври”нинг моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

4. Классик (анъанавий) ўтиш йўли ва унинг моҳияти.

5. “Ўтиш даври”нинг инқилобий (революцион) йўли ва унинг моҳияти.

6. Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар нималардан иборат?

7. “Ўтиш даври”нинг эволюцион йўли ва унинг моҳияти.

8. Эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари.

9. Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

10. Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтишнинг қандай босқичларини босиб ўтди?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т: “Ўзбекистон”, 2003.

2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». –Т.: “Ўзбекистон”,

3. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. 12-чақириқ X сессиясида сўзлаган нутқи 1992. 2-июнь).

4. Каримов И.А. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон:Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

6. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.

7. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». –Т.: «Ўзбекистон», 1999.

8. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари». Каримов И.А. нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2002. 30 август.

9. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Президент Ислом Каримовнинг «Независимая газетаси» мухбири саволларига берган жавоблари. 2004. декабрь.

10. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2005. 29 январь.

11. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлган учрашувдаги сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2005. 18 февраль.

12. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2006. 10 февраль.

13. Н. Жўраев Мустақиллик – курашлар даври. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.

14. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

15. Шарифхўжаев ва бошқа. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т. 2004 й.

16. И. Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: 2005.

17. С. Отамуратов. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: “Академия”, 2005.;

18. А. Қодиров. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. –Т.: ТДЮИ, 2006.

19. У. Идиров. Ўзбекистон: замонавий демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари; –Т.: 2005.

20. Пшеворский А. «Демократия и рынок». –М.: РоссПЕН, 2000.

21. Лукин А.В. «Переходний период в России: демократизация и либералние реформи”. //Полис. 1999. №2.

22. Яковлев А.Н. “Қайтадан кашф этилган мамлакат”. Сўзбоши ўрнида. «Халқ сўзи», 2001 йил 9 февраль.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари тушунчаси .
2. Миллий қадриятларнинг тикланиши - демократик жамият қуришнинг муҳим шарти.
3. Демократия – миллий ва умумбашарий қадрият.

1. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари тушунчаси

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб кирди. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ҳамда ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларининг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоида ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Ер куррасининг олтидан бир қисмида туб ислоҳотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганлигидан яққол далолат беради.

Худди шундай Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олиши, бу йўлдаги стратегик вазифалар ва уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиши зарур эди. Уларни аниқ белгилаб олмасдан туриб мустақил-

ликни сақлаб қолиш мумкин эмас эди. Чунки мақсадлар ва уларни амалга оширишнинг илмий жиҳатдан асосланган концепциясининг бўлмаслиги, албатта, жамиятни парокандаликка олиб келади.

Табиийки, ана шундай мураккаб бир пайтда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андозасини ишлаб чиқиши ғоят долзарб ва аҳамиятли эди. Ўз навбатида, бундай вазафани уддалаш Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, эътиқоди, руҳияти шуни тақозо этарди. Айни чоғда, Ўзбекистонинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали қисмини ўзлаштириш билан бирга Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш лозим эди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, "жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди".[1]

Албатта, мамлакат учун ҳаёт мамот босқичи бўлган бир пайтда унинг янги жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазифаларини ҳал этишни янги шароитга мос бошқарув тизимини ишлаб чиқишни, жамиятнинг иқтисодий асосини вужудга келтиришни, шунингдек аҳолининг барча қатламларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи ғоялар тизимини яратишни тақозо этади. Ўзбекистонинг ўзига хос тараққиёт йўли ана шу тарзда шаклланди. Мамлакат истиқлолининг ташаббускори ва раҳнамоси сифатида Президент Ислом Каримов худди ана шундай пайтда ўзининг қатъий илмий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан яшовчан хулосқаларини ўртага ташлади.

Президент Ислом Каримов қатор асарларида собиқ иттифоқдан қолган мерос ва тажрибалардан фойдаланиш, республиканинг қулай жўғрофий-сиёсий имкониятларини ҳисобга олиш, бозор муносабат-

[1] Ислом Каримов. Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 10-б.

ларига ўтишда ижтимоий онг ва психология масаларига эътибор бериш, Ўзбекистон сиёсатини белгилашда ислом динига муносабатни тубдан ўзгартириш, республиканинг бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциали ва кадрлар кучидан унумли фойдаланишга катта эътибор бериш лозимлигини уқтирди. Ушбу хулосалар Ислом Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, қадам – бақадам янги қоида ва йўл- йўриқлар билан бойитиб борилди.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши,ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш тамойиллари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари жаҳон тажрибасини янада ривожлантирди, уларни янги қоидалар билан бойитди.

Президент янгиланаётган жамият мазмун-моҳиятини кўрсатиш билан бирга долзарб вазифа қилиб, энг аввало бозор иқтисодига ўтиш масаласини қўйди. Фақат иқтисодий бақуват давлатгина кучли бўлади ва у ҳар қандай ислоҳотларга қодир бўлади деган ғояни илгари сурди. Ислом Каримовнинг 1993 йилда ёзилган “Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асари юқоридаги ғоялар асосида дунёга келди.

Бу асарда бозор муносабатларига ўтишнинг шундай йўли танландики, унда республикамизнинг тараққиёт даражалари, аҳолининг турмуш даражалари, миллий урф-одатлар, анъаналар, демографик жараёнлар, аҳолининг меҳнат қилиш имкониятлари ва бошқа бир қатор омиллар ҳисобга олинди.

Ана шундай омилларни ҳисобга олиб, Президентимиз Ўзбекистонда қурилмоқчи бўлган жамиятнинг тараққиёт моделини ишлаб чиқди. У тараққиётнинг “ Ўзбек модели” шаклида вужудга келди.

Айнан ана шу тамойилларда бир томондан миллийлик, иккинчи томондан умуминсонийлик йўналишлари уйғунлашди ёки уларнинг диалектик мутаносиблиги ўз аксини топди. “Биринчи тамойилимизда,- деб ёзган эди Ислом Каримов, - аввал иқтисод, кейин сиёсат

деган шиорни олға сурдик”(2). Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги назарда тутилади.

Иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши керак.

Учинчидан, конституция ва қонунларга риоя этиш устувор йўналиш бўлиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик тор қисмини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозим. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш лозим.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашларсиз” яъни, эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Бу қоидалар ўз истиқлол ва ривожланиш тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизидир.

Мазкур тамойиллар бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришнинг миллий тамойиллари бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда бу тамойилларда бир томондан миллийлик, иккинчи томондан, умуминсонийлик йўналишлари уйғунлашганлигини ёки уларнинг диалектик мутаносиблигини кўриш мумкин.

Шунингдек, демократик жамият барпо этишнинг умумжаҳон эътироф этган асосий тамойиллари ҳам мавжудки, улар қуйидагилардан иборат:

-эркин ва адолатли сайловлар;

- очиқ ва ҳисобот берувчи ҳукумат;

- инсон хуқуқларининг устуворлиги;

- ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши;

- қонун устуворлиги;

- сўз, матбуот, виждон эркинлигини конституция ва қонунлар билан кафолатлаш;

- фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий хуқуқлари мавжудлиги, тенглиги;

- тайинлаш йўли билан шакланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги;

- умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;

- мулк шаклларининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;

- сиёсий мухолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши;

- жамиятда плюрализм яъни, фикрлар хилма-хиллиги, ранг баранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этиш масалаларининг самараси ортиши.

2. Миллий қадриятларнинг тикланиши – демократик жамият қуришнинг муҳим шарти

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий тамойилларнинг асосини ташкил этувчи қадриятлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларида Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берар экан, миллий қадриятларнинг тикланиши ижтимоий-маънавий соҳадаги энг муҳим вазифалардан бири, деб кўрсатди. Миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Негаки, бирон-бир жамият маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Айниқса, бизнинг шарқда халқнинг минг йиллик миллий қадриятлари унинг учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Халқимизнинг яқин ўтмишидаги узоқ давом этган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлиги боиси руҳида, қалбида доимий равишда умумбашарий қадриятларга содиқ бўлганлигидир.

“Биз – деб таъқидлайди Ислом Каримов, - маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маъ-

навий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”.[1] Демак, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг қадриятларисиз, алоҳида ажратиб бўлмайди.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари азалдан башарият тафаккур хазинасига илм-фан, маданият тараққиётига унутилмас ҳисса қўшиб келганлар. Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган асарлар, маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, қимматбаҳо фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқдаки, бундан биз фахрлансак арзийди.

Ота-боболаримиз бизга қолдирган бой ва ранг-баранг меросни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, уларни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини ошириш - мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир. “Ҳозирги энг муҳим ва долзарб вазифамиз, дейди Ислом Каримов, жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига нисбатан меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умубашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир”.[2]

Ҳеч бир халқ ўзлигини англамасдан, миллий маданияти, миллий қадриятларини асраб-авайлаб сақламасдан туриб, бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат билан қарай олмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрати халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир. Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий, ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида “қадриятлар”, “Миллий тикланиш”, “Миллий онг”,

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-б.
[2] Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 16-б.

“Миллий ғурур” каби атамалар тез, тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, мустақиллик айни пайтда миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, қатағончилик сиёсати ва тузуми даврида бу атамаларни ишлатиш у ёқда турсин, уларни ҳатто ўзбекча луғат бойлигидан суриб чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йили Москвада “Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти” томонидан чоп этилган 40 мингдан ортиқ сўздан иборат “Ўзбекча-русча луғат”га ҳам, 1988 йилда ЎзСЭ Бош таҳририяти чоп этган 50 минг сўзлик “Ўзбекча-русча луғат”га ҳам “Қадрият”, “Миллий онг”, “Миллий тикланиш”, “Миллий ғурур” тушунчаларининг киритилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Фикримизча, бундай вазият ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. БУ мустамлакачиларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган сиёсатининг натижасидир. Бу халқимизни манқуртга айлантириш учун, унинг кўп асрлик моддий ва маънавий меросидан, тарихидан, маънавиятидан жудо қилиш мақсадида атайлаб олиб борган сиёсати оқибатидир. Ҳукмрон сиёсат тарафдорлари “миллий қадрият”, “миллий онг”, “миллий ғурур” тушунчалари кишиларда миллатчилик кайфиятини уйғотади деб ҳисоблар ва ҳатто мазкур тушунчаларни ишлатган маҳаллий миллат вакилларини ҳам миллатчиликда айблаб, тазйиқ остига олганлар. Шунинг учун ҳам бу тушунчалар истеъмолдан деярли чиқариб ташланган эди. Мустақиллик туфайли 1998 йилда Мустақиллик: илмий оммабоп луғати чоп этилиб, бу тушунчаларнинг моҳиятини очиб берадиган мақолалар берилди.

Хўш, “қадрият” ўзи нима?

“Қадрият” атамаси бизга арабча “қадр” сўзидан кириб келган бўлиб, бугунги кунда бу тушунча “борлиқ ва жамиятдаги бирор-бир нарса ва ҳодисанинг кишилар ўртасидаги, ўзаро ижтимоий муносабатлардаги тутган муҳим аҳамиятини ифода этиши учун қўлланилмоқда.

Қадриятларни Ғарбда “Аксиология” фани ўрганади. У кенг тарқалган фалсафий фанлардан биридир.

Кўпчилик кишилар қадрланадиган нарсалар, ҳодисалар, масалан, қимматбаҳо буюмларни қадрият дейишади. Аслида эса шуларнинг ижтимоий аҳамияти қадриятларнинг ҳақиқий баҳосини аниқлайди. Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг қадри унинг моддий–иқтисодий баҳосидан катта фарқ қилиши мумкин. Масалан, минг йил олдинги буюмни (масалан хумдон) ишлатиш мумкин эмас. Унинг иқтисодий қиймати кам, аммо, мерос сифатидаги қадри анча юқори бўлиши мумкин.

Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига ва мақсадларига хизмат қиладиган, шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушуниш лозим.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, қадриятлар:

Биринчидан, воқеликда мавжуд бўлган табиат ва жамият неъматлари;

Иккинчидан, уларни қадрият туркумига киритиш ёки киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидлари билан белгиланади;

Учинчидан, табиат ва жамият неъматлари, ҳодисаларининг қадриятлар туркумига киритилишининг асосий сабаби кишилар уларни қадрлайди, авайлаб-асрайди, чунки, бу қадрият уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади.[1]

Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Жумладан, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирор нарсанинг қадр қиммати ҳақида сўзлаш беъманиликдир. Зеро, давлатимизнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги фаолияти, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси кишиларнинг ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши,

[1] Ж. Туленов, Б. Қодиров, З. Ғофуров. Маънавий юксалиш сари. –Т.: Меҳнат, 2000, 103-104-бетлар.

инсон ўзини чинаккам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Қадриятлар ўз моҳиятига кўра моддий ва миллий-маънавий қадриятларга бўлинади. Моддий қадриятлар – инсон меҳнати, ақл заковати билан яратилган турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, ноз-неъмат ва шу кабилардир. Моддий қадриятлар асосини – жамиятнинг моддий техника базаси, негизини эса мулк ташкил қилади.

Миллий маънавий қадриятлар – муайян миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган, маънавий бойликлари, амаллар ва тамойиллар, ғоялардир. Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қийматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам у ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихорига айланган дурдоналаридир. Масалан, қирғиз халқи “Манас” достони билан, мисрликлар ўзларининг Эҳромлари билан фахрланса, ўзбек халқи ўз юртида яшаб ижод қилган ва инсоният тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўзининг олиму-фузалолари билан фахрланади.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати, адабиёти, тили билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий, умуминсоний турларга бўлинади. Миллий қадриятлар – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ҳамда хусусиятлардир. Ўз миллий қадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Миллий қадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналардаги ўзига хослик ҳам бор. Маълумки, қадриятлар маълум шароитларда

шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий шаклар ва умуминсоний мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий қадриятларнинг энг етуклари ва умуммиллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб умуммиллий даражага кўтарилади. Миллий муҳит қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбаидир: у маҳаллий қадриятларнинг энг яхшиларини ўз даражасига кўтаради ва уларни вояга етказиб, жаҳон миқёсига олиб чиқади ёки аксинча. Умуминсоний қадриятларни ўзидаги ҳар бир кишининг бойлигига айлантиради. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий қадриятига муносабати қанчалик эҳтиёткор ва фаол бўлса, у миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, обрўси, унга ажратиладиган эътибор, ҳурмат шу даражада баланд нуфузи шу даражада юксак бўлади.

Минтақавий қадриятлар – иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, урф-одатлари, анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади. Минтақавий қадриятларга мисол сифатида Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман халқларига хос бўлган қадриятларни эслатиб ўтиш мумкин. Бу диёрда униб ўсган мазкур халқларнинг тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одатлари ва анъаналарида жуда кўп умумийлик мавжуд. Улар ҳамиша бир-бирига оға-ини бўлиб яшаганлар. Марказий Осиё халқларининг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган жараёнида шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошидан кечирган. Дарҳақиқат, минтақамиз халқлари 3000 йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини ярата олган.

Марказий осиё халқларининг миллий қадриятлардаги ўзига хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Туғилган макон ва она юртга эҳтиром.
2. Аждодлар хотирасига садоқат.
3. Катталарга ҳурмат, ёшларга иззат.
4. Инсоний муомалада мулозимат.
5. Ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги.

Умуминсоний қадриятлар, энг аввало жамият ва инсон учун энг қадрли ва унинг маънавий камолоти учун хизмат қилувчи умумижтимоий аҳамият касб этувчи нарсалар, ҳодисалар, фаолият ва бошқаларнинг номи, уларни ижтимоий ифодалаш учун ишлатиладиган тушунчалар бўлиб ҳисобланади. Демак, умуминсоний қадрият деганда, жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамиятга эга бўлган ва ҳар бир кишининг ҳаётига ижобий таъсир этадиган, кишиларнинг хатти-ҳаракати, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам умуминсоний қадриятларнинг мезони сифатида баҳоланади. Масалан, эркинлик, тинчлик, тенглик, мустақиллик, биродарлик, демократия ва ҳ. к.

Демак, қадриятлар:

1-дан. Жамиятнинг бойлиги, пойдевори. Уни авайлаб асраш ва ривожлантириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

2-дан, Қадриятлар ўтмишни бугун ва келажак билан боғлайдиган восита.

2-дан. Қадриятлар маънавий етук баркамол инсонни тарбияловчи, уларни камолотга етакловчи куч.

4-дан. Қадриятлар жамиятимизни жаҳон ҳамжамиятига қўшувчи ишончли восита.

“Биз бугун айрим давлатлардан, - дейди И. Каримов, моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсакда, (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан қолган қадриятлар ва урф одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борада устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажак биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир”.[1]

[1] Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 30-31-бетлар.

Ҳурматли Президентимизнинг юқоридаги фикрларига асосланиб айтиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиё халқлари азалдан башарият тафаккур хазинасига илм-фан, маданият тараққиётига мислсиз, улкан ҳисса қўшганлар. Аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига таалуқли нодир асарлар, қимматбаҳо фикр мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқдаки, биз бундан фахрлансак арзийди.

“Қадрият” тушунчаси қадим замонлардаёқ пайдо бўлган бўлиб, барча тилларда мавжуддир. Қадрият атамаси бизга арабча “Қадр” сўзидан олинган бўлиб, борлиқ ва жамиятдаги бирор бир нарса ва ҳодисанинг жамиятда, кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларда тутган муҳим аҳамиятини ифода этиш учун қўлланилади.

3. Демократия – миллий ва умумбашарий қадрият

Ҳозирги кунда дунёда 200 дан ортиқ давлат мавжуд бўлса, уларнинг 160 га яқини демократик тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу давлатларда демократия миллий ва умумбашарий қадрият сифатида қарор топганлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканлигини дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганлиги демократияни миллий ва умумбашарий қадрият сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

“Демократия” сўзи грекча сўз бўлиб “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, демократиянинг асосий белгиси алоҳида олинган у ёки бу мамлакатда халқни олий ҳокимиятнинг манбаи эканлигини амалда эътироф этишдир. Айни пайтда, турли халқлар демократиянинг шакли ва мазмунини турли даврларда турлича талқин этишган. Демократиянинг антик даврдаги талқини билан ҳозирги замон талқини айнан бир хил эмас.

Ғарб олимларининг таъкидлашича, ҳозирги вақтга қадар демократия тўғрисидаги тўпланган таъриф ва таснифлар сони қарийб 550 тадан ортиқдир.[1]

Р. Даль эътироф қилганидек, “демократиянинг табиати икки ярим минг йилдан бери ҳар томонлама муҳокама қилиб келинмоқда, бир қарашда ушбу муддат барчани қониқтирадиган демократия ғоялари йиғиндисини ишлаб чиқиш учун бемалол етарлидек туюлади. Лекин бу амалга ошмади. Йигирма беш аср давомида демократия ғоялари илгари сурилди, ҳимоя қилинди, танқид қилинди, йўқ қилинди, кейин яна тикланди, аммо ушбу ҳодисанинг моҳиятини ташкил қилувчи фундаментал масалалар бўйича ягона тўхтамга келингани йўқ”.[2]

Демократия тўғрисидаги таърифларнинг барчасида демократиянинг атрибутлари турлича талқин қилинган. Лекин масаланинг энг муҳим томони шундаки, шу пайтга қадар, жаҳон илмий фикрига демократияни жамиятда жорий қилишнинг барча учун умумий бўлган қоидасини яратдик, деб ҳеч ким даъво қилгани йўқ. Чунки демократиянинг моҳиятини ташкил қилувчи умумий белгилари ва мезонлари бўлгани ҳолда, ҳар бир жамият масалага ўзига хос имкониятлар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқибгина ёндоша олади. Демократлашув жараёнининг ниҳоятда мураккаблиги, уни амалга ошириш кўламининг кенглигини назарга оладиган бўлсак, бугунги кунда демократияни фақатгина сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усули сифатида қабул қилсак ва шу эскирган ёндашувдан келиб чиқиб жамиятда демократияни жорий қилишни тасаввур қилсак, албатта катта хатога йўл қўйамиз. Чунки, бунда демократияга ўта бир томонлама ёндашган бўламиз. Инсоният тўплаган тажрибалардан маълумки, бундай усулда ҳали бирор бир жамият демократияга тўлиқ ўтолмаган.

Демократия ва демократлашув муаммоси билан шуғулланган мутахассислардан бири Дж. Дьюи демократияга бундай тор ёндашув-

[1] Даймонд Л. Прошла ли “Третья волна демократизации?” // Полис. 1999. г 11. 11 б.
[2] Даль Р. О Демократии. –М.: Аспект пресс, 2000. 9 б.

ни қаттиқ танқид қилган. Унинг фикрича, “...демократия авваламбор сиёсий бошқарувнинг усули эмас, балки етакчи равишда ҳаётни ташкил қилиш усули, турмуш тарзидир”.[1] Бугунги кунда демократлашув жараёни билан боғлиқ назариялар, маълумотлар кўпчилиги боис, демократияга ўтиш вазифаларини ҳал қилиш йўлларининг хилма-хиллиги ошиб бормоқда ва шунинг учун ҳам унинг концептуал масалалари мураккаблигига қолмоқда.

А. Пшеворский таъкидлаганидек, “демократияга олиб борувчи йўллар турли-тумандир. Охирги натижада эса айнан қайси йўлнинг танлаб олинишига боғлиқ бўлади”.[2]

Бир нарсани алоҳида қайд қилиш керакки демократик ғоялар турли хил миллий маданий шароитларда яшай олиш хусусиятига эга. Бу дегани, бир томондан, демократия миллий хусусиятларга эга бўлса, иккинчидан, у турли миллатлар, халқлар ҳаётидан, давлатчилик, анъаналарда намоён бўла олади. Ўзининг миллий-маънавий қадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, айни пайтда умуминсоний қадриятлар, принциплар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия деб бўлмайди. БУ борада ҳозиргача баҳслар давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда демократиянинг “Шарқона демократия” ва “Ғарбона демократия” деб аталган шакллари ҳақида ҳам турли зиддиятли мулоҳазалар мавжуд.

“Аввало, - дейди профессор И. Эргашев – “Шарқона демократия” ва “ғарбона демократия” атамасининг алоҳида–алоҳида ишлатилиши демократиянинг умуминсоний маъно-мазмунига, умумэътироф этилган қадрият сифатида унинг умумий моҳиятига соя ташламайди. Бошқача айтганда, “демократия” (Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам) – умумэътироф этилган тушунча. Унда муаммо нимада? Муаммо бизнинг назаримизча, “шарқона” ёки “Ғарбона” демократия ўртасидаги фарқни англаш замирида ётибди, яъни муаммо демократиянинг умумий, ягона моҳиятига эмас, унинг ўзига хос миллий-маънавий хусусият-

[1] Стур Дж. Открывая демократию заново (1). // Полим. 2003. № 5. 17-б.
[2] Пшеворский А. Демократия и рынок. –М.: РоссПЭН, 2000, 91-б.

ларини фарқлаш, эътироф этиш билан боғлиқ”.[1] Демократиянинг бу атамаларини бир бирига қарама-қарши қўйиш ёки бир-биридан устун қўйиш мумкин эмас.

Жамият ҳаётида демократик қадриятларнинг чуқур жой олиб бориши халқнинг сиёсий-маданий онги, уларнинг сиёсий демократия ва бозор муносабатларининг асосий талаблари, тамойилларини қабул қилиш ҳамда татбиқ этишга тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Бошқача айтганда ҳар бир халқнинг миллий онгида шу халққа хос ва мос бўлган, тарихан шаклланган асосий жиҳатлар борки, у шу халқнинг руҳиятини, менталитетини, характерини ифодалайди ва улар мамлакатнинг сиёсий тизимида ўзларининг изларини қолдирмаслиги мумкин эмас.

Албатта, дунё тараққиётида демократия умуминсоний қадрият сифатида турли халқлар, миллатлар тафаккури ва турмуш тарзига сингган, эътироф этилган ва шунга мос эътибор берилаётган, амал қилиб келинаётган бошқариш услубидир. БУ умумий қонуният. Айни пайтда, ана шу умумий қонуниятнинг иккинчи муҳим бир жиҳатини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи, менталитети, демократияни ҳис этиш, англаш, тушуниш ва унга амал қилиш хусусиятининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳамма халқлар учун ягона идора этиш услуби ҳам, ягона жамият андозаси ҳам йўқ. Бирини иккинчисидан афзал кўриш ҳам мумкин эмас. Умуминсоний қадриятга айланган демократиянинг ҳамма учун муҳим ва аҳамиятли бўлган жиҳатларини тан олиб, унинг ҳар бир халқнинг миллий-маънавий руҳияти асосида қарор топиши ва умуминсоний ҳодисага айланишини эътироф этмаслик жамият ривожига, демократик тараққиёт мантиғига тўғри келмаслигини англамаслик мумкин эмас. Демократия қанчалик умуминсоний маъно ва қадрият касб этмасин, унинг негизини, унга руҳий куч-қувват берадиган, уни бойитиб турадиган, ранг-баранглигини таъминлайдиган “Миллийлик” ва “миллий руҳият”, миллий маънавий қадриятлардир.

[1] Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: Академия, 2004. 118-б.

Профессор Ибодулло Эргашев Ғарб ва Шарқ демократияси орасидаги муносабатни қуйидагича ифодалайди.[1] Демократиянинг Ғарбона кўриниши кимгадир афзал туюлаётган бўлса, бу ғарбона демократияни бир томонлама кўриш, унга ортиқча баҳо бериб, унинг миллий-маънавий хусусиятларини эътироф этмасликни англатади. Ёки Шарқона демократиянинг замондан орқада қолган айрим жиҳатларини, менталитетимиздан чуқур жой олган айрим носоғлом стериотипларни ўзгартиришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Шарқона демократия ҳам умумэътироф этилган демократик принципларга асосланади. Айни пайтда, ўзининг минтақавий, умумий миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олишни англатади. У ҳам ўз ичида ранг-баранг ва нисбий ҳодиса. Бу Шарқ халқларининг тарихан қарор топган қадриятларидаги ўзига хос миллий хусусиятлардир. Улар халқларнинг тафаккур тарзида, урф-одат ва анъаналарида сиёсий ҳаёт, инсон, жамият ва давлатга қарашда амал қиладиган ўзига хос сиёсий-маданий хулқ-атвор кўринишларида намоён бўлади.

Бу халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш рухиятининг устуворлиги, оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг одамлар қалбидан чуқур ўрин олиб, ота-онага, маҳалла-куйга, жамоага юксак эътибор ва ҳурмат билан қаралиши, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, аёл зотига алоҳида эҳтиром кўрсатилиши, сабр-бардошлилик ва меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатли бўлиш билан боғлиқ принциплар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлардир. Бундай қадриятлар табиий равишда демократиянинг умуминсоний тамойиллари билан чамбарчас боғлиқ. Умуман, Шарқона демократия “ахлоқ”, “маърифат” муносабатлари ва анъаналарига кўпроқ боғланганлиги билан ҳам фарқ қилади. Бу ҳеч қачон демократиянинг умумбашарий тамойилларига соя солмаслиги лозим.

Ғарб демократиясида ҳам худди шундай хусусиятларни келтириб, уни Ғарбдаги ҳаёт тарзи ва кўникмаларига нисбатан қиёсий талқин этиш мумкин, айни пайтда у кўпроқ “анъаналар”га эмас, уни

[1] Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т.: Академия, 2004. 122-б.

ҳисобга олган ҳолда қонунга, шахс эркинлигига, Шарқ нуқтаи назаридан ёндашганда қонун асосидаги “индивидализм”га асосланиб, фуқаро сиёсий маданиятига чуқур сингганлигини кўрамиз. Бундан Ғарб демократияси жамоани, миллий-маънавий хусусиятларни мутлақо тан олмайди, у жамоатчиликдан ҳам, инсоний меҳр-оқибат муносабатларидан ҳам бегона деган хулоса келиб чиқмайди.

Умуман, демократиянинг Шарқона ва Ғарбона кўринишлари ҳам миллий-маънавий хусусиятларни эътироф этадиган, унга таянадиган умуминсоний моҳият касб этади. Демократиянинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар миллий-маънавий хусусиятлардан озуқа олади, унга таянсагина умуминсоний қадриятга айланиб боради. Бу халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутади ва демократик жамият қуришни кафолатлайди.

Кўриниб турибдики, демократия жуда мураккаб тушунча. Демократиянинг табиати мураккаб бўлиши билан миллий ва умуминсоний хусусиятларга эга экан, унинг мезонлари, жамиятда қарор топтириш жараёнлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Бугунги кунга келиб Европа мамлакатларида бир қатор демократик қадриятлар шаклланди. Яъни уларда бу қадриятларни шакллантириш орқали демократия шахс, давлат, фуқаро ва жамият ўртасидаги муносабатлар мувозанатини таъминламоқда ва у қуйидаги мезонларда ўз ифодасини топмоқда. Жаҳон сиёсатшунослари демократиянинг қуйидаги мезонларини эътироф этмоқдалар:

1. Халқларнинг давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қонунларнинг қабул қилинишидан хабардорлиги;

2. Халқнинг қонунларнинг қабул қилинишида бевосита ёки билвосита иштирок қилишининг таъминланганлиги;

3. Халқнинг қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назоратининг таъминланганлиги;

4. Оддий фуқаронинг давлат, жамият ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзини қизиқтирган маълумотларни бемалол олиш учун имкониятнинг яратилганлиги ва ҳ. к.

Хўш, Ўзбекистон демократияни шакллантиришнинг қандай йўлидан бормоқда.

Биринчидан, демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё ҳамжамияти эътироф этган йўриқлари мавжуд.

Булар:

- фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши;
- қонун устуворлиги;
- барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги;
- сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Бу йўл-йўриқлар барча мамлакатлар конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган. Бироқ, маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиладими? Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ола оладими? Йўқ! Чунки, ҳар бир халқнинг ўз турмуш тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашиш усули бор. Шу маънода Президент Ислом Каримов: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди.

Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”, деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганлигини кўрсатади. Иккинчидан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бир қатор демократик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар - жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатларнинг демократик тараққиёт йўллари билан танишди. Бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд.

Аммо демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиши керак деган хулосага келади. Яъни ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндашиши даркор. Айниқса, ўзбеклар сингари жуда қадимий миллат ва жуда бой анъаналарга эга бўлган халқ эҳтиёжларини ҳисобга олиш даркор. Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло ярамайди. Бундай йўлни танлаш хатарли оқибатларга олиб келади деб айтган эди Президентимиз.

Учинчидан, демократияни кўр-кўрона жорий этиб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларига кўр-кўрона кўчириш мумкин эмас. Уни кўчириш ёки унга тақлид этиш кутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Қолаверса, ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Ғарб демократиясида очиқдан-очиқ муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча - андишалилик, Ғарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, вазминлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаёт тарзи, анъаналар, ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ атворини шакллантиради.

Айримлар Ўзбекистонни АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги аҳвол билан солиштирадилар. Бу солиштириш мутлақо нотўғри. Биринчидан, мазкур мамлакатларда демократия тўлиқ шаклланган деб ҳеч ким айта олмайди. Қолаверса, бу мамлакатларда инсон ҳуқуқлари давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар 200 йилдан ортиқ вақт маҳсули эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

АҚШ да либерал-демократик институтлар билан боғлиқ республика қурилиши XVIII аср охирларида қарор топган бўлса, Францияда узил-кесил XIX асрнинг охирларида амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Италия ва Германияда эса демократия иккинчи жаҳон уру-

шидан кейин, Ғарбий Европанинг учта мамлакати: Греция, Португалия ва Испанияда XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида, Шарқий Европада демократлашув жараёни 80-йилларнинг охирига тўғри келади.

Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт ичида Ғарб давлатларидагидек кенг миқёсли тадбирларни амалга оширишни талаб этиш ақлга сиғмайди. Одамлар дунёқараши фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш мумкин эмас. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Демак, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.

Шу жиҳатдан олганда мамлакатимиз раҳбари томонидан маъмурий буйруқбозлик тизими емирилгандан кейин пайдо бўлган қийинчиликларни енгиш ва мамлакатимизнинг бевосита демократик тараққиёт томон йўл тутиши учун зарур бўлган назарий асосларнинг белгиланиши жамиятимизда ўтиш жараёнларининг бошланиши учун етакчи манба бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг ғояларида демократияга ўтиш жараёнида ҳар қандай мамлакат олдида кўндаланг бўлиб турувчи демократияга қайси йўл билан борамиз ва бунинг учун қандай манбаларга таяна олишимиз мумкин деган икки муҳим масалага ойдинлик киритиб берилди.

Жумладан, И.А. Каримов хулоса қилганидек: “Демократия – фақат назарий ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданият, психолгиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан “тушириш” мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас.

Халқнинг маданиятида жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир”.[1]

Давлатимиз раҳбарининг ушбу талқинидан келиб чиқувчи асосий концептуал хулоса шундан иборатки, жамиятимизнинг демократияга ўтиши табиий равишда бир неча босқичдан иборат бўлади ва ҳар бирининг ўзига хос вазифаларини, муаммоларини ҳал қилиб бориш орақалигина демократия томон илдамлаб бора олишимиз мумкин.

Шу боис ҳам, Президент томонидан таъкидланганидек, бу “...узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак... Биз изчил, қадам – бақадам янги марраларни эгаллаймиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак”.[2]

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, демократиялашаётган жамиятнинг концептуал ўлчамларини аниқлаб олишда, албатта, емирилган тоталитар тузумнинг хусусиятлари ва ундан қолган асоратлар қанчалик чуқурлиги масаласини эътиборга олиш алоҳида ўрин тутади. Зероки, эски тартибот оқибатлари тартибот тугатилгандан кейин ҳам бир қанча муддат сақланиб қолади ва фақат демократиялашув жараёнларининг чуқурлашуви билан бартараф қилиб борилади. Шу боис бевосита демократияга ўтиш вазифалари таркибидан эски тоталитар ёки авторитар тартибот оқибатларини тугатиш масалалари ҳам албатта ўрин олиши зарур бўлади.

Шунингдек, жамият демократиялашувининг концептуал асосларини ҳал қилишда демократия ва демократиялашув борасидаги энг замонавий тенденциялардан келиб чиқувчи омилларнинг эътибордан четда қолмаслиги масаласи ҳам бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 185-б.

[2] Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 21-22-бетлар.

Бу ўринда А. Пшеворскийнинг “Демократия бу – ноаниқликлар салтанатидир”,[1] деган фикрининг заминида катта мазмун яширинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Олим эътироф қилган ноаниқликлар ҳажмини имкон даражада қисқартириб боришга интилиш натижасидагина кўзлаган мақсад йўлида ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкин: демократия дунё тараққиётида умуминсоний қадрият сифатида турли халқлар, миллатлар тафаккури ва турмуш тарзига сингган, эътироф этилган ва шунга мос эътибор берилаётган амал қилиб келинаётган бошқарув услубидир. Айни пайтда, ана шу умумий қонуниятнинг иккинчи муҳим жиҳатини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи, менталитети, демократияни ҳис этиш, англаш ва унга амал қилиш хусусиятининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳамма мамлакатларбоп ягона демократик давлат барпо этиш андозаси йўқ. Бирини иккинчисидан устун қўйиш мумкин эмас. Умуминсоний қадриятга айланган демократиянинг ҳамма учун муҳим ва аҳамиятли бўлган жиҳатларини тан олиб, унинг ҳар бир халқ миллий-маънавий руҳияти асосида қарор топиши ва умуминсоний ҳодисага айланишини эътироф этиш лозим. Яъни демократия миллийликни, миллий руҳиятни ҳисобга олмаса, унга таянмаса ўз моҳиятига зид бўлиб қолади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг миллий тамойиллари нимадан иборат?
2. Демократик жамият барпо этишнинг умумбашарий тамойиллари нима?
3. Қадрият нима?
4. Қадриятнинг қандай турлари мавжуд?

[1] Пшеворский А. Демократия и рынок. –М.: РоссПЭН, 2000. 138-б.

5. Миллий, минтақавий, умумбашарий қадрият деганда нимани тушунасиз?

6. Миллий қадриятларнинг демократик жамият барпо этишдаги аҳамияти нималардан иборат?

7. Демократиянинг миллий ва умумбашарий қадрият сифатида моҳияти нимадан иборат?

8. Шарқона ва ғарбона демократия деганда нима тушунилади?

9. Ўзбекистон демократик жамият барпо этишнинг қандай йўлини танлади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т.: «Ўзбекистон».

3. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, маф-кура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

4. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиз-ликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: «Ўзбекистон», 1997.

5. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». –Т.: «Ўзбекистон», 1999.

6. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

7. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устув-вор йўналишлари». Каримов И.А.нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2002 й. 30 август.

8. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Қонун-

чилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» 2005. 29 январь.

9. А.Қодиров. Шарқ демократияси: маънавий зиддиятлари муаммоси. “Ҳуқуқ–Право-Law”. 1992. №2: 34-37-бетлар.

10. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т.: “Академия”, 2004.

11. Ж. Туленов, Б. Қодиров, З. Ғофуров. Маънавий юксалиш сари. –Т.: “Меҳнат”, 2000.

12. Даймонд Л. Прошла ли “Третья волна демократизации?” // Полис. 1999. r 11. 11 б.

13. Даль Р. О Демократии. –М.: “Аспект пресс”, 2000. 9 б.

14. Стур Дж. Открывая демократию заново (1). // Полис. 2003. № 5. 17 б.

15. Пшеворский А. Демократия и рынок. –М.: «РоссПЭН», 2000, 91 б.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ - ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ

РЕЖА:

1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Қонун устуворлигини таъминловчи асосий шартлар.
3. Жиноий жазоларни либераллаштириш – қонун устуворлигининг муҳим шарти.
4. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишидаги аҳамияти.

1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш – Ўзбекистоннинг пировард мақсадидир. Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.[1]

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, қабул қилинаётган қонунларимиз замирида адолат ётиши даркор. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири - жамият аъзоларининг қонун олдида тенглигининг, Конституция ва қонунларнинг тенглигининг таъминланганлигидир. Шунингдек, Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 10-б.

“Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”.[1] Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси – жамият ҳаётида чинакам қонун устуворлигини таъминлаш - ҳар қандай давлат учун, хусусан ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳимдир.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боб, 15 ва 16-моддаларида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” дейилган.

Қонун устуворлиги тушунчасининг моҳияти Президентимиз Ислом Каримовнинг бир қатор асарларида чуқур таҳлил қилинган.

“Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ ва нормаларни бузганлиги учун жавобгар бўлади”[2], - деб таърифлайди, -И. Каримов.

---

[1] Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2002, 28-б.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 321-б.

Қонун устуворлиги - демократик жамият барпо этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга адолат мезони ҳисобланади. Чунки, қонун устуворлиги таъминлансагина адолат қарор топади, инсонлар миллати, тили, урф-одати, анъанаси, қадриятлари, диний эътиқоди, жинси, ижтимоий аҳволи кабиларда тенгликка эришадилар. У мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида барқарорлик таъминланишининг асоси ҳисобланади. Қонун оёқ ости қилинган мамлакатда талон-торожлик, тенгсизлик, адолатсизлик, зўравонлик ва бошқа бир қатор салбий ҳолатлар юзага келади. Ана шунинг учун ҳам қонун устуворлиги умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган. Қонун билан яшашни миллат вакилларининг дунёқарашига айланишига эришиш, миллий ривожланишнинг муҳим йўналишини ташкил қилади.

Аммо у осон иш эмас. Чунки, демократик жамиятга ўтиш жараёнида иқтисодий соҳада вужудга келадиган муаммолар оддий инсонлардан тортиб, то мансабдор шахсларгача қонунни четлаб ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар қилиш жараёнини вужудга келтиради. Бу салбий жараёнларнинг олдини олмаса жуда нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қонуннинг устуворлиги ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан биридир. Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва янада мустаҳкамланади. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади. Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади. Қонунга итоаткорлик – бу юксак маданиятлилик, маънавиятлилик, маърифатлилик белгисидир. Қонунга итоаткорликни инсоннинг унга кўр-кўрона бўйсуниши маъносида тушунмаслик лозим. Қонуннинг мақсад ва вазифаларини, маъноси-ю, инсонпарварлик аҳамиятини онгли равишда тушуниб олиш, унга ихтиёрий риоя қилишга ва унинг асосида фаолият юритишга ёрдам беради.

Қонунларга қатъий риоя этилиши жиноятчиликнинг олдини олишнинг, қонун бузилишига йўл қўймасликнинг зарур шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳақиқий, одилона татбиқ этилишидадир. Агар қонун ижрочилари бурчлари ва масъулиятларига холисона одилона ёндашиб, тўғри йўлдан тоймай Ватан, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблаб қонунларни турмушга адолатли қўлласалар, бундан давлат ва жамият ҳам, халқ ҳам наф кўради.

“Қонун – ижроси билан кучли” – деган иборага урғу берадиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қонунларни ижро этишда ҳалоллик ва адолат асосида иш юритиш мутасаддилар учун асосий мақсад, жамият, халқ ва Ватан олдидаги буюк инсоний бурч, юксак масъулият бўлмоғи лозим.

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этмоқ учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар демократик қонунлар тантана қилмоғи лозим. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади.

Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан эълон қилинган беш принципи орасида қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши ва қонунга итоаткорлик принципи алоҳида ўрин тутади. “Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ”.[1]

Демократик жамиятда қонун устуворлиги тамойилининг аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки Президентмиз И.А. Каримов айтганла-

[1] Каримов И.А. “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”. –Т.: Ўзбекистон, 1993, 22-б.

ридек, «ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, ўзи ҳам, қалқони ҳам - қонундир».[1]

Демократик жамиятда қонун устуворлиги авваламбор демократияга хос бўлган хусусиятларни амалга оширишни таъминлайди, яъни бошқача қилиб айтганда, қонун белгилаган ҳар бир нарса мажбурий ёки таъқиқлов характерига эга ва ушбу қоида жамиятда истиқомат қилувчи барча шахсларга тааллуқлидир. Яъни бу ердан шундай тушунча вужудга келади, барча қонун олдида баробардир.

Қонун устуворлигининг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз авваламбор халқнинг манфаатлари, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, давлат ишини ташкил этиш ва шунга ўхшаш бошқа масалаларда муҳим аҳамиятга эга.

Қонун устуворлигига эришиш учун авваламбор уларни қабул қилиш жараёнида пухта ва мукаммал қилиб, жамиятда келажакда узоқ вақт ўз фойдасини бера оладиган даражада ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари қонунларни қабул қилиш жараёнида шуни эътиборга олиш лозимки, яъни жамият, халқ ушбу Қонунга эҳтиёж сезаяптими ёки йўқми. Айнан шу масала ҳам қабул қилинадиган қонуннинг ҳаётда қай даражада жамиятга наф келтириши келтирмаслигини белгилаб беради.

Қонун устувор бўлган жамиятда норозиликлар ҳам бўлмайди, чунки барча соҳа вакиллари қонун асосида фаолият юритар экан норозилик ва тушунмовчиликнинг ўзи бўлмайди. Қонунларнинг устуворлиги жамиятдаги барча фуқаролар учун шу жумладан, давлат хизматида ишловчи шахслар учун, шунингдек жамиятдаги барча соҳаларга тааллуқли бўлганлиги унинг янада мукаммал тус олишиги олиб келади. Қонун устуворлиги ҳақида сўз юритганда унинг устуворлигини таъминловчи давлат органлари ҳақида ҳам унутмаслигимиз лозим. Чунки қонун қабул қилинишининг ўзи бу унинг жамиятда ўз-ўзидан устувор хусусиятга эга дегани эмас, бунинг учун

[1] Х Бобоев, З. Ғофуров, З. Исломов. "Миллий истиклол мафкураси ва тараққиёт". –Т.: Янги аср авлоди, 2001. 115-б.

давлат органларининг бу борада ҳизматлари ва меҳнатлари талаб этилади.

Қолаверса, қонунларга итоат қилишда, унинг ижросини таъминлашга масъул бўлган кишилар ҳар доим оддий фуқароларга “эталон” бўлишлари лозим бўлади. Улар томонидан қонунларнинг бузилишига қаратилган ҳар бир кичик хатти-ҳаракатлар нафақат умумий тараққиётга, шунингдек фуқароларнинг ҳокимиятга ишончининг барбод бўлишига олиб келади. Шу маънода ҳам қонун устуворлигини таъминлашда фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлар кўпроқ етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонунларнинг ҳар қандай шахс, гуруҳ, сиёсий кучлар ёхуд ижтимоий табақалар манфаатларидан устун бўлишини реал таъминлаш орқалигина демократияни ривожлантириш, унинг жамиятда амал қилишига эришиш мумкин бўлади. Унинг амал қилиши ҳар иккала ҳокимият ва фуқаро манфаатларига мос келади.

2. Қонун устуворлигини таъминловчи асосий шартлар

Ҳуқуқий демократияга асосланган жамиятда қонун устуворлиги принципини таъминловчи асосий шартлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлиги. Бу принципга кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституцияда ва қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар.

Конституция ва қонунларга нафақат фуқаролар, уни қўлловчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар ҳам, шунингдек, қонунларни яратувчи ҳокимият органи ҳам итоат этишга мажбур. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши давлат тузилмаларининг самарали ишлаши, суистеъмолларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланиши, умуман, демократия ва қонун устуворлигининг муҳим гаровидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг биринчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси

Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз фармонлари ва ҳуқуқий қарорлари билан Конституциявий тамойилларнинг қонунларда мустаҳкамланган қоидаларининг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни яратади. Президентнинг ўзи қонунларга қатъий амал қилиши билан давлат идоралари ва мутасадди шахслар учун ибрат, намуна кўрсатиб, уларни ҳам Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этишга сафарбар этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йилнинг 4 январида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” фармойиш қабул қилинганлиги жамиятда аҳолининг ҳуқуқий билимдонлиги ва маданиятини ошириш билан бирга Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтаришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тадбирдир.

Учинчидан, жорий қонунлар ва барча норматив ҳуқуқий актлар Конституцияга тамомила мос ва унга мувофиқ яратилиши лозим. Бу эса мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Асосий қонунимизнинг 16-моддаси иккинчи бандида “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас” деб қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ана шу муҳим Конституциявий-ҳуқуқий принципига риоя этишни таъминлашга интилиб келмоқда.

Конституциянинг устуворлигини таъминлаш учун алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо этади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини – Конституциявий суд ташкил этади. Конституциявий суд ўз вазифаларини бажаришда мустақилдир ва ўз фаолиятида фақат Конституция нормалари ҳамда қоидаларига амал қилади. Унинг зиммасига қонун чиқарувчи, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни назорат қилиш вазифаси юклатилган. Конституцияга содиқлик, мустақиллик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқлари-

нинг тенглиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларидир.

Тўртинчидан, қонун устуворлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи воситалардан бири кодекслаштиришдир. Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида Конституция принципларини ривожлантириш йўлида яратилади ва улар конституция, конституциявий қонунлардан кейинги мақени эгаллайди. Кодекслар ўзининг мантиқий мукаммаллиги, пишиқлиги, ички барқарорлиги ҳуқуқий қоидаларга амал қилганлиги туфайли кодекс нормалари ҳаётда ўзининг амалини осон топади.

Бешинчидан, қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларини қуйидагича эътироф этиш мумкин:

- қонун чиқарувчи жараённи муттасил демократлаштириб бориш – инсонпарвар, адолатли халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир;

- қонуннинг сифатини мукаммаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан бенуқсон бўлишига эришиш;

- қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда “қонунда таъқиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади” (фуқаролар учун). “Фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина рухсат берилади” (мансабдор шахслар ва давлат идоралари учун) деган принципга қатъий амал қилинишига эришиш;

- қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш концепциясини яратиш;

- қонунлар амал қилишининг ижтимоий механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги ижтимоий омиллар (таъсир этувчи кучлар, воситалар) ни синчиклаб ўрганиш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш.

Олтинчидан, қонун ости, идоравий норматив ҳужжатларга ҳаволалар, яъни иловалар (шиор ва декларациялар тарзидаги нормалар) кўп бўлишининг олдини олиш зарур. Бундай иловалар ҳаддан

зиёд кўп бўлиши кейинчалик амалиётда қонун четда қолиб, унинг ўрнини идоравий ҳужжат эгаллаб олиши билан қонун устуворлигига зиён етиши хавфини келтириб чиқаради.

Еттинчидан, қонунларнинг барқарор ва устувор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, пировард натижада қонуннинг аҳамияти ва нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Саккизинчидан, жиноий жазоларни либераллаштириш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланадики, биз мавзуни баён қилиш жараёнида бунга алоҳида тўхталамиз.

Тўққизинчидан, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашда прокурор назоратининг роли катта. Прокурорлик назорати фаолиятида қўлланиладиган тақдимнома, амрнома, огоҳнома, қарор ва аризаларнинг сифати ва таъсирчанлигининг янада юқори бўлишида 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилган қонунийлик, одиллик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан мақсад, халқимиз ҳам, прокуратура ходимлари ҳам ушбу тамойилларни аниқ тасаввур этишлари керак. Ҳолбуки, фуқаролар ҳар бир прокуратура ходимидан ушбу тамойилларни рўёбга чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорлик назорати олиб бораётган прокурорлар эса ўз фаолиятида шу принципларга оғишмай риоя этиши шарт.

Шундай қилиб Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш учун комплекс ташкилий ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Албатта, конституциявий ҳуқуқий кафолатлар ва юридик механизмларни муттасил такомиллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим. Шу ўринда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, руҳий кафолатлари ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик лозим.

3. Жиноий жазоларни либераллаштириш – қонун устуворлигининг муҳим шарти

Мустақилликка эришгандан кейин Президент Ислом Каримов томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят процессуал қонунларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши эса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Масалан, Президентимиз томонидан лойиҳаси киритилиб, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан жиноятларни таснифлаш, енгиллаштириш маъносида такомиллаштирилди, ярашув институти жорий этилди. Жиноят кодексида ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўлланилди.

Айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида жи-ноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш борасидаги сайъ-ҳаракатлар муҳим ўрин тутади. Суд-ҳуқуқ тизимини либерал-лаштириш тўғрисида Президентимиз "Суд-ҳуқуқ тизимини либерал-лаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир"[1] деганда айнан шу ҳаракатларни назарда тутган эди.

Маълумки, 1995 йилгача амал қилган Жиноят Кодексида 33 та жиноятга ўлим жазоси қўлланилар эди. Кейинги Жиноят Кодексида эса уларнинг 13 таси сақланиб қолди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Жумладан, аёллар, олтмиш ёшдан ош-ган

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланилмайди. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин (ЖК нинг 51-моддаси).

Ана шу устувор вазифадан келиб чиқиб, 1998 йилда Жиноят Кодексидаги 5 та моддадан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддага жазо қисқартирилди. 2004 йилда эса бу жазо бор-йўғи иккита, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун татбиқ этиладиган бўлди. Булар мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларга зикр этилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга интилаётганининг амалдаги исботидир. Ҳозирги кунда 100 га яқин давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинган. Жумладан, Шве-ция ва Финландия 1972 йилда, Германия 1949 йилда, Франция 1981 йилда, 1990 йиллардан бошлаб Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария, Греция, Польша, Молдова, Италия, Испания давлатлари ўлим жазосидан воз кечган. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлсада, амалиётда қўлланилмайди.

Ўлим жазосини бекор қилиш ўта мураккаб масала бўлиб ҳисобланишини Президент Ислом Каримов таъкидлаб, “Биринчи навбатда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш лозим, чунки бугунги кунда уларнинг кўпчилиги, ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши. Иккинчидан, ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли жазони ўташга ҳукм қилинадиган шахслар учун тегишли жойлар қуриш керак”, деган фикрга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўлим жазосини бекор қилиш масаласини аҳолига тушунтириб бериш ҳам анчагина мураккаб жараён бўлиб, бу ишга ҳуқуқшунослар, мутахассислар, сиёсатшунос, психолог ва бошқа кўпгина мутахассислар жалб қилиниши лозим. Шунингдек, Президентимиз юқорида таъкидлаганидек, ўлим жазоси ўрнига суд томонидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳбуслар жазоси алоҳида колонияда ўташи лозим бўлганлиги сабабли уларни сақлаш билан боғлиқ жазони ўташ муассасасини қуриб битказиш учун бюджетдан

тегишли маблағ ажратилиши ва бинони тайёрлаш ҳам маълум муддат талаб этади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар 2-3 йил ичида амалга ошириш мумкинлигини билдиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ҳаёт ҳар бир инсонга бир маротаба берилади, шунинг учун ҳам ундан маҳрум этишга ҳеч ким қодир эмас, деган тушунчани барчанинг онгига сингдириш лозим. Шу боис барча ислоҳотлар ва қонунлар инсон манфаатларига хизмат қили-шини назарда тутсак, ўлим жараёнининг жазо тизимидан олиб ташла-ниши ҳар томонлама адолатлидир.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги хайрли қадам бўлди, десак хато бўлмайди.

4. Қонун устуворлиги тамойилининг ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишидаги аҳамияти

Қонун устуворлигини таъминлаш демократик жамиятни шакл-лантиришнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аввало қонунлар фуқароларнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ишлаб чиқилади, уларнинг хоҳиш ва иро-дасини ўзида акс эттиради. Аммо кўпгина қабул қилинган қонунлар реал ҳаётга жорий қилинмасдан қоғозда қолиб кетади. Сабаби, биринчидан, қонунни қабул қилиш давридаги жамият тараққиёти даражаси билан уни амалга ошириш имконияти ўртасидаги номутаносиблик-нинг мавжудлиги. Иккинчидан, қонунларни яратишдаги маҳорат ва салоҳиятнинг (профессионализм) етишмаслигидир. Учинчидан, фуқа-роларнинг ҳам қонунлардан тўла фойдаланишга салоҳияти етарли даражада бўлмаслиги. Аммо, нима бўлганда ҳам қабул қилинган қонунларга амал қилиш ҳаётий зарурият ҳисобланади. Чунки, у нафа-қат, ҳуқуқлар тизими билан, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий,

ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқдир. Уларни ўзида ифодалаган қонунларнинг “ишонмаслиги” ёки поймол қилиниши мавжуд экан, жамият ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди.

Мамлакат ва фуқаролар манфаатларининг уйғун ҳолатда амалга ошувининг асосий механизми қонунлар олдида оддий фуқародан тортиб энг юқори лавозимни эгаллаб турган амалдорларга баробарлиги, уларнинг қонунларга сўзсиз итоат қилиши ҳисобланади. Бу тамойилни шакллантириш Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда.

Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқ ости қилиниши, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказади, халқнинг норозилигига, ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши ёки риоя этилмаслиги фуқаро – давлат муносабатларининг бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради.

Шу ўринда маҳаллий ҳокимият вакиллари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур деб ўйлаймиз. Зеро, ислоҳотларни амалга оширишда, жойларда адолат қоидаларини ўрнатишда уларнинг ўрни катта бўлиши зарур. Бунинг ўрнига маҳаллий ҳокимият вакиллари, ҳатто ҳокимлар томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, афсуски содир этилмоқда.

Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизин-чи сессиясида “Адолат - қонун устуворлигида деган ҳаётий тамойил-га қатъий амал қилиб яшаш ғояси ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади” – деб кўрсатган эди. Лекин қонунларга итоат қилишда, унинг ижросини таъминлашга масъул бўлган кишилар ҳар доим оддий фуқароларга “эталон” бўлишлари лозим бўлади. Улар томонидан қонунларнинг бузилишига қаратилган ҳар бир кичик хатти-ҳаракатлар нафақат умумий тараққиётга, шунингдек фуқароларнинг ҳокимиятга ишончи-

нинг барбод бўлишига олиб келади. Шу маънода ҳам қонун устуворлигини таъминлашда фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлардан кўпроқ етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонунларнинг ҳар қандай шахс, гуруҳ, сиёсий кучлар ёки ижтимоий табақалар манфаатларидан устун бўлишини реал таъминлаш орқалигина демократияни ривожлантириш, унинг жамиятда амал қилишига эришиш мумкин бўлади. Унинг амал қилиши ҳар иккала ҳокимият ва фуқаро манфаатларига мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлиги қуйидаги уч ҳолатда ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар адолат принципига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий жиҳатдан асосланган бўлиши керак.

Иккинчидан, барча қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талаби барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан қатъий бажарилиши шарт.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши шарт.

Демак, демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қонун устуворлиги нима?
2. Қонун устуворлиги конституциянинг қайси моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган?
3. Қонун устуворлигини белгиловчи асосий шартлар нималардан иборат?
4. Қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омиллари нималардан иборат?
5. Қонунларнинг барқарор ва устувор бўлишига эришиш учун нималарга эътибор бериш лозим?
6. Жиноий жазоларни либераллаштириш нима?

7. Жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашга сизнинг муносабатингиз қандай?

8. Қонун устуворлигини таъминлашнинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги роли қандай?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.

3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

4. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ўзига хос йўли. Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 2- чақириқ IX сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2002 й. 30 август.

5. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. И.Эргашев. Дарслик. 2005. 161-177 б.

6. Каримов И.А. “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.

7. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари». Каримов И.А. нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2002 й. 30 август.

8. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Президент Ислом Каримовнинг «Независимая газетаси» мухбири саволларига берган жавоблари. 2004. декабрь.

9. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» 2005. 29 январь.

10. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлган учрашувдаги сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2005. 18 февраль.

11. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якун-лари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2006. 10 февраль.

12. Холбеков А.Ж., Матибоев А.Ж. Ижтимоий адолат ва демо-кратия: Барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.

13. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демокра-тик тараққиёт йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”. 2005.

14. Х Бобоев, З. Ғофуров, З. Исломов. «Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт». –Т.: Янги аср авлоди, 2001.

МАВЗУЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган асарида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таҳдиди ҳақида бир қанча хавф-хатарни санаб ўтган. Қуйида уларнинг сонини аниқланг?

a) 10 та;
b) 7 та;
c) 6 та;
d) 4 та;
e) 3 та.

2. Янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Олий Мажлис томонидан қачон қабул қилинган?

a) 1999 йил 14 апрел;
b) 1997 йил 29 август;
c) 1996 йил 17 апрел;
d) 1992 йил 28 апрел;
e) 2000 йил 14 май.

3. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон тараққиётининг Ўзбекис-тон моделига амал қилаётганлигини асословчи фикрлари қуйи-даги қайси асарларида илгари сурилган?

a) «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, бақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»;
b) «Ўзбекистон сузиб юрадиган муз тоғ эмас»;
c) «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида»;
d) «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш»;
e) Ҳаммаси тўғри.

4. Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтариш тўғрисидаги концепция қуйидаги қайси асарида ишлаб чиқилган?

a) Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.
b) Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.

c) Адолат қонун устуворлигида.
d) Юксак ҳуқуқий тафаккур демократик жамият тақозоси.
e) c ва d жавоблар тўғри.
f) Ҳаммаси тўғри.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида»ги қарори қачон қабул қилинган?

a) 1995 йил 20 октябрда;
b) 1995 йил 21 майда;
c) 1994 йил 29 декабрда;
d) 1994 йил 13 октябрда;
e) 1995 йил 29 декабрда.

6. Президент И.А. Каримов қачон Амир Темур таваллуди-нинг 660 йиллигига бағишлаб Парижда ўтказилган Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи тадбирларида иштирок этди?

a) 1996 йил 22-24 апрель
b) 1995 йил 21 ноябрь
c) 1995 йил 10-5 январь
d) 1995 йил 6 февраль
e) 1996 йил 21-24 март.

7. Тоталитар жамиятнинг асосий белгисини аниқланг?

a) Бундай жамиятда ҳокимиятнинг вакиллик органлари мавжуд бўлмайди, конституция ва қонунларга амал қилинмайди.

b) Бундай жамиятда барча бойлик давлатнинг қўлида тўпланиб, хусусий мулк таъқиб остига олинади.

c) Бундай жамиятда ҳокимият олий даражадаги қадриятга айланади, уни бошқараётган шахс илоҳийлаштирилади.

d) Бундай жамиятда фақат давлат, унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига эмас, кишиларнинг шахсий ҳаёти ҳам назорат қилинади.

e) Барча жавоблар тўғри.

8. Халқ ҳокимияти амалда намоён бўлишини тушунтиринг?

a) Сайлов йўли билан вакиллик ҳокимияти органларини тузади, мамлакат президентини сайлайди.

b) Умумхалқ муҳокамаси ва референдум орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда қарорлар (қонунлар) қабул қилишда

иштирок этади.

c) Тўртинчи ҳокимият воситасида давлат раҳбарлик фаолиятини ва қонунларнинг ижросини назорат қилади.

d) a ва b жавоблар тўғри

e) a, b, c жавоблар тўғри

9. «Амир Темур тузукларини ўқисам худди бугунги замон-нинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан». Ушбу жумлалар кимга тегишли?

a) Фитратга

b) Франция президенти Жак Ширакка

c) Француз олими Керэнга

d) Президент И.А. Каримовга

e) Чўлпонга.

10. ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар муносабати билан қандай мавзуда халқаро конференция ва кўргазма уюштирилган?

a) «Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбоби»;

b) «Амир Темур ва Франция»;

c) «Амир Темур фахримиз ва ғуруримиз»;

d) «Темур ва Темурийлар даври маданияти»;

e) «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши».

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз лавозимини ижро этишга киришиши чоғида қайси орган ташкилотда қасамёд қилади?

a) БМТ да

b) Ҳокимлар олдида

c) Олий Мажлисда

d) Вазирлар Махкамасида

e) Конституцион судда

12. БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан унинг Бош Ассамблеяси тантанали йиғилишда иштирок этган Президент И.А. Каримов мазкур ташкилотнинг таркибини ислоҳ қилиш борасида қандай таклифларни илгари сурди?

a) Германия ва Япония сингари давлатларни мунтазам аъзолар сифатида киритиш орқали хавфсизлик кенгаши таркибини

кенгайтириш;

b) БМТ нинг бош котиби ваколатларини кучайтириш;

c) БМТнинг халқаро регионал ташкилотлар билан Ўзаро таъсирини фаоллаштириш;

d) a, b, c

e) a, b.

13. Президент И.А. Каримовнинг Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада (1993 йил 31 август) сўзлаган нутқи қандай номланади?

a) «Соҳибқирон камолга етган юрт»;

b) «Азалий буюклик маскани»;

c) «Халқимиз бор экан Амир Темур номи барҳаёт»;

d) «Эҳтиром»;

e) «Адолат ва қудрат тимсоли».

14. Президент И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мақоласи қайси журналда, нечанчи йил, қайси сонида эълон қилинган?

a) «Мулоқот» журналининг 1998 йил 5 сонида;

b) «Тафаккур» журналининг 1995 йил 5 сонида;

c) «Бухорий сабоқлари» журналининг 1999 йил 2 сонида;

d) Ҳамма жавоб тўғри;

e) a ва b жавоблар тўғри.

15. Президентимиз қайси асарида маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллатлари ва уларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган?

a) «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»;

b) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»;

c) «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»;

d) «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма»;

e) тўғри жавоб йўқ.

16. И.А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг қайси сессияларида диний экстремизм, терроризм ва Афғонистон можаролари масалалари тўғрисида фикр юритган?

a) 20-25 сессиясида

b) 30-31 сессиясида

c) 35-36 сессиясида
d) 50 йиллигига бағишланган 55 сессиясида
e) тўғри жавоб a, b.

17. Президент И.А. Каримовнинг қайси асарларида этник миллатлараро муносабатлар ва муаммолар масаласи алоҳида таҳлил қилинган?

a) «Ўзбекистон: Ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»;
b) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»;
c) «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»;
d) «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»;
e) «Маънавий юксалиш йўлидан».

18. Минтақавий можаролар ва уларни бартараф этиш йўллари И.А. Каримовнинг қайси асарларида алоҳида ёритилган?

a) «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»;
b) «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»;
c) «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли «;
d) «Биздан обод ва озод Ватан қолсин»;
e) тўғри жавоб йўқ.

19. Ўзбекистон Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминловчи органни топинг.

a) Ўзбекистон Республикаси Олий Суди
b) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди
c) Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди
d) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
e) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

20. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Дав-лат ва жамият қурилиши академияси» қачон ташкил этилган?

a) 1993 йил сентябрь
b) 1994 йил октябрь
c) 1995 йил сентябрь
d) 1996 йил март
e) 1996 йил август

21. Президент И.А. Каримов кадрларни қандай тамойиллар асосида танлаш лозимлигини кўрсатиб берган?

a) Кўр-кўрона ўз зиммасидаги иш учун жавобгарликни ўзидан соқит қилиш;

b) Халқимиз кўп миллатли хусусиятларини эътиборга олиш;

c) Кўп асрлик шаклланган ҳаёт тарзини, ўзаро ва ҳурмат ва дўстлик ришталарини сақлаб қолиш;

d) Кадрларнинг ишбилармонлик фазилатларини етарли қадрлай билиш;

e) тўғри жавоблар b,c ва d.

22. Минтақавий этник миллатлараро можаролар, корруп-ция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатлар масаласи И.А. Каримовнинг қайси асарида муфассал таҳлил қилинган?

a) «Ҳушёрликка даъват» асарида

b) «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида;

c) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида;

d) а ва с жавоблар тўғри;

e) тўғри жавоб йўқ.

23. Ватанимизнинг қайси шаҳарлари қачон Амир Темур ордени билан мукофотланган?

a) Бухоро, Хива, Тошкент - 1995 йил 28 август;

b) Самарқанд, Шахрисабз, Учқудуқ - 1995 йил 1 сентябрь;

c) Самарқанд, Шахрисабз - 1996 йил 28 август;

d) Бухоро, Самарқанд - 2000 йил 31 август;

e) Шаҳрисабз, Кеш, Тошкент - 2001 йил 1 сентябрь.

24. Ўзбекистон халқи ўз давлат мустақиллигига қандай йўл билан эришганлигини аниқланг?

a) Тинч, демократик йўл билан;

b) Парламент йўли билан;

c) Тинч, ижтимоий ларзаларсиз, қурбонлар ва вайронагар-чиликсиз амалга ошди;

d) Юртбошимизнинг донишмандлиги, саботли ва қатъият-лилиги, узоқни кўра билиши натижасида;

e) Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

25. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани нимани ўргатади?

a) Бу фан ижтимоий воқеликнинг ўзига хос қонунларини кашф этади;

b) Шу асосда жамиятимиздаги жараён ва ҳодисаларни таърифлаш ва тушунтириш ишларини ўрганади;

c) Илмий хулосалар чиқариш билан биргаликда, у барча фанларнинг ижтимоий тараққиётидаги ўрнини белгилаш, уларнинг дунёқарашини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшишини ўрганади;

d) тўғри жавоб b, c;

e) Ҳамма жавоблар тўғри.

26. Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?

a) Ўзбек давлатчилигида тарихий қўлёзма «Авесто»нинг яратилганлигидан;

b) Хоразм давлати юзага келиши давридан;

c) Ўзбек давлатчилиги 1924 йилда юзага келган;

d) Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган;

e) тўғри жавоб a, b.

27. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича давлатнинг бебаҳо бойлиги нима?

a) Табиий бойликлар;

b) Инсон;

c) Президент;

d) Миллат;

e) Мамлакатнинг қуролли кучлари.

28. 2002 йилга келиб дунёнинг нечта давлати Мустақил Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатди?

a) 80 та;

b) 95 та;

c) 100 та;

d) 110 та;

e) 120 давлатдан ортиқ.

29. Коррупция нима?

a) Коррупция-лотинча сўз бўлиб, мансабдор шахснинг порага сотилиши;

b) Мансабдор шахс томонидан давлат мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш;

c) Ноқонуний фойда олиш учун Ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш;

d) Катта миқдорда пул олиш;

e) тўғри жавоб a,b,c.

30. «Таҳдид» сўзининг маъноси нима?

a) Уруш очиш деган маънони билдиради;

b) Лотинча сўз бўлиб «уруш хавфи бор» деган маънони билдиради;

c) Арабча сўз бўлиб «дўқ-пўписа» деган маънони билдиради;

d) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри;

e) тўғри жавоб a, b.

31. Конституция сўзининг маъноси бу -

a) Кучли қонун деган маънони билдиради;

b) Арабча сўз бўлиб, тасдиқлайман деган маънони билдиради;

c) Лотинча сўз бўлиб Ўрнатиш, белгилашни билдиради;

d) тўғри жавоб b, c;

e) тўғри жавоб йўқ.

32. Суверенитет бу-

a) Ҳокимиятнинг мустақиллиги ва устуворлиги;

b) Мустақилликдир;

c) қонун чиқарувчи органнинг раҳбарлигидир;

d) тўғри жавоб a ва b;

e) тўғри жавоб йўқ.

33. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари» тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?

a) 1990 йил 31 август;

b) 1991 йил 31 август;

c) 1991 йил 1 сентябрь;

d) 2000 йил 1 сентябрь;

e) 2001 йил 31 август.

34. И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида армияни ислоҳ қилишнинг моҳияти нималардан иборат эканлигини кўрсатиб берган. Шуларни аниқланг?

a) НАТОга аъзо бўлиш;

b) мамлакатимизнинг тинчлигини ҳимоя қилишга қодир, тезкор, яхши таъминланган илғор мамлакатлар армия тажрибаларини биладиган қуролли кучларни шакллантириш;

c) қуролли кучларимизда ватанга муҳаббат, юксак маънавият фазилатлари, мустаҳкам иродани тарбиялаш, қуролли кучларни ҳарбий техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва янгилаш дастурини ишлаб чиқишни кўрсатиб берган;

d) тўғри жавоб b, c.

e) тўғри жавоб йўқ.

35. Президентимизнинг «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси-нинг очилиши билан боғлиқ маърузаси қандай номланади?

a) Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир;

b) Эгали юрт эркини бермас;

c) Халқ - қаҳрамон, халқ хотираси олдида бош эгамиз;

d) Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз;

e) Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

36. Президентимиз И.А. Каримовнинг Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилишида сўзлаган маърузаси қандай номланади?

a) Азалий буюклик маскани;

b) Халқимиз бор экан - Амир Темур номи барҳаёт;

c) Соҳибқирон камолга етган юрт;

d) Амир Темур фахримиз, ғуруримиз;

e) Баркамол авлод орзуси.

37. Президентимиз И.А. Каримовнинг миллий ғоя ва миллий мафкура масаласига бағишланган «Тафаккур» журнали мухбири билан мулоқоти мавзуси нима?

a) Ватан саждагоҳ каби муқаддас;

b) Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин;

c) Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби;

d) Тарихий хотирасиз келажак йўқ;

e) Ватан учун барчамиз масъулмиз.

38. Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари кимлар билан учрашувнинг натижасида яратилган?

a) Чет ахборот агентликлари журналистлари билан учрашуви;
b) Дипломатик корпус вакиллари билан учрашуви;
c) Шоир ва ёзувчилари билан учрашуви;
d) Оммавий ахборот вакиллари билан учрашуви;
e) Тарихчи олимлар билан суҳбати натижасида.

39. Президентимизнинг кучли давлатдан, кучли жамият сари деган даъватларининг асосий моҳияти нимада?

a) Кучли давлат механизмларини яратиш;
b) Фақат чет давлатлар андозасини қабул қилиш;
c) Фуқаролик жамияти асосларини яратиш ва унга эришиш учун курашиш;
d) Фақат миллий тарихий асосларга таянган давлат барпо этиш;
e) Жавобларнинг барчаси тўғри.

40. Президентимиз И. Каримовнинг Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур юбилейига бағишлаб ўтказилган анжуман ва унинг ҳайкали очилишидаги маърузаси қандай номланади?

a) Амир Темур фаҳримиз ғуруримиз;
b) Амир Темур руҳи мададкор бўлсин;
c) Миллатимизнинг ғурури;
d) Соҳибқирон камолга етган юрт;
e) Азалий буюклик маскани.

41. Президент асарларидаги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойилининг моҳияти нима?

a) Барча соҳаларнинг давлат қўлида тўпланиши;
b) Барча соҳаларни давлат тасарруфидан чиқариш;
c) нафақадагиларни кучли ҳимоя қилиш;
d) Ишлаб чиқаришдан ажралиб қолган ва ижтимоий ҳимояга муҳтожларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоялаш;
e) c ва d жавоблар тўғри.

42. Президентимизнинг БМТ 50 йиллик Саммитида хавфсизлик масаласига бағишлаб сўзлаган нутқи қандай номланади?

a) Минтақавий хавфсизликдан янги хавфсизлик сари;
b) Хавфсизлик чегара билмайди;
c) Иқтисодий ҳамкорлик тараққиёт пойдевори;

d) Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди;

e) Барча жавоблар тўғри.

43. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги тамойили нимани англатади?

a) Жамият ва давлатни фақат иқтисодчилар бошқаришини;

b) Жамиятдан сиёсий тушунчаларни сиқиб чиқаришни;

c) Иқтисодий соҳаларни эркинлаштириш, уни сиёсий тазйиқлар исканжасида тутиб турмаслик;

d) Жамият тараққиётини моддийлик ва иқтисодий тараққиёт белгилаш.

e) c ва d жавоблар тўғри.

44. Президентимиз асарларидаги бозор муносабатларига асосланган демократик жамият барпо этишнинг босқичма-бос-қич тамойилининг мазмуни нима?

a) Демократик жамиятга кучли табақалар таъсирида ўтиш;

b) Кучли инқилобий портлашлар йўлидан воз кечиш;

c) Революциялар ижтимоий тараққиётнинг омили эканлиги;

d) Ривожланишнинг эволюцион, тарихий, босқичма-босқич, изчиллик тамойилига асосланиши;

e) тўғри жавоб b ва d.

45. Президентнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолат-лари» асарида эътироф этилган, республикамизга таҳдид солиши мумкин бўлган омилларни аниқланг?

a) Буюк давлатчилик шовинизми;

b) Агрессив миллатчилик;

c) Минтақавий можаролар;

d) Уюшган жиноятчилик, коррупция ва маҳаллийчилик;

e) барча жавоблар тўғри.

46. Демократиянинг тамойилларини аниқланг?

a) Халқнинг эркин хоҳиш иродаси ва ҳокимият тармоқлари-нинг тақсимланганлиги;

b) Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;

c) Ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши ва уларнинг сайловчиларга бўйсуниши ҳамда тайинлаш йўли билан шакллана-

диган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги;

d) a ва b жавоблар тўғри;

e) a, b ва c жавоблар тўғри.

47. Президентимиз И.А. Каримов томонидан бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги машҳур тамойилларни аниқланг?

a) Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги;

b) Давлат бош ислоҳотчи;

c) қонун ва қонунларга риоя қилишнинг устуворлиги;

d) Кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш кераклиги;

e) Барча жавоблар тўғри.

48. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги қонуни қачон қабул қилинган ва у неча моддадан иборат?

a) 1990 йил 20 июнда, 15 моддадан иборат;

b) 1990 йил 24 мартда, 17 моддадан иборат;

c) 1991 йил 30 август, 20 моддадан иборат;

d) 1991 йил 31 августда, 17 моддадан иборат;

e) 1989 йил 21 октябрь, 18 моддадан иборат.

49. Фуқаролик жамиятининг бош манбаи нима?

a) Давлат;

b) Парламент;

c) Маҳалла;

d) Инсон;

e) Ҳокимият.

50. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда давлат қай-си тамойилларга асосланиб бошқарилади?

a) Демократия тамойили;

b) Иқтисодий муносабатларни демократиялаш тамойили

c) Юксак маънавият тамойили;

d) Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойили;

e) a, b, c, d,

51. Иқтисодий муносабатларни демократиялаш тамойили қайси жавобда тўғри кўрсатилган:

a) Монополлашган иқтисодиётдан эркин иқтисодга ўтиш тушунилади;

b) Мустақиллик фикрини кенгроқ англаш тушунилади;

c) Давлат ва жамият бошқарувида қонуннинг устуворлиги тушунилади;

d) Республиканинг дунё ҳамжамиятига кириш суръатлари тушунилади;

e) тўғри жавоб йўқ.

52. «Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги» тамойили...

a) Давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши лозимлигини билди-ради;

b) қонун ва қонунларга риоя этиш устувор бўлиши зарурлигини билдиради;

c) Ҳам ички ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарурлигини билдиради;

d) Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш лозимлигини билдиради;

e) Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини билдиради.

53. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида нималарга эътибор берилди?

a) Ижтимоий ҳимоя воситаларига, даромадларни индекса-циялашга;

b) «Истеъмол саватига» кирувчи озиқ овқат маҳсулотларининг қатъий давлат нархлари сақланади;

c) Иқтисодни тўлиқ эркинлаштириш;

d) a ва b;

e) a, b, c.

54. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида ....

a) Кучли ижтимоий сиёсат юритилади, мулкдорлар синфини шакллантиради;

b) Иқтисодиёт тўла-тўкис эркинлаштирилади, нархлар эркин қўйиб юборилади, хусусийлаштириш кучайтирилади;

c) Монополлашган бозордан эркин бозорга, эркин рақобатга таянган иқтисодиётга ўтилади;

d) a ва b;

e) b, c.

55. Хусусийлаштириш-бу...

a) Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилиши;

b) Бирон бир турдаги мулкка тўлиқ ёки қисман соҳиблик ҳуқуқини амалга ошираётган кишилар гуруҳи;

c) Хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини чеклаш

d) a ва c;

e) b ва c.

56. Мустақил Ўзбекистон Президентлигига биринчи марта муқобиллик асосида сайлов қачон ўтказилди?

a) 10 март 1991 йил;

b) 20 август 1991 йил;

c) 15 сентябрь 1991 йил;

d) 29 декабрь 1991 йил;

e) 24 март 1990 йил.

57. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асосла-ри тўғрисида» ги қонун неча моддадан иборат?

a) 22 моддадан;

b) 18 моддадан;

c) 17 моддадан;

d) 21 моддадан;

e) 23 моддадан;

58. Мустақил Ўзбекистон Конституциясига қайси меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинган?

a) БМТ ҳужжатлари;

b) Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси;

c) Ўзбекистоннинг аввалги конституциясининг моддалари;

d) a ва b жавоблар тўғри

e) тўғри жавоб йўқ.

59. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ғоялари нималардан иборат?

a) Халқни давлат бошқарувининг ягона асоси деб эълон қилиш;

b) Давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди;

c) Инсоннинг олий қадриятлари унинг ҳаёти, эркинлиги, ғурури ва ор номуси деб билувчи умуминсоний тамойилларга амал қилиш;

d) Давлат ҳеч кимнинг ҳуқуқларини поймол этмасликни

кафолатлайди.

e) Барча жавоблар тўғри.

60. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - бу ...

a) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати;
b) Олий суд органи;
c) Олий қонун чиқарувчи давлат органи;
d) Олий хўжалик органи.
e) Ижро этувчи орган.

61. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши нимани талаб қилади?

a) Давлат вазифаларининг секин-аста босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият органларига юклатилишини;
b) Омманинг сиёсий фаоллигининг кучайтирилиши;
c) ОАВ ролини кучайтиришни;
d) Фуқароларнинг сиёсий тизим ва ташкилотларда иштирок этишини;
e) c,d.

62. «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясининг мазмуни:

a) Давлат вазифасининг кучайиши;
b) Жамият бошқарувида фуқаролар иштирокини кенгайтириш;
c) Сиёсий бошқарувни кучсизлантириш;
d) Ҳокимлар институтини кучайтириш.
e) b ва c.

63. Фан докторлари Левитин ва Карлайлларнинг 1996 йили нашр этилган Президент И.А. Каримовнинг фаолиятини ёритув-чи асарлари қандай номланади?

a) «Ислом Каримов янги Ўзбекистон Президенти»;
b) «Ўзбекистон кеча, бугун ва эртага»;
c) «И.А. Каримов ва янгиланаётган Ўзбекистон»;
d) «Ўзбек модели ва жаҳон»;
e) «Коммунизмдан бозор иқтисодиётига».

64. Нима сабабдан истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтиш долзарб вазифа қилиб қўйилди?

a) Иқтисодиётнинг социалистик усулларидан тезроқ воз кечиш

мақсадида;

b) Жаҳон давлатлари давлатимизни тезроқ тан олишлари учун;

c) Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун;

d) давлатни иқтисодий жиҳатдан бақувват қилиш ва барча ислоҳотларга қодир бўлиш учун;

e) a, b, c.

65. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш усули Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга бўлди?

a) Аввалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди;

b) Ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиб берди;

c) Ислоҳ қилиш босқичларининг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди;

d) b, c.

e) Барча жавоблар тўғри.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити-ни дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони қачон эълон қилинган?

a) 1992 йил 7 мартда;

b) 1992 йил 22 мартда;

c) 1992 йил 27 мартда;

d) 1993 йил январда;

e) 1994 йил 30 мартда.

67. Президентлик бошқарувининг афзаллик томонларини аниқланг?

a) Ҳокимият бўлинишини адолатли тарзда амалга ошириш имконига эга бўлди;

b) Ижро ҳокимияти Президент қўлида бўлди;

c) Президент умумхалқ йўли билан барча фуқароларнинг овози асосида сайланди;

d) a, b, c;

e) a ва b.

68. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг унинг дастлабки кунларида қандай вазифаларни ҳал этишга киришилди?

a) Ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклашни;

b) Ноҳақ жабрланган инсонлар номларини юзага чиқариш;
c) Миллий онгни ўстириш;
d) Дин ва дин ташкилотларига кенг йўл очиш;
e) Юқоридагиларнинг барчаси.

69. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинди?

a) 1989 йил сентябрь;
b) 1990 йил январь;
c) 1991 йил ноябрь;
d) 1991 йил декабрь;
e) 1992 йил февраль.

70. Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган сиёсатнинг асосий мазмуни?

a) Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакилларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
b) Барча миллатларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш;
c) Барча миллатларнинг давлат тузилмалари ишида ва жамоат турмушида фаол қатнашишини кафолатлаш;
d) a,b,c;
e) a ва b.

71. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг йўналишлари ва тамойиллари, мақсад ва вазифалари ...

a) Президент И.А. Каримовнинг сайловолди дастурида ўз аксини топди;
b) Президент И.А. Каримовнинг 1992-93 йиллар Олий Кенгаши сессияларидаги нутқларида аниқ изоҳлаб берилди;
c) Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистонни ривожлантириш моҳиятини акс эттирувчи асарларида асослаб берилган;
d) a ва c;
e) a,b,c.

72. Президент И.А. Каримов «Уйғунлик ҳозирги замон иқтисодиётининг юрагидир» деб таърифлаганда нимани кўзда тутган?

a) Ўтиш давридаги беш тамойилни;
b) Эркин бозор ва рақобат билан давлатнинг ижтимоий-

иқтисодий фаолиятининг ўзаро таъсирини;

c) Давлатнинг барқарорликни, ижтимоий кафолатни таъминловчи вазифасини;

d) Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни;

e) a,b,c.

73. Президент И.А. Каримов томонидан «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деган маъруза Олий Мажлиснинг қайси сессиясида қилинган?

a) XII сессиясида;

b) XI сессиясида;

c) XV сессиясида;

d) IX сессиясида;

e) XIV сессиясида.

74. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асари қайси йилда чоп этилган?

a) 1991 йилда;

b) 1992 йилда;

c) 1993 йилда;

d) 1994 йилда;

e) 1995 йилда.

75. Ўзбекистон қандай жамият қуриш йўлидан бормоқда?

a) Монархия жамияти;

b) Тоталитар жамият;

c) Авторитар жамият;

d) партократик жамият;

e) Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган одил демократик жамият.

76. 1990 йилларнинг бошига келиб ёш мустақил Ўзбекистон олдида турган ижтимоий ривожланишнинг асосий йўлларини кўрсатинг?

a) Аввалги социалистик ривожланиш йўли;

b) Жаҳон амалиёти синовларидан ўтган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик жамият қуриш йўли;

c) Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли;

d) a ва b

e) a,b,c

77. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ...

a) 3 тага бўлинади;
b) 4 тага бўлинади;
c) 2 тага бўлинади;
d) 5 тага бўлинади;
e) бўлинмайди.

78. Мустақил Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи орган қайси?

a) Республика Президенти кенгаши;
b) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;
c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
d) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори кенгаши;
e) Ўзбекистон Республикаси Олий Суди.

79. Ратификация қилиш деб ...

a) Ўзаро тузилган шартномани бажаришдан воз кечишга айтилади;
b) Давлатлар Ўртасида Олий даражада шартнома тузишга айтилади;
c) Халқаро миқёсда шартнома тузишга айтилади;
d) Аҳдлашаётган давлат вакиллари тузган халқаро шартноманинг бажарилишга киришишига айтилади;
e) Аҳдлашаётган давлатларнинг олий ҳокимият органлари томонидан тузилган халқаро шартномани тасдиқлашига айтилади.

80. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи қайси Республикада биринчи бўлиб Президентлик жорий этилган?

a) Украина;
b) Россия;
c) Ўзбекистон;
d) Қозоғистон;
e) Грузия.

81. Демократиянинг асосий тамойилларини кўрсатинг?

a) халқнинг эркин ҳоҳиш-иродаси
b) фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги
c) ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши

d) барчаси тўғри

82. Демократия қандай шаклланади?

a) табиий-тарихий, эволюцион йўл билан
b) ҳуқуқ қадрининг жамият томонидан англаниши
c) фуқаро маданиятининг ўсиши билан
d) куч ва инқилоб билан
e) фақат A,B,C

83. Фуқаролик жамияти бу –

a) ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга кишилар жамиятидир.
b) бой мулкдорлардан иборат жамият
c) оддий фуқаролардан иборат жамият
d) фақат a, b,c

84. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларини кўрсатинг.

a) нодавлат ташкилотлар, акциядорлик жамиятлари ва б.
b) оила, партиялар, жамоат ташкилотлари
c) нодавлат оммавий ахборот воситалари
d) сўз, виждон ва фикр эркинлиги
e) барчаси тўғри

85. Фуқаролик жамиятини ҳаракатга келтирувчи асосий куч бу –

a) инсон
b) давлат
c) жамоат ташкилотлари
d) барчаси тўғри

86. “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” фани қачондан бошлаб Республика таълим тизимига жорий этилган?

a) 1991 йилдан
b) 1998 йилдан
c) 1999 йилдан
d) 2000 йилдан
e) 1997 йилдан

87. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани қандай фан?

a) назарий
b) амалий
c) назарий-амалий
d) услубий
e) назарий-услубий

88. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг предметини аниқланг?

a) жаҳондаги сиёсий-ижтимоий жараёнларни таҳлил этиш, илмий хулосалар ишлаб чиқиш
b) халқаро муносабатларни ўрганиш, дипломатик муносабатлар
c) ташқи иқтисодий ва молиявий масалаларни таҳлил этиш
d) сиёсат, унинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш
e) Ўзбекистонда демократик жараёнларни шакллантириш ва ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш.

89. Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида фозил жамиятнинг уч шартини кўрсатинг?

a) фозиллик, ижтимоий уйғунлик ва комиллик
b) одиллик, қонунийлик, сахийлик
c) маънавийлик, маърифийлик, адолатлилик
d) Қонунийлик, адолатлилик, орифлик

90. “Ўзбек модели” ижтимоий ривожланиш концепцияси-нинг 5 тамойили И. Каримовнинг илк бор қайси асарида ифода-ланган?

a) Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.
b) Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.
c) Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.
d) Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.
e) Тўғри жавоб йўқ.

91. Ўзбек тараққиёти модели нималарга асосланган?

a) миллий тажриба, қадриятларга
b) миллий меросга
c) миллий урф-одатлар, анъаналарга
d) кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миллий анъана ва қадриятлар, жаҳон халқларининг энг илғор тажрибаларига

e) Барчаси тўғри

92. “Ўзбек модели” ижтимоий-ривожланиш концепциясининг муаллифи ким?

a) И.А. Каримов
b) А. Ўлмасов
c) Н. Тўхлиев
d) акад. М. Шарифхўжаев
e) Фанлар Академияси

93. Ўзбекистонда ўзига хос ривожланиш йўли “Ўзбек модели” қандай принципларга асосланган?

a) умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда миллий манфаатларга
b) умуминсоний қадриятларга
c) миллий қадриятларга
d) диний қадриятларга
e) ахлоқий-маънавий қадриятларга

94. “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” шиори қандай мазмунни англатади?

a) давлатсиз жамиятга ўтишни
b) кучсиз давлат – кучли жамиятни
c) давлатнинг жамоатчилик назоратида бўлишини
d) давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини
e) кучли давлатни кучсизлантиришни

95. Ўзбекистонда демократик жараёнлар йўлини ифодалаб берувчи ғояни аниқланг?

a) Озод ва обод Ватан
b) эркин ва фаровон ҳаёт
c) халқ фаровонлиги
d) юрт тинчлиги
e) Барча жавоблар тўғри

96. Жиноий жазоларни либераллаштиришнинг асосий тамойили нима?

a) эркинлаштириш тамойили
b) давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш тамойили
c) сўз эркинлиги тамойили

d) очиқлик тамойили
e) инсонийлик тамойили

97. Ҳозирги этапда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим омиллари ҳисобланади...

a) давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш ва рақобат муҳитини яратиш
b) давлат бошқарув функцияларини чегаралаш ва марказлашувига йўл қўймаслик
c) хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг тез ўсишини таъминлаш
d) барча жавоблар тўғри

98. Демократия ривожланиш жиҳатларини баҳолашнинг асосий мезонларини кўрсатинг.

a) Халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидан хабардорлиги
b) Ҳукумат қарорлари халқ томонидан назорат қилиниши
c) Оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши
d) Иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги
e) A, B, C

99. Халқ фаровонлигини юксалтириш омилларини кўрсатинг.

a) эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик
b) мулкдор бўлиш, манфаатдорлик, ўрта бизнес
c) демократия, манфаатдорлик, кичик бизнес
d) B,C

100. “Куч – билим ва тафаккурдадир” – деган шиорий фикр кимнинг қаламига мансуб?

a) А. Темур
b) И. Каримов
c) А. Навоий
d) А. Яссавий
e) А. Авлоний

МУНДАРИЖА

Кириш 3

Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари 6

Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели” 43

Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда “ўтиш даври” нинг зарурлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари 66

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлари 96

Қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асоси..... 120

Мавзуларни мустаҳкамлаш учун тест саволлари 136

Мавлуда БЎРИЕВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Ўқув қўлланма

(I-қисм)

Муҳаррир: ***С.Салимова.***
Техник муҳаррир: ***Ж.Абдужалилов.***
Компьютерда саҳифаловчи: ***А.Худайбергенова.***

Босишга рухсат этилди: 26.10.2006.
Ҳажми: 10. Адади: 500. Буюртма: № 911.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.